

67 М.

Ш.Б. Мустафаев

**ЧАКАНА ОЛДИ-СОТДИ  
ШАРТНОМАСИ ШАРТЛАРИНИ  
БУЗГАНЛИК УЧУН ФУҚАРОЛИК-  
ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК  
МУАММОЛАРИ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

Ш.Б. Мустафаев

**ЧАКАНА ОЛДИ-СОТДИ  
ШАРТНОМАСИ ШАРТЛАРИНИ  
БУЗГАНЛИК УЧУН ФУҚАРОЛИК-  
ХУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК  
МУАММОЛАРИ**

Тошкент - 2008



Ушбу монография Тошкент давлат юридик институтидаги Д 16.02 Ихтисослашган Кенгашининг 2008 йил 11 июндаги 10-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

### **Ш.Б. Мустафаев**

Чакана олди-сотди шартномаси шартларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик муаммолари. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. 132 бет.

Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, ТДЮИ.

**Масъул муҳаррир:** Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлар доктори, профессор **И.Б.Зокиров**

**Тақризчилар:** ю.ф.д. **М.А.Усманова**,  
ю.ф.н., доц. **Х.Т.Азизов**

Мазкур монография фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг ўзига хос тури ҳисобланган чакана олди-сотди шартномаси шартларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка бағишланган бўлиб, унда чакана олди-сотди шартномасининг тушунчаси, ўзига хос хусусиятлари ва мазмуни, ҳуқуқий белгилари, мажбуриятлар тизимида тутган ўрни, чакана олди-сотди шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, чакана олди-сотди шартномаси шартларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятлари, ҳуқуққа хилофлик – чакана олди-сотди шартномаси шартларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асоси сифатида, зарар, сабабий боғланиш ва айб - чакана олди-сотди шартномасини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шarti сифатида, чакана олди-сотди шартномасида мажбуриятларнинг бажарилмаслиги учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шакллари тушунчаси ва тавсифи, чакана олди-сотди шартномасида мажбуриятларнинг бажарилмаслиги натижасида етказилган зарарни ундириш ва неустойкани тўлаш муаммолари, чакана савдо соҳасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича суд амалиёти каби масалалар таҳлил қилинган.

Монография ҳуқуқшунослик олий ўқув юртлири талабалари, магистрант, аспирантлар, ўқитувчилар ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уни бузганлик учун белгиланадиган фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик масалаларига қизиқувчи кенг китобхонларга мўлжалланган.

© Ш.Б.Мустафоев.

© Тошкент давлат юридик институти, 2008.

## Кириш

Бозор иқтисодиётини ривожлантириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш шароитида инсон манфаатларини ҳимоя қилиш энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Маълумки, жамиятда инсоннинг табиий, ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини қаноатлантириш, мазкур жараёни ҳуқуқий жиҳатдан изчил тартибга солиш ҳар бир давлат ривожланишининг зарурий омили сифатида эътироф этилади. Зеро, жамиятдаги бошқа субъектларнинг ҳаракати ва унинг натижаси инсон ва унинг эҳтиёжлари билан боғлиқдир.

Таъкидлаш лозимки, инсон – фуқаронинг табиий ва ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини қондиришнинг ҳуқуқий воситаси сифатида чакана олди-сотди шартномаси бозор муносабатлари шароитида янги маъно ва мазмун касб этди.

Маъмурий-буйруқбозлик тизимидан халос бўлиб, бозор иқтисодиётига хос талаб ва тақлиф, рақобат, иштирокчиларнинг тенглиги ҳамда шартномалар эркинлиги каби қонуниятлар асосида ривожланаётган Ўзбекистонда фуқароларнинг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжлари бевосита чакана олди-сотди шартномаси орқали таъминланади. Бунда асосий ҳолат сифатида фуқаро – истеъмолчи ҳуқуқларини қароқўлатлаш, энг аввало, чакана олди-сотди шартномаси тарафларининг шартнома шартларини бузганлик учун жавобгарлик қораларини белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, чакана олди-сотди шартномаси ва чакана савдо муносабатлари айнан истеъмолчининг эҳтиёжини қондиришга қаратилган. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳам аввало, инсон манфаатларига хизмат қилишга қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг маърузаларида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозимлигига алоҳида эътибор берилмоқда<sup>1</sup>.

Ҳозирги кунда Республикаимизда чакана олди-сотди шартномаси ва бевосита чакана савдо муносабатларида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллашни ҳуқуқий тартибга солувчи қатор қонун ҳужжатлари амал қилса-да, лекин уларни муайян изчилликка эга ва бу соҳадаги ҳуқуқбузарликларни самарали бартараф этмоқда, - деб бўлмайди.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга ниҳтилмоқда. -Тошкент: Ўзбекистон, 1999. -34 б.

Айниқса, сотиб олувчининг ҳуқуқлари бузилганда сотувчининг жавобгарлигини белгилаш, унинг айбли ҳаракатларини исбот қилиш ҳамда сотиб олувчига етказилган маънавий зарарларни ҳисоблашда қатор муаммолар мавжуд. Шу билан бирга, чакана олди-сотди шартномасида истеъмолчи ҳисобланган харидор билан сотувчининг шартнома тузишгача бўлган муносабатларидаги жавобгарлик ҳолатлари ҳам қонун ҳужжатларида етарли даражада акс этмаганлигини таъкидлаш лозим.

Шунингдек, ҳозирги пайтда чакана олди-сотди шартномасини тузиш ва савдо фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доирасининг мавҳумлиги ушбу шартнома бўйича жавобгарлик субъектини аниқлаш муаммоси мавжудлигини англатади.

Таъкидлаш лозимки, чакана олди-сотди шартномасида ва чакана савдо муносабатларида ҳуқуқшунос олимлар томонидан сотиб олувчи - истеъмолчи доимо “заиф томон” сифатида эътироф этилади. Аксарият қонун ҳужжатлари ҳам асосан сотиб олувчи - истеъмолчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан қабул қилинган. Дарҳақиқат, истеъмолчи ҳақиқатан ҳам чакана савдо муносабатларида “заиф томон”, лекин улар мазкур ҳолатдан ўз фойдалари учун суистеъмолчиликка йўл қўймасликлари лозим. Бироқ сўнги пайтда амалиётда, айниқса, ривожланган мамлакатларда истеъмолчи томонидан мазкур мезон суистеъмол қилинаётганлиги тез-тез учрамоқда. Шу сабаб ҳам муомалага “тажовузкор истеъмолчи”, “виждонсиз истеъмолчи” тушунчаларини киритиш таклиф қилинмоқда. Шу нуқтаи назардан ҳам чакана олди-сотди шартномасини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини “виждонсиз истеъмолчи”нинг ноқонуний хатти-ҳаракатларини чеклаш нуқтаи назаридан такомиллаштириш лозим.

Республикаimiz мустақилликка эришганидан кейин ўтган давр мобайнида чакана олди-сотди шартномаси шартларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш асослари, шартлари ва жавобгарлик чораларини белгилаш муаммолари бўйича алоҳида монографик тадқиқотлар олиб борилмаганлиги, чакана олди-сотди шартномаси тарафларининг ўз мажбуриятларини бажармаганликлари учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни татбиқ этишнинг илмий-назарий жиҳатлари ўрганилмаганлиги ҳам мазкур мавзу долзарб эканлигидан далолат беради.

Юқоридаги омиллар ва чакана олди-сотди шартномаси шартларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллашнинг

илмий-назарий ва илмий-амалий жиҳатларини тадқиқ этиш, ушбу муносабатларни тартибга соловчи янгиланган (янгиланиб бораётган) фуқаролик қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва мулоҳазаларни ишлаб чиқиш нуқтаи назаридан мазкур мавзунини долзарб, -деб ҳисоблаш мумкин.

# **I боб. Чакана олди-сотди шартномасининг тушунчаси, Ўзига хос хусусиятлари ва мазмуни**

## **1.1. Чакана олди-сотди шартномасининг тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари**

Бозор муносабатлари шароитида фуқароларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини кондиришда фуқаролик-ҳуқуқий воситалар, хусусан шартномалар алоҳида ўринга эга ҳисобланади. Айнан шартномалар орқали ҳар бир фуқаро ўз эҳтиёжи учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар, кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган бошқа нарсаларга эга бўлиши мумкин бўлади. Бу ҳолат бозор муносабатлари шароитига келиб шартномалар эркинлиги тамойили негизи асосида амалга оширилаётганлиги эса, инсон манфаатларининг ҳуқуқий асослари таъминланганлигини англатади.

Таъкидлаш лозимки, фуқароларнинг кундалик эҳтиёж товарларга нисбатан талаби ҳар доим энг муҳим масалалардан бири сифатида давлат эътиборида бўлиб келган. Зеро, аҳолининг кундалик эҳтиёж товарларига бўлган талабларини қаноатлантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, ишлаб чиқарувчилар, сотувчиларнинг харидорлар билан муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш бозор муносабатларидаги талаб ва таклиф, шартномалар эркинлигидан келиб чиқиши лозим. Шу муносабат билан ҳозирги кунда фуқароларнинг кундалик эҳтиёж товарларини харид қилиши, улар билан сотувчилар ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий шакли бу чакана олди-сотди шартномаси ҳисобланади.

Чакана олди-сотди шартномаси инсоният тарихининг дастлабки даврлариданоқ мавжуд бўлган ва ўзаро мол-мулк алмашишнинг бир тури ҳисобланган. Албатта, кишилик жамиятининг илк даврларида чакана олди-сотди шартномасининг конструкцияси ва қоидалари ҳозирги кундаги каби мураккаб ва кенг қамровли бўлмаган. Бироқ кишилар ўзларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини кондириш учун муайян ашё эвазига бошқасини беришган ва кейинчалик пулнинг вужудга келиши натижасида одамларга зарур бўлган ашёларни бошқа ерлардан олиб келиб сотиш билан шуғулланиш касб даражасига кўтарилган ва ҳозирги кундаги конструкцияга ўхшаш бўлган чакана олди-сотди шартномаси вужудга келган. Бунда чакана олди-сотди шартномасининг асосий вазифаси кишиларни турли хилдаги рўзгор

буюмлари, шахсий эҳтиёж учун зарур бўлган бошқа ашёлар билан ҳақ эвазига таъминлаш ва бу орқали фойда кўриш ҳисобланган.

Бугунги кунга келиб эса чакана олди-сотди шартномаси мазкур турдаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи нормаларнинг ўзига хос “мукамалликка” эга бўлган кўриниши сифатида тушунилади. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида ҳам чакана олди-сотди шартномаси олди-сотди шартномасининг энг кўп тузиладиган ва инсон учун энг аҳамиятли бўлган тури сифатида биринчи бўлиб жойлаштирилиши ҳам мазкур шартноманинг аҳамияти юкори эканлигидан далолат беради. Ер юзида энг кўп тузиладиган шартнома ҳам айнан чакана олди-сотди шартномаси, -десақ муболаға бўлмайди. Мазкур шартнома ҳар куни ер юзида миллиардлаб тузилади<sup>1</sup> ва кўпчилик вазиятларда одатдаги кундалик муомаланинг зарурий қисми сифатида тушунилади.

ФКнинг 425-моддасига кўра, чакана олди-сотди шартномасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган сотувчи сотиб олувчига шахсий мақсадларда, рўзғорда ёки тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиладиган товарни топшириш мажбуриятини олади.

Чакана олди-сотди шартномаси олди-сотди шартномасининг энг кенг тарқалган тури сифатида истеъмолчи харидорнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилганлиги билан ажралиб туради<sup>2</sup>. Таъкидлаш лозимки, чакана олди-сотди шартномасининг бир тури сифатида эътироф этилади. Чакана савдо муносабатларида бир томонда сотувчи сифатида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи фуқаролар ва юридик шахслар қатнашса, иккинчи томонда истеъмолчи – фуқаролар қатнашадилар<sup>3</sup>. В.П.Грибанов фикрига кўра, чакана олди-сотдини истеъмолчининг кундалик эҳтиёжларини қондириш учун керак бўлган товар донабай намуналарининг кам миқдорда сотилиши деб ҳисобланади<sup>4</sup>. В.П.Грибанов берган таърифда чакана олди-сотди шартномаси миқдор билан чегаралаб қўйилмоқда. Бу фикр баҳслидир. Қолаверса, ўзбекчиликда миллий тўйни ўтказишда катта миқдордаги озик-овқат товарлари харид қилиш мумкин. Агар чакана олди-сотди шартномасини миқдорга боғлаб қўйсақ, тўй муносабати билан харид қилинган товарлар чакана олди-сотди шартномасининг предметига айланмай қолади ва ўз-ўзидан тўй эгаси истеъмолчи си-

<sup>1</sup> Гражданское право. Учебник.Т.2./Под ред.А.И.Сергеева, Ю.К.Толстого.-М.:Прспект,1998.-40 с.

<sup>2</sup> Раҳмоқулов Х. Олди-сотди шартномаси. –Тошкент: Адолат, 2000. Б. 53-66.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. II-қисм. –Тошкент: Адолат, 1999. –19 б.

<sup>4</sup> Грибанов В.П. Гражданское право. Т.2. – М.:Юридлит, 1980. –20 с.



фатида қонунда белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланишдан “маҳрум” бўлади.

Чакана олди-сотди шартномаси бу муносабатни вужудга келтирувчи тарафларнинг хоҳиш-иродасини белгиловчи ҳуқуқий тусдаги ҳужжат бўлиб, у бевосита шартномавий мажбуриятларнинг бир тури ҳисобланади.

Маълумки, амалиётда чакана олди-сотди шартномаси билан бир хил маънога эга бўлган “чакана савдо” атамаси қўлланилади. Таъкидлаш лозимки, чакана савдо айнан чакана олди-сотди шартномаси асосида амалга ошириладиган ва шартномадан келиб чиқадиган ўзига хос ҳуқуқий муносабат ҳисобланади. Шу сабабли чакана савдо муносабатларининг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиниши ҳам чакана олди-сотди шартномаси тушунчасини ёритишда ўзига хос муҳим ўринга эга.

Ҳуқуқ назариясида ҳуқуқий тушунчалар таърифи икки хил легал ва докторинал бўлади. Улардан норматив ҳужжатларда берилган таърифлар-легал, юридик адабиётларда берилган таърифлар эса илмий-докторинал тушунтиришлар ҳисобланади ва улар ўз-ўзидан турли хил талқинлар ва ёндашувлар, ғоя ҳамда фикрлар асосида қурилганлиги билан бир-биридан ажралиб туради. Норматив ҳужжатларда берилган таърифлар эса юридик техника қоидаларига риоя қилинган ҳолда берилади<sup>1</sup>.

Чакана савдога берилган легал таърифлар мамлакатимизда фақатгина қонун ости ҳужжатларида ўз аксини топган. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сонли қарори билан тасдиқланган “Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан, чакана савдо бу савдо соҳасида якуний истеъмол учун, ундан тижорат мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқисиз аҳолига товарларни доналаб ёки кўп бўлмаган миқдорларда нақд пулга сотишни назарда тутувчи фаолиятни амалга ошириш тушунилади. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси чакана савдо Қоидаларига мувофиқ, чакана савдо, бу – савдо соҳасида пировард истеъмолчи учун, тижорат мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқисиз аҳолига нақд пулга доналаб ёки унча кўп бўлмаган миқдорда товарларни сотишни назарда тутувчи фаолиятни амалга ошириш тушунилади.

<sup>1</sup> Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик -Тошкент: Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси, 2000. -273 б.

Норматив ҳукукий ҳужжатларда чакана савдога берилган таъриф назаримизда айрим тушунчаларни ўз ичига қамраб ололмаган. Жумладан, юкоридаги фикрни исботлаш учун Ўзбекистон Республикаси “Чакана савдо Қоидалари”даги чакана савдо тушунчасига берилган легал таърифни шартли равишда тўрт қисмга ажратган ҳолда таҳлил этиш лозим:

1. Таърифдаги “пировард истеъмолчи” тушунчасидан келиб чиқадиган бўлсак, асосий урғу “истеъмолчи-фуқаро”га қаратилмоқда, лекин мазкур тушунча орқали истеъмолчилар доирасини қисқартириб кўймоқда. “Пировард” тушунчаси “энг сўнгги”, “охирги” деган маъноларни англатади. Демак, мазкур тушунчадан кўриниб турибдики, “пировард истеъмолчи”дан сўнг товар бошқа шахсга ўтмайди. Лекин ФКнинг 425-моддасидаги чакана олди-сотди шартномасига берилган таърифда харидор-истеъмолчи шахсий мақсадларда, рўзғорда ёки тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун товар сотиб олиши назарда тутилади. Шахсий мақсад ва рўзғорда фойдаланиш учун товар сотиб олганда истеъмолчи “пировард истеъмолчи” тушунчасини англатади. Шу билан бирга тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун товар сотиб олишда истеъмолчига товар айнан истеъмол мақсадлари учун сотилади. Масалан, сотиб олинган товарни текин фойдаланишга берганда, товарни ҳадя қилганда ёхуд сотиб олинган товарни алмаштирганда ҳам чакана савдо (яъни чакана олди-сотди шартномаси) орқали товарни сотиб олган фуқаро истеъмолчи ҳисобланади. Зеро, чакана савдо муносабати ва чакана олди-сотди шартномаси товар харидор истеъмолчига топширилгач тугаган ҳисобланади. Шу билан бирга чакана олди-сотди шартномасидаги шартномавий конструкцияларнинг (алоқаларнинг) бир марталик тусга эгаллиги ҳам ҳар қандай вазиятда чакан савдо муносабатлари шахсий мақсадларни назарда тутишини англатади.

2. “Тижорат мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқисиз” тушунчаси чакана савдо тушунчасини тор доирада тушунилишига сабаб бўлмоқда. Зеро, ФКнинг 425-моддасидаги чакана олди-сотди шартномасига берилган таърифда товар нафақат тижорат мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқисиз сотиб олинади, балки шахсий мақсадларда ва рўзғорда фойдаланиш учун ҳам сотиб олинади.

Бундан ташқари, бу тушунчани қуйидаги асосларга кўра қўллаш мумкин эмас.

- биринчидан, чакана савдо орқали аҳолига муайян товар сотилганда, у келгусида бўлажак мулкдор сифатида (истеъмолчи товар сотиб олгандан сўнггина мулкдорга айланади) ўз хоҳишига кўра ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишга, яъни тижорат мақсадида фойдаланишга ҳақли бўлади. Масалан, улуш, инвестиция сифатида корхона устав фондига киритиши ёки яқка тадбиркор сифатида уни фойда олишга йўналтириши мумкин. Бундан ташқари, сотиб олинган товарни фойда олиш учун йўналтирилишини тақиклаб қўйиш бозор муносабатларига зид бўлиб, у фуқаролик ҳуқуқидаги товарларнинг республика ҳудудидаги эркин ҳаракатига путур етказиши мумкин;

- иккинчидан, сотувчи томонидан истеъмолчининг товардан тижорат мақсадида фойдаланмаётганлигини ёки шу нияти бор ё йўқлигини назорат қилишининг имконияти йўқ.

Шу сабабли қоидаларда белгиланган “Тижорат мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқисиз” иборасини “Тижорат мақсадларида фойдаланишни назарда тутмаган ҳолда” ибораси билан алмаштириш мақсадга мувофиқ. Зеро, “Тижорат мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқисиз” ибораси шахснинг мулкдорлик ҳуқуқини бузилишига, унга монелик қилувчи тўсиқнинг вужудга келишига олиб келиши мумкин. Бу ҳол эса, ФКнинг 164-моддаси талабларига зид ҳисобланади. Чунки, мулкдор, ҳуқуқшунос олим О.Оқюлов таъкидлаганидек, ўз мулквий ваколатларини амалга оширишда, энг аввало, ўз хоҳиши билан ҳаракат қилади<sup>1</sup>. Ш.Н.Рўзиназаровнинг фикрича, фуқаролар ва юридик шахслар ўз ҳуқуқларини амалга оширишда жамиятнинг маънавий тамойиллари ва ахлоқий нормаларини ҳурмат қилишлари керак бўлади<sup>2</sup>.

Мазкур фикрларни давом эттирган ҳолда, чакана олди-сотди шартномаси асосида товарни ва унга нисбатан мулк ҳуқуқини қўлга киритган шахс мулкдор ҳисобланади ва ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатни амалга ошириши, шу жумладан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақли, - деган хулосага келиш мумкин.

3. Ҳозирги пайтда нақд пул тушунчаси жуда тор бўлиб, айрим тўлов шакл ва усулларини ўзида қамраб олмаган. Масалан, сўнгги пайтда банкдан ташқари пул муомаласини камайтириш мақсадида тўловларни пластик карточкалар орқали амалга ошириш жорий этилган ҳамда бу орқали супермаркетларда чакана савдо-сотик амалга

<sup>1</sup> Раҳмоновлар Х. ва бошқалар. Хусусий мулк объектларининг ҳуқуқий мақоми. -Тошкент: 2006 -26 б.

<sup>2</sup> Рўзиназаров Ш. Юридик фаилларнинг ривожланиш ва долзарб муаммолари. -Тошкент: 2007.-168 б.

оширилмоқда. Бундан ташқари, фуқаро банкда ўз ҳисоб-рақамига эга бўлиши ва пул суммасини ҳисобга ўтказиш орқали чакана савдони амалга ошириши мумкинлиги “нақд пулга товар сотиб олиш” тушунчаси орқали чеклаб қўйилмоқда. Таърифдаги “нақд пул” жумласини чиқариб ташлаш орқали пул муомаласини банкдан ташқари ҳаракатини чеклашга эришиш мумкин.

4. Юқорида таъкидлаб ўтган норматив-ҳуқуқий ҳужжат “доналаб ёки унча кўп бўлмаган миқдорда” тушунчасини берган бўлса-да, унинг миқдорий кўрсаткичини ўзида акс этмаган. Бу эса мазкур тушунчани турлича талкин этиш ва шарҳлашга олиб келиши табиий. Умуман бу тушунчани киритилиши фикримизча баҳслидир.

Айрим олимларнинг фикрларича, фуқаро-истеъмолчи ҳам ўзининг истеъмол меъёридан ортиқроқ бўлган товарни сотиб олиши керак бўлиб қолиши мумкин, бу ҳолатни эса аниқлаштирилмаганлиги шундоқ ҳам кўриниб турибди<sup>1</sup>. Меъёр масаласига ёндашар экан, Д.И.Бабаев ўз тадқиқотларида истеъмолчи чакана савдо билан шуғулланаётган корхонадан фақат ўзи учун эмас, балки оила аъзолари учун ҳам товар сотиб олиши мумкинлиги, шунинг учун ҳам, ҳар бир фуқаро-истеъмолчига унинг истеъмол меъёрига қараб товарлар сотилиши нотўғри бўлишлигини таъкидлаб ўтади<sup>2</sup>.

Зеро, фуқаро тўй ёки бошқа маросимларга катта миқдорда товар сотиб олиши, кичик сармоёга эга бўлган яқка тадбиркор эса унча катта бўлмаган миқдордаги товар орқали ҳам тижорат фаолиятини олиб бориши мумкин. Мазкур тушунча орқали чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъекти ўзи хоҳлаганча миқдордаги товарни сотиш имкониятини йўқотса, истеъмолчи эса ўзи хоҳлаганча товарни сотиб олиш имкониятидан маҳрум этилади.

Х.В.Бурханходжаеванинг фикрича, чакана савдо – савдо хизмати кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятидан иборат бўлиб, унда халқ истеъмоли товарлари, одатда кичик порцияларда бевосита истеъмолчига белгиланган тартибда етказиб берилади ва сотилади<sup>3</sup>. Фикримизча, чакана савдо тушунчасига берилган мазкур таъриф хизмат кўрсатиш нуктаи назаридан таҳлил этилган ва чакана савдонинг мақсади ва фуқаролик-ҳуқуқий муносабат сифатидаги моҳияти эътибордан четда қолдирилган. Чунки, чакана савдо хизмат кўрсатишнинг

<sup>1</sup> Усманов О. Договор розничной купли продажи и охрана прав покупателей – Душанбе: 1962. – 60 с.

<sup>2</sup> Бабаев Д.И. Истеъмолчи ҳуқуқлари ва уларни бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик муаммолари. Юрид.фан.номз.дис....Автореф. –Тошкент: ТДЮИ, 2005. – 12 б.

<sup>3</sup> Бурханходжаева Х.В. Аҳолига савдо хизмати кўрсатишнинг фуқаролик-ҳуқуқий масалалари. Юрид.фан.номз.дис....Автореф. –Тошкент: 2007.-9 б.

эмас, даставвал олди-сотди муносабатларининг ўзига хос бир тури. Шундай экан унга таъриф беришда, аввало унинг олди-сотди муносабатларининг бошқа турларидан фарқ қилувчи хусусияти – мақсади биринчи навбатда ифодаланиши лозим.

Бундан ташқари чакана савдо тушунчасини ҳар доим хизмат тушунчаси билан боғлаш ҳам ҳуқуқий жиҳатдан баҳслидир. Масалан, Ю.К.Толстойнинг эътироф этишича, чакана савдонинг хусусиятларини белгилувчи норматив ҳужжатларда кўпчилик ҳолатларда олди-сотди хизмат кўрсатиш билан аралаштирилади (масалан, умумий овқатланиш “хизмати”). Баъзи ҳолатларда эса сотиб олинган товарни етказиб бериш алоҳида хизмат кўрсатиш сифатида баҳоланади. Бундай турли хил талқинларнинг сабаби иктисодиётда нақд пул билан боғлиқ битимларнинг барчаси чакана товар муомаласи сифатида баҳоланишидир (шу жумладан, прокат, маиший пудрат, фуқароларга хизмат кўрсатиш ва бошқалар). Бироқ ҳуқуқий нуқтаи назардан хизмат бу – аввало ҳаракат бўлиб, унинг натижаси ҳам ҳаракат билан узвий боғлиқдир ва хизмат кўрсатиш жараёнида вужудга келади ҳамда ашёвий кўриниш ҳосил қилмайди. Олди-сотди шартномасининг предмети бўлган товар эса ҳар доим ашёвий кўринишда бўлади ва айнан моддий ашё кўриниши ўзгартирмайди (сотувчининг товарни топшириш ҳаракатларидан қатъи назар)<sup>1</sup>.

Ҳолбуки, чакана савдода ёки чакана олди-сотдида одатдаги шартномавий муносабатлар орқали товарга нисбатан мулк ҳуқуқи бир шахсдан иккинчи шахсга ўтади ва бу жараённинг сотувчи томонидан муайян ҳаракатларни бажариш орқали амалга оширилишини ҳамма вақт хизмат кўрсатиш сифатида эътироф этиб бўлмайди. Масалан, сотувчининг сотиб олинган чинни идишларни харидорга ўраб бериш бу хизмат кўрсатиш эмас, аксинча мажбурият моҳиятидан англашиладиган ва одатда иш муомаласи шароитида қўлланиладиган ҳаракатлар сифатида тушунилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фикримизча чакана савдо тушунчасига қуйидагича илмий-докторинал таъриф бериш мақсадга мувофиқ:

Чакана савдо бу – савдо соҳасида истеъмолчига шахсий мақсадларда, рўзғорда ёки тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиладиган товарни қонун ҳужжатларида назарда тутилган тўлов усуллари ва шаклларида сотишни назарда тутовчи фаолият тушунилади.

<sup>1</sup> Гражданское право Учебник.Т.2.ЛПод.ред. А.П.Сергеева. Ю.К.Толстого.-М.: Проспект, 1998.-42 с.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, чакана олди-сотди шартномасининг тушунчасини аниқлашда, ушбу шартнома ва чакана савдонинг Улгуржи савдодан фаркли жихатларини аниқлаш лозим бўлади. Айрим ҳуқуқшунос олимлар<sup>1</sup> ҳамда деярли аксарият фуқаролар чакана савдо ва улгуржи савдо орасидаги асосий фарқни сотилаётган товарларнинг миқдорида деб билишади. Бироқ амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, бу икки тушунча ўртасидаги фарқ сотилаётган товарларнинг нафақат миқдори, балки товар учун амалга ошириладиган тўлов шаклида ҳамдир. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сонли қарорига мувофиқ тасдиқланган “Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатга олиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан улгуржи савдо – бу савдо соҳасида товарларнинг йирик туркумлари-ни ўзаро ҳисоб-китобларнинг нақд пулсиз шакли бўйича, уни тижорат тадбиркорлик фаолияти мақсадида ёки ўз ишлаб чиқариш – хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланишни мўлжаллаётган хўжалик юри-тувчи субъектларга сотишни назарда тутувчи фаолият ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 ноябрдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган “Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисида”ги Низом улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди: Мазкур Низомга асосан тижорат мақсадларида фойдаланиш ёки ўз ишлаб чиқариш-хўжалик эҳтиёжлари учун ҳисоб-китобларнинг нақд пулсиз шаклида харид қилинадиган товарларни сотиш улгуржи савдо фаолияти деб эътироф этилади.

Олди-сотди шартномалари ичида чакана олди-сотди шартномаси энг кўп қўлланиладиган шартномалардан ҳисобланади. Чунки бу шартноманинг бир тарафида сотувчи турса иккинчи тарафида истеъмолчи-фуқаро туради. Фуқаро гўё чакана олди-сотди шартномасига киришиш орқали ўз ҳаёти, соғлигини “гаров”га қўяди назаримизда. Қолаверса, фуқаро бу муносабатда истеъмолчи сифатида иштирок этар экан, у мутахассис бўлмаганлиги сабабли, ўзи харид қилаётган товарнинг сифати, хусусияти ҳақида сотувчи (ишлаб чиқарувчи) ёрдамсиз ахборот ололмайди ва ўз-ўзидан айрим ҳолларда товар ҳақидаги, “ўз билимсизлиги”нинг қурбонига айланиб қолади. Шу сабаб ҳам “истеъмолчи мутахассис эмас” деган тамойил мавжуд. Мазкур

<sup>1</sup>Масалан, В.В.Котованинг эътироф этишича, кам миқдордаги улгуржи савдода товар сотилганда одатда фуқаронинг истеъмол эҳтиёж мезъиридан орқик миқдорда, аммо чакана савдода эса истеъмолчига товарлар чакана савдо қорхоналари томонидан тегишли миқдорда сотилади. Бабаев Д.И. Истеъмолчи ҳуқуқлари ва уларни бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик муаммолари. Юрид.фил.номз.дис.... Автореф. –Тошкент: 2005. – 12 б.

тамойил чакана олди-сотди муносабатида энг кўп жавобгарликни тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи сотувчи зиммасига юкланишига сабаб бўлади.

Чакана олди-сотди шартномасини қўлланиши соҳаси бевосита истеъмолчиларнинг турли товарларга нисбатан бўлган эҳтиёжи билан боғлиқ. Қаерда фуқаронинг товар учун эҳтиёжи туғилса, шу ерда албатта чакана савдо фаолияти ва чакана олди-сотди шартномаси қўлланилади. Истеъмолчининг эҳтиёжини қондирадиган товарлар ўзларининг айрим хусусиятлари билан масалан, истеъмол учун хавфлилик даражаси, истеъмолчининг ҳаёти ва соғлиғига таъсир даражаси ва бошқалар билан фарқланади. Айнан товарларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда чакана олди-сотди шартномаси асосида қуйидаги турдаги товарларни сотишда қўлланилади:

1. Озиқ-овқат товарлари билан чакана савдо қилиш;
2. Алкоголли ичимликлар билан чакана савдо қилиш;
3. Мева-сабзавот товарлари билан чакана савдо қилиш;
4. Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар билан чакана савдо қилиш;
5. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида янги автотототранспорт воситалари билан чакана савдони амалга ошириш;
6. Тўқимачилик, трикотаж, тикув буюмлари, мўйнали товарлар ва пойабзалларни сотиш;
7. Техник жиҳатдан мураккаб маиший товарларни сотиш;
8. Атторлик-пардоз товарларини сотиш;
9. Ҳайвон ва ўсимликларни сотиш;
10. Маиший кимё товарларини сотиш;
11. Пестицидлар ва агрохимикатларни сотиш;
12. Дори-дармонлар ва тиббий буюмларни сотиш.

Таъкидлаш лозимки, чакана олди-сотди шартномаси ва унинг предмети ҳисобланган товарларни сотиш муносабатлари нафақат ФК балки кўплаб қонун ва қонун ости ҳужжатлари билан тартибга солинади. Шу муносабат билан биз тадқиқот ишида юқорида эътироф этилган товарларни олди-сотди қилиш (чакана савдо асосида) ва бу муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиниш ҳолати хусусида фикр юритамиз.

Озиқ-овқат товарлари билан чакана савдо қилиш бу муносабатда иштирок этувчи ҳар икки томонга катта масъудият, жавобгарлик юклайди. Улардан бирининг эътиборсизлиги ҳаёт ва соғлиққа зарар етказилиши билан яқунланиш эҳтимолини юзага келтиради. Озиқ-овқат

чакана савдосининг хусусиятлари “Чакана савдо” қоидаларида алоҳида белгиланган. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги қонунда<sup>1</sup> ҳам ўз аксини топган. Товар ҳақида маълумотга эга бўлиш “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасида ҳам ўз ифодасини топган. Озиқ-овқат товарлари тўғрисидаги маълумотларда стандартларнинг мажбурий талабларига мувофиқ, товарларнинг турига боғлиқ равишда: озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига кирадиган ингредиентларнинг номлари, шу жумладан, озиқ-овқатга солинадиган қўшимча масалликлар, озиқлик қиймати (маҳсулотнинг калориялиги, оксиллар, ёғ, углеводлар, витаминлар, микроэлементлар мавжудлиги), оғирлиги ва метрик бирликлардаги ҳажми тўғрисидаги маълумотлар, қўлланиладиган соҳаси (болалар, даволаш-профилактика, озиқ-овқат маҳсулотлари ва парҳез таомлар ва бошқалар учун), тайёрлаш усуллари ва шартлари (концентратлар ва ярим тайёр маҳсулотлар учун) ва қўлланилиши (болалар, даволаш-профилактика маҳсулотлари ва парҳез таомлар учун), мувофиқлик сертификати ёки маҳсулотнинг тайёрловчи корхоналарда сертификация қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар, сақлаш шартлари (улар учун сақлаш шароитларига нисбатан мажбурий талаблар белгиланган товарлар учун), тайёрланган санаси, касалликларнинг айрим турларида истеъмол қилиш ноҳомизлиги (улар тўғрисидаги маълумотда касалликларнинг айрим турларида истеъмол қилиш ноҳомизлиги тўғрисида маълумот бўлиши керак бўлган товарлар учун), тамаки маҳсулотларидаги чекишнинг соғлиқ учун зарарлиги тўғрисида огоҳлантирувчи ёзув бўлиши керак.

Туз, шакар, ун, ёрма ва бошқа сочилувчан товарларни кадоқлаш ва сотишда алоҳида куракчалардан фойдаланилади. Озиқ-овқат товарларини витринада куёш нурлари ва ёгингарчиликларнинг тўғридан-тўғри таъсирига учрайдиган ҳолатда, шунингдек, товарларни ёнма-ён сақлаш тартиби бузилган ҳолда сақлашга ва жойлаштиришга йўл қўйилмайди. Масалан, ош тузининг сувда эриб кетиши ҳаммага маълум ҳодиса. Бироқ намликнинг ош тузига таъсирини ҳамма ҳам англай олмайди. Шу сабабли ҳам маҳсус қоидалар қўпчилик билмайдиган, англаб етмайдиган маҳсус билим, тажриба малака талаб этадиган қоидалар ҳисобланади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. 9-сон, 239-м.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига шарҳ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 144 б.



Тамаки маҳсулотларини акциз маркаларисиз ва 18 ёшдан кичик шахсларга сотишга рухсат берилмайди. Айрим маҳсулотлар (гўшт, сут, торт, пирожние ва бошқалар) маҳсус жойларда сақланиши талаб этилади.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун тегишли хужжатларга эга бўлмаган жисмоний шахслардан озик-овқат товарларини қабул қилиб олиш (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан ташқари) тақиқланади.

Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк бошқарувининг 12.07.2004 йилдаги РА-01-8-31, 95, 2004-49, 256-В-сон қарори билан тасдиқланган “Айрим турдаги акцизли товарларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг ҳисоби тизими тўғрисидаги вақтинчалик Низом”га асосан ўсимлик мойининг сотишнинг ўзига хос хусусиятини ажратиб кўрсатади. Унга асосан бу турдаги маҳсулот фақат маҳсус рухсатномага эга бўлган, турғун савдо шохобчаси бор юридик шахслар томонидан чакана савдога қўйилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 октябрдаги “Вино-ароқ маҳсулотларини улгуржи ва чакана сотишни тартибга солиш тўғрисида”ги қарори ва Чакана савдо қоидалари асосида алкоғолли ичимликлар билан савдо қилиш тартиб қоидалари белгиланган. Алкоғолли ичимликлар билан савдо қилиш маҳсус рухсатномалар асосида, шу жумладан, белгиланган тартибга мувофиқ равишда берилган алкоғолли ичимликларни қуйиб сотишга берилган рухсатномалар асосида ва назорат-касса машиналарини мажбурий қўлланиш шарти билан амалга оширилади. Рухсатномада савдо объектининг манзили, иш соатлари, сотиладиган ичимликларнинг турлари, сотиш тури (олиб кетиш ёки қуйиб сотиш) ва бошқа зарур маълумотлар аниқ кўрсатилган бўлиши керак. Бу маҳсулотлар сифатига кўра, стандартларнинг мажбурий талабларига ва техник шартларга мувофиқ бўлган алкоғолли ичимликлар сотилиши керак. Алкоғолли ичимликларнинг, шу жумладан, импорт алкоғолли ичимликларнинг сотувчиси маҳсулотларнинг ҳар бир номи бўйича тайёрловчи ёки етказиб берувчининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳамда ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш рақамлари, унинг амал қилиш муддати ва сертификатни берган орган кўрсатилган ҳолда маҳсулотнинг ҳар бир номи бўйича мувофиқлик сертификати мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган товар-транспорт хужжатларига эга бўлиши лозим.

Алкоголли ичимликлар юридик шахслар томонидан савдо залига бўлган турғун савдо объектлари орқали сотилади. Мулкчилик шаклидан катъи назар, чакана савдо корхоналари томонидан алкогольли ичимликларни сотиш ва жойи алкогольли ичимликларни сотиш шартларига мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланади.

Алкоголли ичимликларни махсус рухсатномаларсиз, мувофиқлик сертификатисиз, ишлаб чиқарган корхонани аниқлаш имконини берадиган даражада аниқ маркаланмаган ҳолда, яроқлилиқ муддати ўтиб кетган ҳолда, акциз маркалари билан маркаланмаган ҳолда, алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга лицензияси бўлмаган ишлаб чиқарувчидан олинганда, кўрсатиб ўтилган маҳсулотларни сақлаш ва сотиш учун санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқ бўлмаган хона ва жойларда (шу жумладан, назорат-касса машиналарини қўллаш, моддий бойликларни зарур даражада сақлашни таъминлаш учун шарт-шароитлар ва ёрдамчи хона бўлмаганда), 18 ёшга тўлмаган шахсларга, мактабгача болалар муассасалари, диний муассасалардан, ўқув юртларидан 300 метрдан кам масофада жойлашган кўчма ва турғун савдо объектларида, шунингдек, бевосита даволаш-профилактика ва спорт-соғломлаштириш муассасалари ҳудудида, ўқув юртлари ва ишлаб чиқариш корхоналари ошхоналарида - кўрсатиб ўтилган ўқув юртлари ва корхоналар фаолият кўрсатаётган вақтда, аэропортларга, темир йўл вокзалларига ва автостанцияларга ёндош ҳудудларда, жамоат транспорти тўхташ жойларида, шу жумладан, метрополитен бекатлари ёнида, жамоат жойларида ва дам олиш жойларида жойлашган кўчма ва турғун чакана савдо объектларидан, этикеткаларсиз, ифлос (ички ёки ташқи томони), синган (оғзи учган, ёрилган), тикини учган, умумий кўриниши тиниқ бўлмаган, чет нарсалар аралашган, чўкиндили бутилкаларда (винолар тўпламидан ташқари) сотиш тақиқланади.

Алкоголли ичимликларни сотиш чоғида сотувчи сотувдаги мавжуд товар намуналарига ичимлик номи ёзилган, уларнинг идиши ва қадоклаш қиймати кўшилган нархлари кўрсатилган нархномаларни биркитиб қўяди. Алкоголли ичимликларни қуйиб сотишда нархномада унинг номи ва 1 литри ва 0,1 литрининг нархи кўрсатилади. Умумий овқатланиш савдо объектларида алкогольли ичимликлар прејскурантларида ичимликлар номи, бутилкасининг сифими, бутилка умумий сифимининг, шунингдек, 100 ёки 50 граммининг нархи кўрсатилиши керак. Сотувчи-ходимлар (буфетчилар, барменлар ва алкогольли

ичимликларни қуйиб сотувчи бошқа шахслар)нинг иш ўринлари давлат текширувидан ўтказилган тегишли савдо анжомлари, ўлчов мензуркалари ва ўлчамли кружкалар билан таъминланган бўлиши керак.

Этил спиртидан тайёрланадиган алкоголь маҳсулотлари сифатли ёки сифатсиз эканлигига унинг ўзига қараб аниқлаш имкони йўқ. Этил спиртининг давлат Стандарти (этил спирти таркибида мавжуд бўлган кимёвий моддалар таркиби) собиқ Иттифокнинг Стандартлаштириш ва метрология комитети томонидан 07.01.1967 йил тасдиқланган<sup>1</sup>. Ушбу давлат стандарти талабларига мувофиқ этил спиртининг қуввати, таркиби унинг турларига қараб белгиланади (масалан “экстра” спиртининг қуввати 96,5%).

Юқори дизайнда ишлаб чиқарилган спирт маҳсулотларининг шишаси, этикеткаси ҳам харидорни жалб этувчи восита бўлмоқдаки, истеъмолчи учун ушбу ҳолатлар ҳам товарнинг сифатли эканлигидан олдинга ўринларга яъни, бирламчи даражага чиқиб қолмоқда. Айрим алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар “ютумини”, “кўринишини” яхшилаш учун турли кимёвий моддаларни қўшмоқдалар, лекин бу кимёвий унсурлар айнан инсоннинг соғлиғига зарардир. Масалан, биргина Россия Федерациясида алкоголь маҳсулотларидан ўлим келиб чиқиши 2000 йилда 28059 тани 2001 йилда 34278 тани 2002 йилда 36299 тани ташкил этган<sup>2</sup>. Тўғри дастурхоннинг чиройли бўлишига чиройли шишалардаги, замонавий, жарангдор номлардаги алкоголь маҳсулотлари сабаб бўлиши мумкин, лекин унинг инсон соғлиғига зарари хусусида ўйлаб кўриш вақти келди фикримизча. Соғлиғига зарар етказган сотувчини, товар ишлаб чиқарган корхонани судга бериб, ўзига етказилган зарарни ундириб олишга бўлган ҳаракатлар деярли содир бўлмапти.

Масалан, Мирзо Улуғбек тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан “Ок кабутар” савдо хусусий фирма дўконида 2004 йил 10 майда ўтказилган текширишда савдога қўйилган Қозоғистонда ишлаб чиқарилган “Кристалл”, “Особая”, “Московская” ароқлари текширилганда, ушбу ароқларнинг қуввати белгиланган меъёрдан камлиги, сивуш мойи белгиланган меъёрдан икки-уч баравар ортиқ эканлиги аниқланган. Айнан шу туманда фаолият юритувчи “Формула 1” ХФда савдода бўлган ва 15 апрелъ 2004 йилда текшириш учун келтирилган “Медведь”, “Пшеничная” ароқларининг қуввати пастлиги, альдегид моддаси меъёрдан юқори эканлиги, шу фирма-

<sup>1</sup> Спирт этиловый питьевой 95%-ный. Технические условия – М.: Стандартов, 1990. – 10 б.

<sup>2</sup> Михалицына Ю.В. Рябов В.А. О состоянии алкогольного оборота алкогольной продукции на территории Свердловской области.//Адвокат. -Москва. 2004. -№1. –С.81.

га савдога қўйилган “Медвежий кров” виноси ва “Повлиде” конъягининг оргоналептик тавсифи винога мос эмаслиги ва бошқа хусусиятлари ҳам белгиланган меъёрда эмаслиги маълум бўлган.

Ҳамза тумани прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага ҳамда жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўлими томонидан ўтказилган текширишларда 2004 йил 2 июлда “Антей” шахсий корхонасида “Пайда”, “Русская”, “Пшеничная”, “Родина” номли алкоголь маҳсулотлари билан юқорида кўрсатилган ҳолатда ноқонуний равишда савдо қилинаётганлиги аниқланган<sup>1</sup>.

Пиво кучсиз алкогольли ичимлик ҳисобланади ва уни сотишда юқоридаги талаблар татбиқ этилмайди. Пиво ичимлиги билан чакана савдо қилишга рухсатнома бўлган тақдирда, сотиш жойи чекланмасдан умумий асосларда ҳам юридик, ҳам жисмоний шахслар томонидан сотилишига йўл қўйилади.

Мева-сабзавот товарлари жумласига янги узилган сабзавот, ҳўл мева, узум, резавор мева, субтропик ўсимликлар, ёнғоқ мевалар, полиз маҳсулотлари, кўзиқорин, ёввойи ҳолда ўсувчи мевалар, картошка ва уларни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар киради.

Сотувга қўйиладиган мева-сабзавот маҳсулотлари сортларга ажратилган бўлиши ва сифатига кўра давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқ бўлиши керак. Саралаш сифатига салбий таъсир кўрсатадиган олманинг айрим думбул навлари (“Оқ олма”, “Астрахань оқ олмаси”, “Розмарин”), резавор мевалар (кулупнай, малина (хўжағат), смородина (қорағат), данакли мевалар (олча, гилос, олхўри, ўрик) ва узум учун бундан истисно қилишга йўл қўйилади. Агар ярқисизлик ва чикит миқдори олмалар учун 5 фоиздан, данакли мевалар ва узум учун 10 фоиздан ортиқ бўлмаса, кўрсатиб ўтилган маҳсулотлар сортларга ажратилмасдан сотувга қўйилиши мумкин. Мева-сабзавот товарларининг носоз, ифлос ва ўзига хос ҳид келиб турадиган идишда ва транспорт воситаларида идишсиз ташилишига йўл қўйилмайди.

Ҳўл мева, сабзавот ва картошкани сақлаш учун лозим бўладиган шароитлар қонун-ҳужжатларида белгиланган ва улар сотувчилар томонидан таъминланиши керак. Масалан, картошка маҳсулоти цельсий бўйича ҳарорат даражаси +2 дан +3гача, ҳавонинг нисбий намлиги 85-95%гача бўлиши лозим. Шунингдек, Чакана савдо қоидаларида

<sup>1</sup> “Ўзмева-сабзавот-зумсабот-ҳолдинг” компанияси Марказий назорат лабораториясининг 2004 йил янвурлари бўйича маълумотномасидан.

мева, сабзавот, кўкатлар, полиз экинлари, цитрус меваларни сақлаш шарт-шароитлари белгиланган.

Дўконларда янги ва қуритилган мева-сабзавот товарлари ва картошкани сотиш товарнинг нархи ва сорти кўрсатилган, қадоқланган ҳолда амалга оширилади. Сотувчи харидорга картошка, мева-сабзавот маҳсулотларини сотишда савдо жараёнида вужудга келган ярқисиз ва сифати паст маҳсулотларни ажратиб ташлашга мажбурдир. Сифати паст мева-сабзавот товарларини сотиш тақиқланади.

Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар билан чакана савдо қилиш хўжалик юритувчи субъектлар - белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин. Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар билан савдо қилувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг савдо объектлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланадиган дислокацияга киритилиши керак. Дислокацияга моддий-техник базаси белгиланган талабларга мувофиқлиги бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳузурида ташкил этилган комиссияларда экспертизадан ўтган савдо корхоналари киритилади. Тасдиқланган Дислокацияга мувофиқ Марказий банк ҳузуридаги қимматбаҳо металллар агентлигининг Давлат пробани аниқлаш палатаси рўйхатдан ўтказди ва рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси беради. Тасдиқланган Дислокация ва Марказий банк ҳузуридаги қимматбаҳо металллар агентлигининг Давлат пробани аниқлаш палатасининг рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан чакана савдо қилиш ҳуқуқига рухсатнома берилади.

Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган товарларни сотиш фақат ихтисослаштирилган заргарлик дўконлари, универмаглар, савдо марказларининг бўлимлари, секцияларида амалга оширилиб, уларда "Ўзстандарт" агентлигининг давлат текширувчилари томонидан текширилган биринчи ёки иккинчи класс аниқликдаги торозилар, гардиш ўлчагичлар, бармоқ-ўлчагичлар, пробани аниқлаш учун реактивлар бўлиши шарт. Харидорларга қулай бўлиши учун заргарлик зеб-зийнатлари, столни тузаш буюмлари ва бошқа буюмлар вазифаси ва хилига кўра, гуруҳларга ажратилиши керак. Савдо залларида бу товарлардан ясалган буюмлар учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган пробалар тўғрисидаги ахборот, шу-

нингдек, қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмларни тамғалаш тартиби тўғрисидаги норматив ҳужжатлардан кўчирмалар, проба тамғалари тасвири, қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар билан савдо қилиш ҳуқуқи-га рухсатнома, чакана савдо корхонаси Давлат пробани аниқлаш па-латасида рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, мазкур қондалар ва харидорлар учун зарур бўлган бошқа маълумотлар кўзга кўринарли жойга осиб қўйилиши керак.

Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган бу-юмлар алмаштирилмайди ва қайтариб олинмайди, уларда чакана сав-до корхонаси томонидан қайд этилмаган нуқсонлар (зиракка тошлар, илгакларнинг, билакузукка шарнирли бирикмаларнинг сифатсиз мах-камланганлиги, ёрликлар, ушалган жойлар, тирналган жойлар, ғудур-лар ва бошқа нуқсонлар) аниқланган, давлат проба тамғаси муҳри-нинг заргарлик қотишмаси амалдаги пробасига, буюм хусусиятининг пломбаланган ёрлик маълумотларига мос келмаслиги бундан мустас-но. Қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган бу-юмларда чакана савдо корхонаси томонидан қайд қилинмаган нуқ-сонлар аниқланган тақдирда харидор уларни харид қилинган кундан бошлаб 6 ой ичида харид нархи тегишлича қайта ҳисобланган ҳолда, ана шундай буюмларга ёки бошқа буюмларга алмаштириш ҳуқуқи-га эга бўлади, ёхуд улардаги нуқсонлар текин бартараф этилиши ёки ха-рид нархи мутаносиб равишда камайтирилиши керак. Харидор, шу-нингдек, зарар қопланган ҳолда, олди-сотди шартномасини бекор қи-лишга ҳам ҳақли бўлади. Харидорнинг кўрсатиб ўтилган талаблари товар чеки тақдим этилгандан кейин кўриб чиқилади.

Автомобилтранспорт воситаларини сотувчи дўконларнинг жойла-шиши автомобилтранспорт воситаларини намойиш қилиш учун зарур савдо майдонлари ва сотиш учун тегишли шарт-шароитлар мавжуд-лиги ҳисобга олинган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазир-лар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланади. Сотувга фақат белгиланган намунадаги ҳужжат берил-ган ҳолда, сертификациядан ўтган автомобилтранспорт воситалари (автомобиллар, мотоцикллар, тиркамалар, мамлакатимизда ва чет эл-да ишлаб чиқарилган рақамли агрегатлар) қўйилади. Сотилган авто-мототранспорт воситаси учун сотувчи харидорга сервис дафтарчаси, фойдаланиш бўйича амалий қўлланма, пул банк муассасаси орқали олинганлигини тасдиқловчи товар (касса) чеки ёки бошқа ҳужжат, автомобилтранспорт воситаси комплексига кирувчи анжомлар тўпла-

ми, агар бундай тўплам ишлаб чиқарувчи томонидан назарда тутилган бўлса, ИИВ Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатдан ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилувчи маълумотнома-счётларни бериши керак.

Тўқимачилик товарлари (газламалар ва ногозлама материаллар ва улардан тайёрланган буюмлар), трикотаж буюмлар, тикув товарлари (кийим-кечак, ички кийимлар, бош кийимлар), мўйнадан тайёрланган буюмлар ва пойабзал савдо залига қўйилгунгача савдо олди тайёргарлигидан ўтиши керак. Савдо олди тайёргарлиги товарни ўровдан олиш, сортларга ажратиш ва кўздан кечириш; товарнинг сифатини (ташки белгиларига кўра) ҳамда товар ва уни тайёрловчи тўғрисида зарур маълумотлар борлигини текшириш; зарурат бўлганда буюмларни тозалаш ва дазмоллаш ҳамда майда тузатиш кабиларни ўз ичига олади.

Эркаклар, аёллар ва болаларга мўлжалланган трикотаж, тикув буюмлари, мўйнали товарлар ва пойабзал савдо залида алоҳида жойлаштирилиши керак. Газламалар турларига ва улар тайёрланган толарнинг хилига кўра, мўйнали товарлар мўйнанинг турига кўра, гуруҳларга ажратилади. Сотувчи харидорга тикув, устки трикотаж буюмлар, бош кийимлар, мўйнали товарлар ва пойабзални кийиб кўриш учун шароитлар яратиши керак. Товар билан биргаликда харидорга товар чеки берилади, унда товар ва сотувчининг номи, сотилган сана, товарнинг артикули, сорти ва нархи кўрсатилади, шунингдек, сотувни бевосита амалга оширган шахснинг имзоси қўйилади.

Маиший радиоэлектрон аппаратлар, алоқа воситалари, ҳисоблаш ва кўпайтириш техникаси, фото ва киноаппаратлар, соатлар, мусика товарлари, маиший электр приборлари, машина ва жиҳозлар, техник жиҳатдан мураккаб бошқа маиший товарлар савдо залига ёки харидни бериш жойига чиқарилгунга қадар савдо олди тайёргарлигидан ўтиши керак, у товарни очиш, завод мойларини, чангларни, кириндиларни тозалаш; товарни кўздан кечириш; буюмнинг бутлигини, сифатини текшириш, товар ва унинг тайёрловчиси, зарурат бўлганда буюмни йиғиш ва созлаш тўғрисидаги зарур маълумотлар мавжудлигини текширишларни ўз ичига олади. Сотувга қўйилган товарлар намуналари савдо залига жойлаштирилиши, уларда товарнинг номи, маркази, модели, артикули, нархи кўрсатилган ёрликлари, шунингдек, унинг асосий техник тавсифлари ёзилган қисқача аннотация бўлиши керак.

Чет элда ишлаб чиқарилган товарларнинг ишлатиш бўйича йўриқномаси ва бошқа ҳужжатлари харидорга давлат тилида тақдим этилади. Бунда уларнинг таржимаси учун харажат харидорлардан ундирилмайди.

Атторлик-пардоз товарлари тўғрисидаги маълумотларда муайян товар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, унинг нима мақсадда ишлатилиши, буюм таркибига кирувчи ингредиентлар, таъсири ва самараси, қўлланиш учун чеклашлар (ишлатиш мумкин бўлмаган ҳолатлар), қўлланиш усуллари ва шартлари тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак. Атторлик-пардоз товарлари савдо залига қўйилгунгача очилади ва кўриқдан ўтказилади, ҳар қайси товарнинг (ташки белгилари бўйича) сифати ҳамда унинг тўғрисидаги зарур маълумотлар мавжудлиги текширилади.

Сотувга қўйиладиган ҳайвон ва ўсимликлар тўғрисидаги маълумотларда улар турининг номи, сақлаш ва кўпайтириш хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам бўлиши керак. Сотувчи, шунингдек, ёввойи ҳайвонлар ва ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни кидириб топшига (тайёрлашга) қонун ҳужжатларга мувофиқ берилган рухсатнома (лицензия) тартиб рақами ва санаси, ёввойи ҳайвонлар ва ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг муайян турларини Республика ҳудудига келтиришга қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган рухсатноманинг тартиб рақами ва санаси, сотувга қўйиладиган ёввойи ҳайвон унинг бир қисми ҳисобланадиган зоология коллекциясига, давлат ҳисобига қўйилган зоология коллекциялари реестрига киритиш тўғрисидаги гувоҳноманинг тартиб рақами ва санаси (ноэркин ҳолда кўпайтирилган ва зоология коллекциясининг бир қисми ҳисобланадиган ёввойи ҳайвонлар учун) тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши керак.

Маиший кимё товарлари (ҳоналар, мебель, идишлар, маиший анжомлар ва уй-рўзгор буюмлари, ички кийимлар, кийим-кечаклар, пойафзал, автомобилларни ювиш, тозалаш воситалари ва бошқа воситалар; елимлар, лаклар, бўёқлар ва бошқа лак-бўёқ маҳсулотлари; дезинфекциялаш воситалари ва маиший шароитларда фойдаланиш учун мўлжалланган маиший хашаротлар ва кемирувчиларга қарши курашиш воситалари; маиший шароитларда таъмирлаш ва пардозлаш ишлари учун мўлжалланган кимёвий моддалар, уларнинг бирикмалари ва улардан тайёрланган буюмлар ҳамда шунга ўхшаш бошқа товарлар) тўғрисидаги маълумотларда маиший кимё товарлари таркибига кирувчи ингредиентлар номи, давлат рўйхатидан ўтказиш



тўғрисидаги гувоҳноманинг санаси ва тартиб рақами (дезинфекцияловчи воситалар, маиший хашаротлар ва кемирувчиларга қарши курашиш воситалари учун), техник гувоҳноманинг санаси ва тартиб рақами (курилишда қўлланиш учун яроқлилигини тасдиқлаш бўйича мажбурий талаблар белгиланган товарлар учун), сақлаш шартлари (сақлаш шароитларига мажбурий талаблар белгиланган товарлар учун) каби маълумотларни тақдим этиши керак.

Маиший кимё товарлари савдо залига қўйилгунгача (сотиш жойига жойлаштирилгунгача) савдоолди тайёрланишидан ўтиши керак, у ташиш идишидан бўшатиш, товарни сортларга ажратиш, идишининг бутлигини (шу жумладан, аэрозоль идишнинг ишлашини) ва товар сифатини (ташки белгилари бўйича), товар ва унинг тайёрловчиси тўғрисидаги зарур маълумотларнинг, товарларни қўлланиш бўйича йўриқномаларнинг мавжудлигини, нархларнинг тўғрилигини текширишдан иборат бўлади.

Пестицидларни<sup>1</sup> ҳамда агрохимикатларни<sup>2</sup> сотиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ва белгиланган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Пестицидлар ва агрохимикатлар тўғрисидаги маълумотларда пестицид ёки агрохимикатни давлат рўйхатидан ўтказиш гувоҳномасининг тартиб рақами ва санаси, унинг хавфлилики классификацияси, таъсирчан модда концентрацияси, нетто массаси ёки ҳажми, тайёрланган санаси, захарланганда биринчи ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак. Пестицидлар ва агрохимикатлар савдо залига қўйилгунгача савдоолди тайёрлашдан ўтиши керак, у товарни очиш ва идишининг сифатини текшириш; сортларга ажратиш; зарур маълумотлар, қўлланиш бўйича йўриқномалар мавжудлигини, нархларининг тўғрилигини текширишдан иборат бўлади. Савдо залида пестицидлар ва агрохимикатлар ишлатилиш мақсади (ўсимликларни ҳимоя қилиш учун инсектицидлар, хайвонларни ҳимоя қилиш учун инсектицидлар, фунгицидлар, гербицидлар, родентицидлар, минерал ўғитлар, органик ўғитлар, тупроқ грунтлари, мелиорантлар, озуқа қўшимчалари) бўйича гуруҳларга ажратилиши керак. Сотувчи пестицидлар ва агрохимикатларни сақлашда, савдо залига жойлаштиришда ва сотишда хавфсизликнинг

<sup>1</sup> Ҳимомликларнинг зарарқушқандалари ва касалликларига, бегона ўтларга, сақланаётган кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари зарарқушқандаларига, маиший зарарқушқандаларга ва хайвонларнинг ташқи зарарқушқандаларига қарши курашиш учун шахсий ёрдамчи хўжаликларда фойдаланиладиган кимёвий ёки биологик препаратларни, шунингдек, ўсимликларнинг ўсишини тартибга солиш, йилғим-теримдан олдин барглари тўқтириш, ўсимликларни ўриш-йиғишдан олдин қуритиш учун фойдаланиладиган кимёвий ёки биологик препаратлар.

<sup>2</sup> Шахсий ёрдамчи хўжаликларда фойдаланиладиган ўғитлар, шу жумладан, тупроқ грунтлари, кимёвий мелиорантлар ва озуқа қўшимчалари.

мажбурий талабларига риоя қилинишини таъминлаши шарт. Бу товарларни сотиш фақат тайёрловчининг идишида ва қўлланиш бўйича йўриқнома мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

Дори-дармонлар ва тиббий буюмларни сотиш инсон саломатлиги билан боғлиқ бўлганлиги сабабли алоҳида тартиб қоидалар асосида (масалан, Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш (28.12.1993 й), Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги қонун (30.08.1997 й), Вазирлар Маҳкамасининг Ички бозорни дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги (05.08.2000 йил №307), Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини сотишда савдо устамаларини қўллаш тўғрисидаги Низом (29.09.2000 йил 974-сон билан Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган)) махсус рухсатномаларга эга бўлган мутахассислар томонидан амалга оширилади.

Чакана олди-сотди шартномаси олди-сотди шартномасининг алоҳида тури сифатида икки томонлама, ҳақ эвазига ва консенсуал тусдаги шартнома ҳисобланади<sup>1</sup>.

Мазкур шартноманинг икки томонламалиги шундаки, унга мувофиқ, сотувчида товарни топшириш мажбурияти ва топширилган товар ҳақини талаб қилиш ҳуқуқи, сотиб олувчида эса товарни ўзига мулк қилиб топширилишини талаб қилиш ҳуқуқи ва уни ҳақини тўлаш мажбурияти бўлади. Яъни, шартноманинг иккала тарафида ҳам бир вақтнинг ўзида ҳам ҳуқуқ, ҳам мажбурият мавжуддир.

Чакана олди-сотди шартномасига кўра, товар ва унга нисбатан мулк ҳуқуқи ҳақ эвазига сотиб олувчига топширилади. Яъни, шартноманинг бир тарафи томонидан амалга оширилган ҳаракат эвазига иккинчи тарафда муқобил ижро мавжуд ҳисобланади. Олди-сотди шартномаларининг бошқа турларидаги каби чакана олди-сотди шартномасида ҳам харидор товар ҳақини тўлаши лозим. Бу эса чакана олди-сотди шартномасининг ҳар доим ҳақ эвазига тузилишини аниқлатади.

Таъкидлаш лозимки, ҳуқуқий адабиётларда ва фуқаролик ҳуқуқи дарсликларининг барчасида чакана олди-сотди шартномаси консенсуал шартнома эканлиги таъкидланади<sup>2</sup>. Бироқ назарий жиҳатдан қараганда, мазкур шартномани консенсуал эканлиги тўлиқ ўз исботини

<sup>1</sup> Гражданское право. Том II. Подутом I. 2-е издание./Отв.ред.Е.А.Суханов.-М.: БЕК, 2000.-228 с.

<sup>2</sup> Fuqarolik huquqi (II-qism) Darslik./M.Abdusalomov, X.Azizov, V.Ahmadjonov va boshq.-Toshkent: Adolat, 2007.-21 b.; Гражданское право. Учебник.Т.2./Под.ред.А.П.Сергеева. Ю.К.Толстого.-М.: Проспект, 1998.-41 с.; Гражданское право. Том II. Подутом I. 2-е издание./Отв.ред.Е.А.Суханов.-М.: БЕК, 2000.-228 с.

топмаган. Баъзи муаллифлар эса, чакана олди-сотди шартномасини консенсуал эканлигини аниқлаш муҳим ҳолат эмас деб ҳисоблашади<sup>1</sup>.

Фикримизча, чакана олди-сотди шартномасининг реал ёки консенсуал шартномалар таркибига киришини аниқлаш муҳим амалий ва назарий аҳамият касб этади. Шу сабабли мазкур муаммони аниқлаштириш мақсадга мувофиқдир.

М.В.Кротовнинг фикрича, консенсуал (лотинча consensus – келишув) битим (шартнома)ни амалга ошириш учун тарафлар ўртасидаги келишувнинг ўзи етарли ҳисобланади. Масалан, олди-сотди шартномаси сотувчи ва сотиб олувчи ўртасида келишувга эришилган пайтдан бошлаб тузилган деб ҳисобланади. Ашёни топшириш, пулни тўлаш ва бошқа ҳаракатлар тузиб бўлинган битимни ижро этиш юзасидан амалга оширилади. Битимни амалда ижро этишни уни вужудга келиш пайти билан аралаштирмаслик керак. Гарчи, ашёни топшириш ва олди-сотди шартномасини тузиш бир пайтда амалга оширилишини тарафлар келишиб олган бўлсаларда, бундай келишув олди-сотди шартномаси реаллигини англатмайди<sup>2</sup>.

Ҳуқуқшунос олим И.Б.Зокиров ҳам олди-сотди шартномаси консенсуаллигини таъкидлайди<sup>3</sup>. О.Оқюлов ҳам олди-сотди шартномасида тарафлар ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар шартнома юзасидан ўзаро келишувга эришилиб, шартнома тегишли равишда расмийлаштирилгандан сўнг, вужудга келишини эътироф этади<sup>4</sup>.

Фикримизча, мазкур ҳолатларда ифодаланган консенсуаллик қондасида турли хилдаги ёндашув мавжуд. Агар М.В.Кротов ўз фикрида битимнинг консенсуаллигини унинг тузилиш пайти билан белгиланишини эътироф этса, О.Оқюловнинг эътироф этишича, консенсуаллик битим юзасидан тарафларда ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бошланиш пайтини белгилайди. Бироқ иккала ҳолатда ҳам юридик факт содир этилиши лозимлиги кўриниб турибди. Яъни, бу вазиятда тарафларнинг ўзаро келишуви фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларни вужудга келтириши лозим.

Лекин, олди-сотди шартномасида ҳар доим ҳам бу ҳолат кузатилмаслиги мумкин. Масалан, фуқаро ўзига тегишли бирор буюмни сотиш учун бозорга чикиб бирор-бир харидор билан келишди. Тарафлар ўзаро келишувга эришгач, харидорнинг ёнида келишган пул

<sup>1</sup> Қаринг: Гражданское право. Учебник.Т.2//Под.ред.А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого.-М.:Проспект, 1998. -41-42 с.

<sup>2</sup> Гражданское право:Учеб.:В 3 т. Т.1.-6-е изд., перераб. и доп.//Д.Егоров, И.В.Елисеев и др.: Отв.ред. А.П.Сергеев, Ю.К.Толстой.-М.:Проспект, 2003.-284 с.

<sup>3</sup> Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи: Дарслик I қисм. -Тошкент: ТДЮИ, 2006. -366 б.

<sup>4</sup> Фуқаролик ҳуқуқи (II-қисм) Darslik.//М.Аbdusalomov, X.Azizov, В.Ахmadjonov va boshq. -Тошкент: Adolat, 2007. -4 б.

йўқлиги маълум бўлиб қолди. Харидор пул топиб келгунича сотувчи уни бошқа харидорга сотиб юборди, -дейлик, бунда харидор сотувчига нисбатан ҳеч қандай талабларни қўя олмайди. Яъни, улар ўртасида келишув – шартнома мавжудлиги, шартнома бўйича сотувчи ўзига товар топшириши лозимлигини, товар бошқа шахсга сотиб юборилганлиги сабабли ўзига етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас. Агар олди-сотди шартномаси консенсуал бўлганда, эди келишувга эришилган пайтдан бошлаб шартнома тузилган деб ҳисобланар ва тарафлар шу пайтдан бошлаб бир-бирларига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлар олган бўлар эдилар, ҳамда ўз мажбуриятига амал қилмаган томон жавобгар бўлиши лозим эди. Бизнинг мисолимизда эса, гарчи келишувга эришилган бўлса-да, ўз мажбуриятига амал қилмаган томон жавобгар бўлмай қолди.

Бундан ташқари, чакана олди-сотди шартномасини тузиш бўйича одатдаги оғзаки келишув ҳеч қачон юридик факт бўла олмаслигини, тарафлардан бири харидор пул тўланмагунича исталган вақтда, сабабини айтмасдан шартномадан воз кечиши мумкинлиги<sup>1</sup> қонунда ўз ифодасини топган. Шартноманинг тузилганлиги эса ҳар доим юридик факт ҳисобланадиган ҳаракат сифатида эътироф этилади. Чакана олди-сотди шартномасидаги тарафларнинг келишуви эса ҳаракат сифатида ҳуқуқий оқибат туғдирмаслиги ҳам мумкин. Шу сабабли уни юридик факт сифатида баҳолаш, шартнома тарафлари ўртасидаги келишувни шартнома тузилганлигининг асоси сифатида эътироф этиш мумкин эмас.

Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб, чакана олди-сотди шартномаси ўзининг тузилиш пайти ҳамда тарафларда ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг вужудга келиш вақтига кўра, реал шартнома сифатида эътироф этиш ҳамда ФКнинг 426-моддасини “Чакана олди-сотди шартномасининг шакли” -деб номлаш ва унинг мазмунини қуйидагича ифодалаш мақсадга мувофиқ:

- агар қонун ҳужжатларида ёки чакана олди-сотди шартномасида бошқача ҳолат белгиланган бўлмаса, чакана олди-сотди шартномаси сотувчи томонидан сотиб олувчига товар ҳақи тўланганлигини тасдиқловчи касса ёки товар чеки ёки бошқа ҳужжат топширилганидан сўнг, белгиланган шаклда тузилган деб ҳисобланади. Сотиб олувчида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларнинг мавжуд бўлмаслиги, уни шартнома

<sup>1</sup> Fuqarolik huquqi (II-qism) Darslik //M.Abdusalomov, X.Azizov, B.Axmadjonov va boshq.-Тошкент: Adolat, 2007.- 23 b.

тузилганлиги ва унинг шартларини тасдиқлаш учун гувоҳларнинг кўрсатмаларидан фойдаланиш имкониятидан маҳрум этмайди.

Агар қонун ёки шартномада бошқача ҳолат кўзда тутилмаган бўлса, чакана олди-сотди шартномаси сотиб олувчи товар ҳақини сотувчига тўлаганидан сўнг, тузилган деб ҳисобланади.

Сотиб олувчи ўн кунлик муддат ичида сабабларини кўрсатмаган ҳолда товарни қайтариб топшириш ва унинг ҳақини олиш ҳуқуқига эга. Товарни сотиб олувчига қайтариб топшириш тартиби ва шартлари қонун ҳужжатларида белгиланади<sup>1</sup>.

Таклиф этилаётган норма биринчи навбатда, чакана олди-сотди шартномасининг реаллигини ифодалаш ва турли низолар келиб чиқишининг олдини олса, иккинчидан эса сотиб олувчининг ҳуқуқлари ҳимояланади ва сотиб олувчи ўн кунлик муддатда (хоҳласа, пулини тўлагандан сўнг дарҳол) хоҳлаган вақтда товарни сотувчига қайтариб ўзи тўлаган пул суммасини олиш ҳуқуқини кафолатлаб беради.

## **1.2. Чакана олди-сотди шартномасининг ўзига хос хусусиятлари ва мажбуриятлар тизимида тутган ўрни**

Фуқаролик ҳуқуқий шартномаларнинг бошқа турлари каби чакана олди-сотди шартномаси ҳам ўзининг асосий шартлари ҳисобланган тарафлар, тузилиш мақсади, баҳоси, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига кўра, бошқа шартномалардан фарқ қилади.

Чакана олди-сотди шартномасининг тарафлари бўлиб, сотувчи ва сотиб олувчи ҳисобланади ва шартноманинг мақсадидан келиб чиқиб олди-сотди шартномасининг бошқа турларидан фарқ қилади (Чакана олди-сотди шартномасининг тарафлари, уларнинг шартнома тарафи сифатидаги ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари кейинги параграфда таҳлил этилади).

Таъкидлаш лозимки, чакана олди-сотди шартномаси мақсадига кўра, олди-сотди шартномасининг алоҳида тури ҳисобланади. Зеро, чакана олди-сотди шартномасида сотувчининг сотиб олувчига айнан

<sup>1</sup> Россия Федерация Гражданлик кодексининг 493-моддаси ва Қозғоғистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 446-моддаси "Чакана олди-сотди шартномасининг шакли" деб номланади ва унга кўра, агар қонун ҳужжатларида ёки чакана олди-сотди шартномасида бошқача ҳолат белгиланган бўлмаса, чакана олди-сотди шартномаси сотувчи томонидан сотиб олувчига товар ҳақи тўланганлигини тасдиқловчи касса ёки товар чеки ёхуд бошқа ҳужжат топириганидан сўнг белгиланган шаклда тузилган деб ҳисобланади. Сотиб олувчида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларнинг мавжуд бўлмаслиги, уни шартнома тузилганлиги ва унинг шартларини тасдиқлаш учун гувоҳларнинг кўрсатмаларидан фойдаланиш имкониятидан маҳрум этмайди. Фикримишча ФКнинг 426-моддаси сифатида айнан шундай мазмундаги норма киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

қандай мақсадларда фойдаланиладиган товарни топшириши лозимлиги аниқ белгиланган. ФКнинг 425-моддасига кўра, бундай мақсадлар сифатида “шахсий мақсадлар, рўзғор ёки тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадлар” назарда тутилади. Айнан шундай мақсадлар Россия Федерацияси Гражданлик кодексининг 429-моддаси ва Қозоғистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 445-моддасида чакана олди-сотди шартномаси бўйича топшириладиган товарнинг фойдаланиш мақсади ҳисобланади.

Ҳ.Раҳмонкуловнинг фикрича, бу шартноманинг предмети, яъни нарсаи қайта сотиб фойда кўриш учун эмас, балки фақат, шахсий эҳтиёжларда фойдаланиш учун зарур бўлган товарлар ҳисобланади<sup>1</sup>. Э.Гавриловнинг таъкидлашича, чакана олди-сотди шартномасининг предмети иктисодий муомаладан чиқарилмаган ва шахсий, оилавий, уй-рўзғор ва тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиладиган турли хилдаги товарлар ҳисобланади. Биринчи навбатда бундай товарлар жумласига кийим-кечак, оёқ кийим, озик-овқат маҳсулотлари, мебель, музлатгич ва шу кабилар қиради<sup>2</sup>.

Ушбу фикрларни давом эттириб айтиш мумкинки, чакана олди-сотди шартномасининг предмети олди-сотди шартномасининг бошқа турларидаги каби мулк ҳуқуқи асосида бошқа шахсга ўтказилиши мумкин бўлган товарлар ҳисобланса-да, шартноманинг тузилиш ва товар харид қилиш мақсадига кўра, ҳамда товарнинг ушбу мақсадга мўлжалланганлигига кўра, олди-сотдининг бошқа турларидан фарқ қилади. Яъни, чакана олди-сотди шартномаси предметиға кўра, қуйидаги хусусиятлари билан олди-сотди шартномасининг бошқа турларидан фарқ қилади:

- шартномада товарнинг фойдаланиш мақсади белгиланганлиги<sup>3</sup>;
- сотиладиган товарларнинг шартнома мақсадини таъминлашга мўлжалланганлиги. Яъни, чакана олди-сотди шартномасида шахсий мақсадларда, рўзғорда ёки тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиладиган товар топширилишидан келиб чиқилладиган бўлса, бу шартнома орқали юк автомашинаси, хўжалик трактори, самолёт, юк кўтариш кранлари сотилмаслиги англашилади;
- чакана олди-сотди шартномасининг предмети ҳисобланган товар деярли барча вазиятларда сотувчида бор бўлган товарлар тўғри-

<sup>1</sup> Раҳмонкулов Ҳ.Р. Олди-сотди шартномаси. - Тошкент: Адолат, 2000. - 54 б.

<sup>2</sup> Российское гражданское право/. Под.ред. Г.Крыловой, П.Гаврилова. -М.: Юриформ, 1999. -145 с.

<sup>3</sup> Бу мақсадга амал қилиш сотиб олувчининг мажбурияти ҳисобланмайди.

сида тузилиши. Шу сабабли ФКнинг 387-моддаси 2-қисмидаги “келажакда сотувчи яратадиган ёки оладиган товар” тўғрисида чакана олди-сотди шартномаси тузилиши фақатгина айрим вазиятларда қўзғатилади. Албатта, бу ўринда қонун ҳужжатларида чакана олди-сотди шартномаси сотувчи келажакда оладиган товарлар тўғрисида тузилиши мумкинлиги ҳусусида ҳеч қандай чеклов ёки истиснолар йўқ эканлигини эътироф этиш лозим;

- олди-сотди шартномасининг бошқа турларидан фарқ қилиб, чакана олди-сотди шартномасининг предмети фақатгина моддий ашёлар бўлиши мумкин. Масалан, олди-сотди шартномасининг предмети бўлиши мумкин бўлган қимматли қоғозлар, мулкый ҳуқуқлар чакана олди-сотди шартномасининг предмети бўла олмайди.

Чакана олди-сотди шартномасига нисбатан бундай мақсаднинг белгиланиши сотиб олувчига товардан фақатгина шахсий мақсадларда, рўзғорда ёки тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш мажбуриятини юклайди<sup>1</sup>. Аксинча, сотиб олувчи товар ҳақини тўлаб бўлгач, у товарнинг мулкдори сифатида унга нисбатан ҳар қандай юридик ҳаракатларни амалга ошира олади. Агар ФКнинг 425-моддасидан сотиб олувчи товардан тадбиркорлик мақсадида фойланиши мумкин эмаслиги англашилганда, бу ҳолат ФКнинг бир қатор тамойилларига зид келган бўлар эди. Ҳусусан, мулк ҳуқуқининг дахслизлиги, фуқаролик ҳуқуқларининг тўққинликсиз амалга оширилиши<sup>2</sup> ва шу каби тамойиллар бу ҳолатда бузилган ҳисобланар эди. Зеро, ФКнинг 164-моддаси мулкдор ўзининг мулкый ҳуқуқларини ўз хоҳиши ва манфаатларидан келиб чиқиб амалга ошириши белгиланган. Шу сабабли чакана олди-сотди шартномаси асосида товар сотиб олган сотиб олувчи ушбу товардан исталган пайтда қонунда белгилаб қўйилган тартибда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда фойдаланиши мумкин. Масалан, автосалондан автомобиль сотиб олган фуқаро А. ана шу автомобилдан лицензия асосида йўловчи ташиш (такси) хизмати амалга ошириши ёки уй кинотеатри (телевизор) сотиб олган фуқаро Б. тегишли равишда рухсатнома олиб сотиб олинган телевизоридан ўз уйида кинотеатр очиб тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши, Марказий Универ-

<sup>1</sup> Россия Федерацияси Олий судининг “О некоторых вопросах, связанных с применением Закона Российской Федерации “О защите прав потребителей” (1996 йил 9 январ таҳририда), РФ Давлат антимонопол қўмитасининг 1998 йил 20 майдаги буйруғи билан тасдиқланган тушунтиришида айнан чакана савдо буйича товар сотиш мақсадлари белгиланган эди.

<sup>2</sup> Мухаммадиев А. Фуқаролик ҳуқуқи тамойилларининг амал қилиши. -Тошкент: ТДЮИ, 2007. -45 б.

магдан 3 та костюм-шим сотиб олган фуқаро В. эса, уларни прокатга бериб фойда кўриши мумкин.

Шу ўринда қуйидаги савол туғилади: агар сотиб олувчи чакана олди-сотди шартномаси асосида харид қилган товаридан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда фойдалана олиши мумкин экан, унда ФКнинг 425-моддасидаги “шахсий мақсадларда, рўзгорда ёки тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиладиган товарларни топшириш” қондаси қандай вазифани бажаради ва бундай қондани киритишдан мақсад нима?

Фикримизча, мазкур саволга қуйидагича жавоб бериш лозим. Биринчи навбатда чакана олди-сотди шартномаси бўйича харидорга топшириладиган товарлар истеъмол моллари сифатида эътироф этилади. Яъни, мазкур шартнома орқали ишлаб чиқариш учун мўлжалланган станоклари, юк кўтариш автомашиналари, кўтарма кранлар, булдозерлар, рентген аппарати, УВЧ-66 (тиббиётда қўлланиладиган нур билан даволаш ускунаси) ва шунга ўхшаш товарлар эмас, аксинча, одатдаги инсоннинг кундалик ҳаётида зарур бўладиган ва фақат оддий инсон (профессионал эмас) ишлата оладиган товарлар: телевизор, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, енгил автомашиналар ва шу кабилар сотилади. Иккинчидан ФКнинг 425-моддасидаги мақсадни белгиловчи қоида харидор билан тузилган чакана олди-сотди шартномаси бажариб бўлингач вужудга келадиган муносабатларни тартибга солишга ва қайсидир маънода ишлаб чиқарувчи ва сотувчининг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилади<sup>1</sup>. Яъни, чакана олди-сотди шартномаси асосида товар сотиб олган харидор кейинчалик, товардан тадбиркорлик фаолиятида фойдаланганда ундаги нуқсонлар аниқланган бўлса, сотувчидан нуқсонли товар туфайли тадбиркорлик фаолиятида кўрилган зарар – бой берилган фойдани талаб қила олмаслигини чеклайди. Бунда сотувчи товарнинг топширилиш мақсади тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш эмас аксинча, ФКнинг 425-моддасига асосан, “шахсий мақсадлар, рўзгор ёки тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш” эканлигини ва шу сабабли фақатгина нуқсонли товар бошқаси билан алмаштириб берилишини ёки қонунда кўзда тутилган бошқа чоралар қўлланилиши мумкинлигини айтади.

<sup>1</sup> Маълумки, фуқаролик ҳуқуқида кейинги йилларда шартноманинг “занф томони” ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш назарияси кенг қўлланилмоқда (К.О.Синдоров, Ж.И.Бобоев). Унга қўра, чакана олди-сотди шартномасида харидор занф томон ҳисобланади ва қонун унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи нормаларни кўпроқ ифодалаш лозим. Бироқ фуқаролик ҳуқуқидаги “ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг тенглиги” тамойилидан келиб чиқиб ФКнинг 425-моддаси ишлаб чиқарувчи ва сотувчининг манфаатларини ҳимоя қилишни назарда тулади.



Демак, ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб, чакана олди-сотди шартномасида товарни топшириш мақсадининг белгиланиши, ноинсоф истеъмолчининг хатти-ҳаракатларини чеклашни ва ишлаб чиқарувчи (баъзида давлат) манфаатларини ҳимоя қилишни назарда тутиши билан тавсифланади, - деган хулосага келиш мумкин.

Чакана олди-сотди шартномасини ўзига хос хусусиятларидан бири шартноманинг оммавий эканлиги билан белгиланади (ФКнинг 425-модаси 2-қисми).

ФКнинг 358-моддасига мувофиқ, ташкилот томонидан тузилган ҳамда унинг бундай ташкилот ўз фаолияти хусусиятига кўра, ўзига мурожаат қиладиган ҳар бир шахсга нисбатан амалга ошириши шарт бўлган товарлар сотиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш соҳасидаги вазифаларини (чакана савдо, умумий фойдаланишдаги транспортда йўловчи ташиш, алоқа хизмати, энергия билан таъминлаш, тиббий хизмат, меҳмонхона хизмати ва ш.к.) белгилаб қўядиган шартнома оммавий шартнома дейилади.

Ҳ.Раҳмонкуловнинг фикрича, оммавий шартномаларнинг энг муҳим қоидаларига қуйидагилар киради: биринчидан, тижорат ташкилоти, қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно қилганда, бир шахсга бошқа шахсларга нисбатан афзаллик беришга ҳақли эмас; иккинчидан баҳолар, шунингдек, оммавий шартноманинг бошқа шартлари, қонунда белгиланган имтиёزلарни истисно қилганда, барча истеъмолчилар учун бир хил бўлиши керак<sup>1</sup>. О.Оқюловнинг эътироф этишига кўра, чакана олди-сотди шартномаси оммавий шартнома ҳисобланади. Бунинг маъноси шуки, сотувчи сотиш учун таклиф этган товарни бунинг учун тегишли ҳақни тўлашга рози бўлган ҳар қандай шахс сотиб олишга ҳақли (агар қонунга зид бўлмаса, масалан, спиртли ичимликлар ёш болаларга сотилиши мумкин эмас)<sup>2</sup>.

Бу ўринда Т.Л.Левшинанинг фикрларига қўшилиб бўлмайди. Унинг фикрича, чакана олди-сотди шартномасининг оммавийлиги шартнома бўйича офертанинг оммавийлигидан келиб чиқади. Фқкримизча, бу ўринда чакана олди-сотди шартномасининг оммавийлиги, тижорат ташкилотининг шартнома шартларига рози бўлган ҳар бир шахс билан шартнома тузишга мажбурлигидан келиб чиқади.

Шу ўринда ФКнинг 426-моддасида чакана олди-сотди шартномаси бўйича “оммавий оферта” ҳисобланадиган ҳолатлар ўртасидаги номутаносибликка тўхтаб ўтиш лозим. ФК 426-моддасининг 1-қис-

<sup>1</sup> Раҳмонкулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи. -Тошкент: ТДЮИ, 2005. -246 б.

<sup>2</sup> Ҳақаролик ҳуқуқи (II-қисм) Дарслик //М.Абдусаломов, Х.Азизов, В.Ахмадjonov ва бoshq. -Тошкент: Adolat, 2007. -23 б.

мида, чакана олди-сотди шартномасининг барча муҳим шартларини ўз ичига олган ҳолда товар рекламаси, каталоглар, шунингдек, товарнинг номуайян шахслар доирасига қаратилган бошқа таърифлари орқали товар таклиф қилиш оммавий оферта деб ҳисобланиши эътироф этилган ҳолда, 2-қисмида товарларни кўرғазмага қўйиш, уларнинг намуналарини намойиш қилиш ёки савдо бўлаётган жойда сотилаётган товарлар ҳақида маълумотлар (таърифлар, каталоглар, фотосуратлар ва ҳоказолар) бериш, сотувчи тегишли товарлар сотишга мўлжалланмаганлигини аниқ белгилаган ҳоллардан ташқари, нархи ва олди-сотди шартномасининг бошқа муҳим шартлари кўрсатилган-кўрсатилмаганидан қатъи назар, оммавий оферта деб эътироф этилиши белгиланган ва бу иккала қисмда қуйидаги номутаносибликлар мавжуд:

1. Модданинг 1-қисмида оммавий оферта ҳисобланиши учун реклама ва каталогларда “чакана олди-сотди шартномасининг барча муҳим шартлари” бўлиши лозимлиги белгиланган бўлса, 2-қисмида таърифлар, каталоглар, фотосуратларда “олди-сотди шартномасининг бошқа муҳим шартлари кўрсатилган-кўрсатилмаганидан қатъи назар, оммавий оферта” ҳисобланиши белгиланган.

2. Бундан кўришиб турибдики, “товарларни кўрғазмага қўйиш, уларнинг намуналарини намойиш қилиш ёки савдо бўлаётган жойда сотилаётган товарлар ҳақида маълумотлар (таърифлар, каталоглар, фотосуратлар ва ҳоказолар) бериш”, “товар рекламаси, каталоглар, шунингдек, товарнинг номуайян шахслар доирасига қаратилган бошқа таърифлар”га нисбатан шартнома тузиш учун тўлиқроқ маълумот ҳисобланади ва улар шартноманинг муҳим шартлари бор ёки йўқлигидан қатъи назар оммавий оферта ҳисобланади.

3. Модданинг 1-қисмида каталоглар чакана олди-сотди шартномасининг барча муҳим шартларини ифодаламаганда оммавий оферта ҳисобланмаслиги белгиланса, 2-қисмида шартноманинг муҳим шартлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъи назар каталоглар оммавий оферта бўлиши белгиланган.

Фикримизча, мазкур номутаносибликлар амалда кўплаб муаммоларни вужудга келтириши мумкин. Масалан, товарларни харидорга жўнатиш йўли билан савдо қилувчи фирма<sup>1</sup>, каталогда ўзининг омборида кўп миқдорда мавжуд бўлган товар ҳақидаги маълумотни жойлаштирди. Ушбу “оммавий офертага” кўплаб сотиб олувчилар бир

<sup>1</sup> Саид-Ғазиева Н.Ш. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш. - Тошкент: ТДЮИ. 2005. -57 б.

вақтда акцент йўллашди. Зеро, товарни харидорга жўнатиш орқали савдо қилишда сотиб олувчилар ўзларига бу товар учун кимлар акцепт жўнатганлигини била олмайдилар. Бунда, фирма томонидан олинган акцептлар (Ўз-Ўзидан тузилган шартномалар) сони мавжуд товарларнинг сонидан кўп бўлиши мумкин. Ушбу вазиятда товарни акцептантларнинг қай бирига жўнатишни ва қайсиларига товар жўнатишни рад этиш лозимлиги масаласи баҳсли бўлиб қолади.

Шу сабабли оммавий оферта ҳисобланиши лозим бўладиган ҳаракатларни аниқ белгилаш, бунда чакана олди-сотди шартномасининг барча муҳим шартлари (сотувчи, сотилаётган товар ҳақидаги маълумот, баҳо, товарни топшириш тартиби ва шу кабилар) нинг офертада ифодаланишининг мажбурийлиги каби ҳолатлар ҳисобга олиниши лозим.

Чакана олди-сотди шартномаси оммавий шартнома сифатида барча харидорлар учун ихтиёрий бўлиши билан бирга сотувчилари учун уни тузишни хоҳлаган харидорга нисбатан мажбурий ҳисобланади. Яъни, бунда сотувчи у ёки бу харидорни ташқи кўриниши, тузилиши, жинси ва миллатидан қатъи назар унга товарни сотишга мажбурдир. Сотувчининг ушбу қоидага амал қилмаганлиги, сотиб олувчида ўзига етказилган зарарни тўлашни талаб қилиш ҳуқуқи билан бирга сотувчини тегишли товарни харидорга сотиш мажбуриятини юклайди.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда амалиётда ушбу қоидага ҳилоф бўлган бир қатор ҳолатлар учрайди. Айниқса, буюм бозорларида яқка тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган сотувчилар харидорларга товарлар баҳосини уларнинг кийиниши ва ўзини тутишидан келиб чиқиб турлича айтаётганлиги ҳам, унинг оммавийлигини бузиш сифатида эътироф этилади. Зеро, оммавий шартнома ҳисобланган чакана олди-сотди шартномасига мувофиқ, сотувчи товарларнинг нархларини олдиндан белгилаб қўйиши ва бу ҳақда барча харидорлар бир хилда хабардор бўлиши лозим. Мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб, буюм бозорларида чакана олди-сотди шартномасининг оммавий шартнома эканлигини ҳисобга олиб пештахтага қўйилган (бошқача айтганда оммавий оферта қилинган) товарлар тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш мақсадга мувофиқ.

Умумий қоидага кўра чакана олди-сотди шартномасида сотиб олувчи сотувчи томонидан таклиф этилаётган стандарт шаклларга ва бошқа формулярларга қўшилиши шартноманинг ёзма тузилганлиги-

ни тасдиқлайди. Шу маънода айтиш мумкинки, чакана олди-сотди шартномаси кўшилиш шартномалари туркумига киради.

ФКнинг 360-моддасига кўра, шартларини тарафлардан бири формулярлар ёки бошқа стандарт шаклларда таърифлаган ҳамда иккинчи тараф фақат таклиф қилинган шартномага бутунлай кўшилиш йўли билан қабул қилиши мумкин бўлган шартнома кўшилиш шартномаси дейилади. Кўшилиш, масалан, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги оммавий шартномаларда, турли мижозларнинг анъанавий равишда шартнома ҳужжатларининг намунавий бланкаларидан фойдаланувчи (банк ҳисобварағини очиш тўғрисидаги аризалар, суғурта полислари, товар-транспорт юк хатлари) банклар, суғурта ва транспорт ташкилотлари билан муносабатларда учрайди<sup>1</sup>.

Кўшилиш шартномасида шартнома шартлари фақат битта тараф томонидан белгиланади<sup>2</sup>. Чакана олди-сотди шартномасида ҳам одатда шартлар сотувчи томонидан белгиланади ва харидор фақатгина унга кўшилиши мумкин бўлади. Албатта, ҳозирги кунда буюм бозорлари ва савдо дўконларида харидорларнинг товар баҳоси бўйича сотувчи билан савдолашиш ҳолатини харидорнинг чакана олди-сотди шартномаси шартларини белгилаш имкониятига эгалигини англамайди. Ваҳоланки, сотувчи белгиланган баҳодан паст нарх таклиф этган харидор билан шартнома тузмаслик ҳуқуқига эга бўлади, бундай пайтда эса харидорнинг фақатгина сотувчи томонидан белгиланган шартларга рози бўлиб шартнома тузишдан бошқа иложи қолмайди. Бошқа кўшилиш шартномаларида бўлгани каби чакана олди-сотди шартномасида ҳам товарларни каталоглар ва мавжуд формулярлар, стандарт шакллар асосида сотиш йўлга қўйилган. Бунда, ҳар бир сотувчи ўзига хос формулярлар ва стандарт шаклларни таклиф этиши мумкин. Одатда сотувчи томонидан сотиб олувчига бериладиган касса чеки ва товар чеки, кафолат қоғози ва бошқалар формулярлар сифатида шартнома ёзма тузилганлигини тасдиқлайди.

Чакана олди-сотди шартномасида сотувчи томонидан белгиланган шартларга рози бўлиб қўшилган сотиб олувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ФКнинг 360-моддаси 2-қисмига мувофиқ амалга оширилади. Мазкур моддага мувофиқ, агар кўшилиш шартномаси гарчи қонун ҳужжатларига зид бўлмаса-да, бироқ қўшилувчи тарафни одатда ана шундай турдаги шартномалар асосида бериладиган ҳуқуқлардан маҳрум этса, иккинчи тарафнинг мажбуриятларни бузганлик

<sup>1</sup> Раҳмонкулов Х. Мажбурият ҳуқуқи. -Тошкент: ТДЮИ, 2005. -246 б.

<sup>2</sup> Гражданское право: Учеб.: В 3 т. Т.1. -6-е изд., перераб. и доп./Н.Д.Егоров, И.В.Елесева и др.: Отв.ред. А.П.Сергеев, Ю.К.Толстой. -М.: Проспект, 2003. -601 с.

учун жавобгарлигини истисно этса ёки чекласа ёхуд унда кўшилган тараф учун очикдан-очик оғир бўлган, бу тарафда шартнома шартларини белгилашда қатнашиш имконияти бўлганида у ўзининг манфатларини кўзлаб қабул қилмайдиган шартлар ёзиб қўйилган бўлса, шартномага кўшилган тараф шартномани бекор қилишни ёки ўзгартиришни талаб қилишга ҳақли.

Олди-сотди шартномасининг асосий шартларидан бири унинг баҳоси ҳисобланади. ФКнинг 432-моддасига кўра, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки у мажбуриятнинг моҳиятидан келиб чиқмаса, сотиб олувчи товар ҳақини чакана олди-сотди шартномаси тузилган пайтда сотувчи томонидан эълон қилинган баҳода тўлаши лозим. Ушбу қоидадан келиб чиқиб айтиш мумкинки, чакана олди-сотди шартномаси бўйича баъзи товарларнинг баҳоси давлат томонидан тартибга солинади.

Чакана олди-сотди шартномасида товарнинг ҳақини олдиндан тўлаш назарда тутилган ҳолларда, агар тарафлар келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчининг товар ҳақини шартномада белгиланган муддатда тўламаслиги унинг шартномани бажаришдан бош тортиши деб ҳисобланади ва бу ҳолат сотиб олувчининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигини вужудга келтиради.

Чакана олди-сотди шартномаси предмети, мақсади, оммавийлиги ва қўшилиш шартномаси эканлиги билан бирга, ўзининг субъектларига<sup>1</sup> кўра, олди-сотди шартномасининг бошқа турларидан фарқ қилади ва мажбуриятлар тизимида ўз ўрнига эга ҳисобланади.

Хулоса қилиб қайд этиш лозимки, чакана олди-сотди шартномаси ўзининг тузилиш мақсадига кўра, мол-мулк ва унга нисбатан мулк ҳуқуқини ҳақ эвазига бошқа шахсга ўтказишга қаратилган шартнома бўлиб, топшириладиган товарларнинг тайинланиш мақсадига кўра, кундалик истеъмолга мўлжалланганлиги ва тадбирколик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланиладиганлиги билан бошқа шартномалардан ажралиб туради.

### **1.3. Чакана олди-сотди шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Чакана олди-сотди шартномасининг тарафлари бўлиб, сотувчи ва сотиб олувчи ҳисобланади. Умумий маънода сотувчи бўлиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган субъектлар чакана олди-

<sup>1</sup> Чакана олди-сотди шартномасининг субъектлари масаласи кейинги параграфда тахлил этилади.

сотди шартномасида тараф бўлиб катнашиш ҳуқуқига эга ҳисобланади. Сотиб олувчи бўлиб эса фуқаролар ушбу шартноманинг тарафи бўлиши мумкин.

Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб, биз сотувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига тўхталганда, чакана савдо билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар хусусида фикр юритамиз.

Одатда субъектлилиқ масаласи таҳлил этилганда, уларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатлари ўрганилади. Айнан ҳуқуқ субъектлари ўзларининг фуқаролик ҳуқуқ ва муомала лаёқатлари орқали муносабат иштирокчиси бўладилар ҳамда ҳуқуқ ва мажбурият соҳибларига айланадилар. Фуқаролик ҳуқуқи назариясида субъектларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатлари чуқур ўрганилганлиги боис, асосий эътиборни чакана савдо муносабатлари иштирокчилари— субъектлари хусусида тўхталиб ўтишни жоиз деб топдик.

Чакана савдо муносабатлари иштирокчилари унинг субъектлари деб номланади. Одатда ҳуқуқий муносабатлар мазмунини ташкил этувчи, уларнинг вужудга келиши учун зарур бўлган таркибий қисмлар мазкур муносабатларнинг унсурлари бўлиб, шу унсурлар ичида субъектлар муҳим ўрин эгаллайди. Зеро, субъектларсиз муносабат вужудга келмайди. Ҳ.Т.Одилқориевнинг таъкидлашича, ҳуқуқий муносабат, авваламбор, инсонлар (инсонлар жамоаси) ўртасидаги алоқа, боғланиш, муносабатдир. Шу нуқтаи назардан ҳуқуқий муносабат ўз иштирокчиларига, тарафларига эга<sup>1</sup>.

Чакана савдо муносабатлари субъектларини шартли равишда қуйидагиларга ажратиш мумкин:

1. Сотувчи;

2. Истеъмолчи-харидор.

Ҳар қандай муносабат икки ёки ундан ортиқ шахслар ўртасидаги боғланиш, мулоқат сифатида талқин этилади. Бинобарин, муайян субъектларнинг мавжуд бўлиши ҳуқуқий муносабатлар амалга ошишининг муқаррар шarti ҳисобланади. Шундай экан, чакана савдо муносабати “ўзига хос” субъектлар ўртасида юзага келади. Бу ўзига хослик истеъмолчи фақат жисмоний шахс бўлиши, сотувчи эса тadbиркорлик субъекти бўлишлиги талаб этилиши билан боғлиқ. Чакана савдо муносабатлари субъектларининг ҳуқуқий мақоми алоҳида қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Масалан, чакана савдода харидор сифатида иштирок этувчи истеъмолчи ҳамда сотувчи тўғрисидаги нормалар ФКнинг 425-436-моддалари ва “Истеъмолчиларнинг

<sup>1</sup> Давлаг ва ҳуқуқ назарияси. —Тошкент: Иқтисодийёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000. -296 б.

хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидалари” ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинган.

Чакана савдо муносабати иштирокчиси бўлган сотувчига турли норматив ҳужжатларда ҳар хил меъёр берилган.

“Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 1-моддасига асосан “сотувчи бу – олди-сотди шартномасига бўйича истеъмолчига товар реализация қиладиган корхона, ташкилот, муассаса ёки хусусий тадбиркордир”.

“Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидалари”га мувофиқ, эса сотувчи – савдо фаолиятини амалга оширувчи ва олди-сотди шартномасининг бир томони сифатида иш кўрувчи юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор (жисмоний шахс)дир.

ФКда эса сотувчига алоҳида таъриф берилмаган бўлса-да, чакана олди-сотди шартномаси таърифидан келиб чиқадиган бўлсак, сотувчи тадбиркорлик фаолияти билан шуғилланувчи шахс бўлиши талаб этилади. Шу каби таърифлар илмий адабиётларда ҳам учрайди<sup>1</sup>.

“Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш” ибораси кенг тушунча бўлиб, мазкур фаолият нафақат тижоратчи ташкилотлар томонидан балки, амалдаги қонун ҳужжатларига асосан нотижорат ташкилотлар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

ФКнинг 40-моддасига кўра, тижоратчи бўлмаган ташкилот ўзининг уставида белгиланган мақсадларига мос келадиган доирада тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин. Бундан ташқари, худди шу мазмундаги норма Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари” тўғрисидаги қонунда ҳам ўз ифодасини топган<sup>2</sup>.

Ҳуқуқшунос олим М.Х. Рустамбоевнинг фикрича, тижоратчи бўлмаган ташкилот ўзининг уставда белгиланган мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин, бироқ, бу тадбиркорлик фаолияти:

А) ҳар доим устав фаолиятига қўшимча бўлиши, ҳеч вақт асосий фаолиятга аралашмаслиги лозим;

<sup>1</sup> Раҳмонкулов Ҳ. Олди-сотди шартномаси. – Тошкент: Адолат, 2000. –55 б.; Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳуқуқи. II-қисм. – Тошкент: Адолат, 1999. –19 б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999. 5-сон, 115-м.

Б) тадбиркорлик натижасида олинган фойда, даромадлар ҳар доим уставда назарда тутилган мақсадларга сарф қилиниши шарт, муассислар, аъзолар ўртасида тақсимланмайди<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, юридик шахсларнинг чакана савдо билан шуғулланиши унинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати билан боғлиқ. И.Б.Зокировнинг фикрича, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатда қатнашувчи шахслар фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига, яъни фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлиш лаёқатига молик бўлишлари лозим<sup>2</sup>. Ҳуқуқ лаёқати универсал (умумий) ва махсус ҳуқуқ лаёқатларга бўлинади. Айрим адабиётларда “мақсадли ҳуқуқ лаёқати”<sup>3</sup> ва “алоҳида ҳуқуқ лаёқати”<sup>4</sup> каби иборалар ҳам учрайди. Фикримизча, ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ лаёқати умумий ва махсус ҳуқуқ лаёқатига бўлингани маъқул. Ж.Юлдашевнинг фикрича тижоратчи юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати нотижорат юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқатидан кенгрок бўлиб, умумий характерга эга. Нотижорат юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати ўз низомлари доирасида чекланганлиги боис, махсус ҳуқуқ лаёқатига мос келади<sup>5</sup>. Мазкур фикрга қўшилган ҳолда, шунини алоҳида эътироф этиш лозимки, айрим турдаги тижоратчи юридик шахслар (банклар, суғурта ташкилотлари) ва нотижорат юридик шахслар махсус ҳуқуқ лаёқатига эга. Махсус ҳуқуқ лаёқати нотижорат юридик шахсларга хоҳлаган фаолият билан шуғулланиш имконини бермайди. Улар фақат уставда назарда тутилган тақдирдагина тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақли.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган бўлсак, чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доирасига кирадиган юридик шахслар, агар у тижоратчи юридик шахс бўлса умумий ҳуқуқ лаёқати билан қонуний асосда бу фаолият билан шуғулланишга ҳақли бўлади, агар у нотижорат юридик шахс бўлса, уставда назарда тутилган ҳоллардагина бу фаолият билан шуғулланиши мумкин.

Шунинг учун ҳам “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 1-моддасида сотувчи сифатида корхона, ташкилот, муассаса бўлиши мумкинлиги белгиланган. Фуқаролик ҳуқуқи назариясидан маълумки, корхона тижоратчи юридик шахсни,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунга шарҳ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. –11 б.

<sup>2</sup> Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳуқуқи. –Тошкент: Адолат, 1996. –27 б.

<sup>3</sup> Гражданское право. Учебник. 6-е изд. В. 3-х. Т. Ютв.ред. Сергеев А.П., Толстой Ю.К. –М.: Проспект, 2003. Т.1 –217 б.

<sup>4</sup> Воротов М.Х. Бозор муносабатлари шароитида давлатнинг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми. Юрид.фан.номз.дисс. Автореф. –Т.: 2005. –12 б.

<sup>5</sup> Юлдашев Ж.И. Акциядорлик жамиятлари – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида. –Тошкент: ТДЮИ, 2004. –35 б.



ташкилот ва муассасалар эса нотижорат юридик шахсни англатади. Лекин юқоридаги таърифда кўзда тутилган сотувчи макomini олувчи шахслар айнан қайси субъектлар бўлишлиги аниқ очиб берилмаган. Масалан, Қоидаларда назарда тутилган юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор (жисмоний шахс) ибораси “сотувчи” тушунчасини тор доирада тушинишга сабаб бўлади. Бу ерда юридик шахс деганда, тижоратчи ва нотижорат юридик шахслар сотувчи бўлиши мумкинлиги белгиланган, лекин якка тартибдаги тадбиркор ибораси юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, тадбиркорлик фаолиятини олиб борувчи субъектлар доирасини қамраб олаолмайди. Ҳолбуки, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун<sup>1</sup> талабларига кўра, деҳқон хўжалиги, эр ва хотиннинг умумий мулки негизда ташкил этиладиган тадбиркорлик ва оддий ширкат юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, тадбиркорлик фаолиятини олиб борувчи субъектлар ҳисобланади. Бундан ташқари И.У.Жанайдаров якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини шахсий тадбиркорлик ва биргаликдаги тадбиркорлик турларига бўлади<sup>2</sup>. А.Тўраев оилавий тадбиркорлик таркибига деҳқон хўжалигини киритиб юборади<sup>3</sup>. Ваҳоланки, биргаликдаги якка тадбиркорлик ўз ичига оилавий тадбиркорлик ва деҳқон хўжаликлари (юридик шахс тузмасдан)ни олиб улар алоҳида тушунча ҳисобланади. Чунки, деҳқон хўжаликлари гарчи, якка тадбиркорликка кирса-да, у махсус қишлоқ хўжалигига ихтисослашган тадбиркорлик (махсус ҳуқуқ лаёқати), оилавий тадбиркорлик фаолияти қонунда тақиқланмаган барча турдаги тадбиркорликни (универсал ҳуқуқ лаёқати)ўз ичига олади. Айрим муаллифлар юқоридагиларни якка тартибдаги тадбиркорлик шакли сифатида ҳам баҳолашади<sup>4</sup>.

Бундан ташқари, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 1-моддасида сотувчи сифатида хусусий тадбиркор ҳам фаолият олиб бориши мумкинлиги белгиланган. “Хусусий тадбиркор” ибораси кенг тушунча бўлиб, у ўз ичига нафақат якка тадбиркорларни, балки тижоратчи юридик шахсларни ҳам олади.

Шунингдек, айрим турдаги чакана савдо билан якка тадбиркорлар шуғулланишга ҳақли эмас. Масалан, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий Банкнинг 2004 йил 12 июлдаги РА-01-8-31, 2004-49, 256-В-сон қарори билан тасдиқланган “Айрим турдаги акцизли товарларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг ҳисоби тизими тўғрисидаги Вақтинчалик Низом”га асосан

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2000. 5-6-сон. 140-м.

<sup>2</sup> Гражданское право. Т. 1. /Отв.ред. М.К.Сулейменов, Ю.Г.Басин. –Алматы: КазГЮА, 2000. –372 с.

<sup>3</sup> Тўраев А. Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти. //Жамият ва бошқарув. -Тошкент, 2003. - №1. - Б.75.

<sup>4</sup> Ибратов Б. Тадбиркорлик ҳуқуқи. -Тошкент: Молия, 2001. -72 б.

алкогол ва тамаки, ўсимлик мойи маҳсулотлари, автомобиль бензини ва дизель ёқилғиси фақат юридик шахслар томонидан сотилиши мумкин. Бундан ташқари айрим турдаги маҳсулотлар фақат махсус рухсатнома ва лицензияга эга бўлган шахслар томонидан сотилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фикримизча сотувчи тушунчасига берилган таърифларни барчасини бир хиллаштириш лозим ва у қуйидагича мазмунда баён этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди:

Сотувчи бу чакана савдо фаолиятини амалга оширувчи ва олди-сотди шартномасининг бир томони сифатида иш қўрувчи хўжалик юритувчи субъектдир. Бунда энг асосий талаб сотувчининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши ҳисобланади<sup>1</sup>.

Умуман олганда чакана олди-сотди шартномасида сотувчи мақомига эга бўлиш учун:

-шахс муомала лаёқатига эга бўлиши керак;

-савдо фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

Чакана олди-сотди шартномасида тараф сифатида иштирок этувчи сотувчи юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, алоҳида мақомга эга бўлади. Зеро, сотувчи бевосита истеймолчи билан муносабатга киришар экан, истеймолчи мутахассис бўлмаганлиги сабабли алоҳида билимга, малакага эга бўлиши керак.

Фикримизча, сотувчини фаолиятининг хусусиятига, истеймолчи билан муомалага киришишига, фаолият доирасига қараб у шартли равишда таснифланиши лозим.

Сотувчини фаолиятининг хусусиятига қараб қуйидаги турларга ажратиш мумкин: биринчиси ишлаб чиқарувчи; иккинчиси воситачи; учинчиси бевосита сотувчи.

Бундай таснифлашдан мақсад, ишлаб чиқарувчи сотилаётган товарни одатда бевосита ўзи эмас сотувчи орқали истеймолчига етказди. Воситачи эса ФКнинг 832-847-моддалари ва Чакана савдо қоидаларининг Х-бўлимига асосан ўз фаолиятини амалга оширади. Воситачи ФКнинг 832-моддасига асосан комитентнинг топшириғи бўйича ўз номидан, бироқ комитент ҳисобидан бир ёки бир неча битимни (Чакана олди-сотди шартномасини – муаллиф) ҳақ эвазига тузиш мажбуриятини олади. Бу ерда товарнинг мулкдори товарни реализация қилишда бевосита ўзи иштирок этмайди, балки воситачи хизматидан фойдаланади. Шу сабаб ҳам воситачи ёрдамида амалга оширадиган чакана савдо ўзига хос хусусиятларга эга бўлади ҳамда унга қоидаларда алоҳида талаблар қўйилган.

<sup>1</sup> Семенович В.В. Договор розничной купли-продажи//Юрист. -Москва. 2007. -№8. -С.11.

Учинчи турга кирувчи сотувчи бу сотувчининг бевосита ўзи то-варни реализация қилишда истеъмомли билан муносабатга кириши-шида намоён бўлади. Бу ерда бевосита сотувчи улгуржи савдо нати-жасида қўлга киритган товарни истеъмомлига етказишда чакана савдо муносабатларига киришади ва у воситачилар ёрдамига таянмайди.

Сотувчининг истеъмомли билан муомалага киришига қараб бевосита сотувчи ва сотувчининг ходимига бўлинади. Бу ерда асосий ме-зон сотувчининг ташкилий ҳуқуқий шаклига боғлиқ. Масалан, юри-дик шахс бевосита ўзи сотувчи мақомига эга бўлса-да, у мавҳум ту-шунча бўлганлиги сабабли, ходимлар хизматидан фойдаланишга мажбур. Фақат инсонгина бир-бири билан муомалага кириша олади. Юридик шахс биологик хусусиятга эга бўлмаган ташкилий тузилма бўлганлигидан, унинг номидан инсон-ходимларгина муомалага ки-риша олади. Шунинг учун ҳам амалдаги қонун ҳужжатларида маса-лан, Чакана савдо қоидаларида “сотувчининг ходими” тушунчаси ки-ритилган. Унга асосан сотувчи-ходим – сотувчи номидан иш кўрувчи ва товарни бевосита истеъмомчиларга хизмат кўрсатувчи шахс хи-собланади.

Одатда яққа тадбиркорлар тадбиркорлик фаолиятларини бевоси-та ўзлари амалга оширадilar. Яққа тартибдаги тадбиркорда сотувчи ва сотувчи ходим тушунчалари бир шахсда мужассамлашган бўлади. Яққа тартибдаги тадбиркор истеъмомчилар билан бевосита ўзи савдо хизматини кўрсатиши лозим. Улар ёлланма меҳнатдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

Айрим ҳолларда роботлар ёрдамида ҳам товарлар реализацияси амалга оширилиши мумкин. Масалан, ФКнинг 430-моддасига асосан чакана олд-сотди шартномаси бўйича товар сотиш автоматлардан фойдаланилган ҳолларда ҳам амалга оширилиши белгиланган. Лекин мазкур роботларга дастурларни ўрнатиш автомат эгалари томонидан амалга оширилади ҳамда улар томонидан назорат қилинади, шунинг-дек, истеъмомчилар ҳуқуқлари бузилганда жавобгарлик, бу муноса-батда ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг вужудга келиши бевосита робот-ларга эмас, унинг эгаларига тааллуқли. Тўғри сотувчининг ходими ҳам сотувчи берган топшириқ бўйича ишлайди, лекин жавобгарлик, ҳуқуқ ва мажбуриятлар сотувчи учун вужудга келади (ФКнинг 989-моддаси “юридик шахснинг ёки фуқаронинг ўз ходими томонидан етказилган зарар учун жавобгарлиги”). Аммо келажакда сотувчи рег-ресс даъво орқали сотувчи ходимдан ўзи кўрган зарарларни ундириб

олиши мумкин бўлади<sup>1</sup>. Роботларга эса регресс мажбурият юклар бўлмайди.

*Тадбиркорлик фаолияти доирасига қараб, чекланган ва чекланмаган турларга бўлинади.* Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, юридик шахслар ҳар қандай товарлар билан чакана савдо фаолиятини амалга оширишлари мумкин. Лекин яқка тартибдаги тадбиркорларнинг чакана савдо фаолиятидаги иштироки муайян даражада чекланган, масалан, улар алкоғолди ва тамаки маҳсулотлар, бензин ва ёқилғи маҳсулотлар чакана савдосини амалга ошириш ҳуқуқига эга эмаслар.

Чакана савдо муносабатида иштирок этувчи сотувчининг бу фаолиятни амалга ошириш ваколатига эга бўлиши учун алоҳида тартиб ўрнатилган. Сотувчи сифатида ҳам юридик шахс ҳам яқка тадбиркорлар иштирок этишини инobatга олсак, уларнинг чакана савдони амалга ошириш мақомини қўлга киритиш асосларини алоҳида кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ.

Юридик шахслар чакана савдо билан фақат турғун чакана савдо шохобчаси жойлашган жойдаги туман (шаҳар) ҳокимликларида чакана савдони амалга оширишга рухсат гувоҳномаси олган тақдирда шуғулланиши мумкин. Рухсат гувоҳномасини олиш учун турғун савдо шохобчаси жойлашган жойдаги туман (шаҳар) ҳокимлигига ариза, унинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, уставнинг "чакана савдо" фаолият тури кўрсатилган, нотариал тасдиқланган нусхаси, тегишли моддий-техник базанинг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари, назорат-касса машинаси олдиндан рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органининг маълумотномаси ва маҳаллий йиғим тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатининг нусхасини тақдим этишлари керак. Чакана савдони амалга ошириш қондалари бузилганлиги аниқланса рухсат гувоҳномаси уни берган туман (шаҳар) ҳокимдиги томонидан давлат солиқ хизмати органлари тақдимномасига кўра қайтариб олинishi мумкин.

Товарларни чакана сотиш юридик шахслар томонидан фақат турғун савдо шохобчалари орқали, назорат-касса машиналарини мажбурий қўлланган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Чакана савдони салқин ичимликлар ва музқаймоқлар сотишдан ташқари кўчма равишда (дўкончаларда) амалга оширишга йўл қўйилмайди. Кўчма савдони фақат юридик шахслар томонидан жойлардаги давлат ҳоки-

<sup>1</sup> Смирнов В.Т. Регрессные иски в обязательствах из причинения вреда. -М.: Юридлит, 1960.-135 с.

мияти органларининг савдони амалга оширишнинг аниқ муддатлари ва жойлари кўрсатилган ҳолдаги рухсатномалари асосида, шунингдек, тантанали кунларда, савдо хизмати кўрсатиш юзасидан юридик шахслар билан тузилган шартномалар асосида, шартномада кўчма савдога қўйиладиган товарлар турлари ва миқдорини кўрсатган ҳолда амалга оширишга йўл қўйилади.

Агар юридик шахслар асосий фаолиятдан ташқари чакана савдони амалга оширган тақдирда улар фаолиятнинг мазкур тури бўйича алоҳида ҳисоб-китоб юритишлари, чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқини берадиган рухсат берувчи гувоҳномага эга бўлишлари ва савдо корхоналари учун белгиланган солиқлар ва йиғимларни ҳамда ўз маҳсулотларини юридик шахс балансидаги фирма дўконлари орқали сотганда, мазкур юридик шахслар солиқ тўловчиларнинг мазкур тоифаси учун назарда тутилган солиқлар, йиғимлар ва мажбурий тўловларни тўлайдилар.

Якка тадбиркорлар чакана савдо билан фақат турғун чакана савдо шохобчаси жойлашган жойдаги туман (шаҳар) ҳокимликларидан чакана савдони амалга ошириш учун рухсат гувоҳномаси олган тақдирда шуғулланишлари мумкин. Улар рухсат гувоҳномасини олиш учун турғун савдо шохобчаси жойлашган жойдаги туман (шаҳар) ҳокимлигига чакана сотишни мўлжаллаётган товарлар гуруҳлари кўрсатилган ариза, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, бу фаолиятни амалга оширишга моддий-техник базанинг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари, назорат-касса машинаси олдиндан рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органининг маълумотномаси ҳамда маҳаллий йиғим тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатининг нусхасини тақдим этишлари керак. Рухсат гувоҳномаси якка тадбиркорларга фақат товарларнинг сақланишини, сортларга ажратилишини ва чакана сотиш учун қадокланишини таъминловчи ўзининг ёки бошқа юридик шахслардан ижарага олинган, савдо асбоб-анжомлари билан жиҳозланган чакана савдо объектлари мавжуд бўлганда берилиши мумкин. Рухсат гувоҳномаси ушбу фаолиятни амалга ошириш тартиб қоидалари билан танишлиги ёзма равишда тасдиқлангандан кейин берилади. Товарларни чакана сотиш фақат турғун савдо тармоқлари орқали, назорат-касса машиналари мажбурий қўлланган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Якка тадбиркор буюм бозорларида чакана савдони фақат илгари фойдаланилган товарлар, уларнинг бевосита ўзлари томонидан келтирилган импорт товарлар, ўзлари тайёрлаган (сотилиши тақиқланма-

ган) товарлар, ушбу товарларни ишлаб чиқарган бошқа якка тадбиркорлардан сотиб олинган товарлар, республикамиз товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ишлаб чиқарилган товарлар бўйича уларнинг қонуний тарзда сотиб олинганлигини тасдиқловчи барча ҳужжатлар мавжуд бўлганда ҳамда улар назорат-касса машиналари билан жиҳозланган тургун савдо шохобчалари орқали сотилганда амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади. Буюм бозорларида чакана савдони амалга оширмақчи бўлган якка тадбиркор рухсат гувоҳномаси олиш учун буюм бозори жойлашган жойдаги туман (шаҳар) ҳокимлигига чакана сотишга мўлжалланган товарлар кўрсатилган ариза, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, буюм бозори маъмуриятидан савдо жойи берилганлиги тўғрисидаги маълумотнома, маҳаллий йиғим тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжати нусхасини тақдим этиши зарур.

Буюм бозорларида товарларни чакана сотиш якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан назорат-касса машиналарини қўллаган ва даромадлар ҳисобини мажбурий равишда юритган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Тижорат мақсадида олиб келинган товарларни сотувчи якка тадбиркор қўллик тушумни белгиланган тартибда банк муассасаларининг кассасига топшириши шарт. Ўзи тайёрлаган товарларни чакана сотишни амалга оширувчи якка тадбиркорлар ишлаб чиқариш шароитларининг мавжудлигини тасдиқловчи ва давлат солиқ хизмати органлари томонидан тасдиқланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан берилган ҳужжатларга эга бўлиши шарт.

Чакана олди-сотди шартномасининг тарафи ҳисобланган сотувчининг мажбурияти товарни қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олиб сотиб олувчига топшириш ҳисобланади:

- белгиланган жойда;
- товарни мансуб ашё ва ҳужжатлар билан бирга;
- келишилган миқдорда ва ассортиментда;
- агар белгиланган бўлса тегишли комплектда топшириш;
- товарнинг белгиланган сифатда бўлишлиги;
- учинчи шахслар ҳуқуқларидан озод ҳолда топшириш;
- тегишли идиш ва ўрамда топшириш<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Чакана олди-сотди шартномасида сотувчининг мажбуриятлари ҳисобланган ушбу ҳолатлар олди-сотди шартномасининг умумий қоидаларидан келиб чиқади. Бундан ташқари ушбу мажбуриятларнинг мазмуни ва уларни бузганлик учун жавобгарлик ҳолатлари кейинги параграфларда атрафлича таҳлил этилган. Шу сабабли, ушбу ҳолатларга атрафлича тўхталиб ўтмасдан, сотувчининг шартномани тузганигача бўлган мажбуриятларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Таъкидлаш лозимки, чакана олди-сотди шартномаси ҳам олди-сотди шартномасининг бошқа турлари каби ҳақ эвазига мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишга қаратилган шартномалар жумласига киради. Ушбу шартномада ҳам товар ва унга нисбатан мулк ҳуқуқи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда сотиб олувчига ўтади. Яъни, товар ва унга нисбатан мулк ҳуқуқи, шартнома тегишли равишда расмийлаштирилиб, товар ҳақи тўланиб, у сотиб олувчи топширилган пайтда ўтган ҳисобланади. Зеро, бу ҳолат (товарга нисбатан мулк ҳуқуқини сотиб олувчига ўтиш ҳолати)ни аниқлаш, товарнинг тасодифан нобуд бўлиш хавфи кимнинг зиммасида бўлишидан келиб чиқади. ФКнинг 392-моддасига мувофиқ, агар олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, товарнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан шикастланиши хавфи сотувчи товарни сотиб олувчига топшириш бўйича ўз мажбуриятини қонун ёки шартномага мувофиқ бажарган деб ҳисобланган пайтдан бошлаб сотиб олувчига ўтади.

Товарни топшириш мажбуриятининг бажарилиш ҳолати сифатида қуйидаги ҳолатлар эътироф этилади:

- агар шартномада сотувчининг товарни етказиб бериш мажбурияти назарда тутилган бўлса, товарни сотиб олувчига ёки у кўрсатган шахсга топшириш пайтида;

- агар товар сотиб олувчига товар турган ерда берилиши лозим бўлса, товарни сотиб олувчи ихтиёрига топшириш пайтида;

- олди-сотди шартномасидан сотувчининг товарни сотиб олувчига етказиб бериш ёки товарни турган ерида сотиб олувчига топшириш мажбурияти келиб чиқмайдиган ҳолларда, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, товарни сотиб олувчига етказиб бериш учун ташувчига ёки алоқа ташкилотига топшириш пайтида (ФКнинг 390-моддаси).

Умумий қоидада кўра, сотувчи чакана олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар, сотиб олувчига товар тўғрисида ахборот бериши лозим. ФКнинг 427-моддасига кўра, сотувчи сотишга таклиф қилинган товар тўғрисида сотиб олувчига зарур ва тўғри ахборотни унинг мазмуни ва уни тақдим этиш усулига нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган ёки одатда чакана савдода қўйиладиган талабларга мувофиқ ҳолда бериши шарт.

Сотиб олувчи чакана олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар товарни кўздан кечиришни, ўз олдидан товарнинг хоссаларини текширишни ёки товардан қандай фойдаланишни кўрсатишни, агар бу ҳол

товарнинг хусусияти туфайли истисно қилинмаса ва чакана савдода қабул қилинган қоидаларга зид бўлмаса, талаб қилишга ҳақли.

Агар сотиб олувчига сотиш жойида ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган товар тўғрисидаги ахборотни дарҳол олиш имкони берилмаган бўлса, у чакана олди-сотди шартномасини тузишдан асоссиз бош тортилгани туфайли ўзи кўрган зарарни тўлашни сотувчидан талаб қилишга, агар шартнома тузилган бўлса, оқилона муддатда шартномани бажаришдан бош тортишга, товар учун тўланган суммани қайтаришни ва зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Сотиб олувчига товар тўғрисида тегишли ахборот олиш имкони бермаган сотувчи товар сотиб олувчига топширилганидан сўнг товарда пайдо бўлган камчиликлар учун ҳам, агар сотиб олувчи бу камчиликлар ўзида бундай ахборот бўлмагани сабабли пайдо бўлганини исботласа, жавоб беради.

Чакана олди-сотди шартномасининг иккинчи субъекти ҳисобланган "сотиб олувчи" тушунчаси ҳуқуқий норматив ҳужжатларда турли хил иборалар билан ифодаланган. Масалан, ФКнинг 425-моддасида "сотиб олувчи", "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 1-моддасида "истеъмолчи" ибораси қўлланилган. Чакана савдо қондасида эса ҳам сотиб олувчи, ҳам харидор иборалари учрайди. Ж.И.Бабаев истеъмолчи харидор, мижоз, буюртмачи тарзида умумлаштириб тушуниб келинганлигини таъкидлайди<sup>1</sup>. Юқоридаги фикрларга қисман қўшилган ҳолда, мазкур тушунчалар умуман ишлар, хизматлар ва товарлар эркин ҳаракатида истеъмолчи сифатида иштирок этилиш даврида қўлланилади, айнан чакана савдо муносабатида мижоз, буюртмачи ибораларини қўллаш мантиқан нотўғри, - деган хулосага келиш мумкин. Мижоз ибораси банк омонати билан боғлиқ шартномада (ФКнинг 759-770-моддалари), буюртмачи эса пудрат шартномаларида (ФКнинг 631-708-моддалари) ишлатилади.

Фикримизча, гарчи сотиб олувчи ибораси турлича ишлатилса-да (харидор, истеъмолчи), уларнинг маъноси бир хил. Лекин, барча олди-сотди шартномалари турларида сотиб олувчи ва харидор ибораларининг ишлатилиши мумкинлигини назарда тутсак ҳамда энергия таъминоти шартномасида "истеъмолчи" иборасини ишлатилишини эътиборга олсак, чакана савдо муносабатида айнан "истеъмолчи-

<sup>1</sup> Бабаев Д.И. Истеъмолчи ҳуқуқлари ва уларни бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик муаммолари. Юрид. фан. номз. дис. ... Автореф. - Тошкент: 2005. -9 б.



харидор” иборасини ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, айнан истеъмолчи-харидор ибораси чакана олди-сотди шартномасига хос.

Бундан ташқари, айрим адабиётларда “фуқаро-истеъмолчи” ибораси ҳам ишлатилади. Мазкур тушунча муаллифи Д.И.Бабаевнинг таъкидлашича, “фуқаро истеъмолчи” ва “фуқаро тадбиркор” атамалари ўртасидаги ва бу субъектлар иштирок этадиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг аниқ чегарасини белгилаш лозим. Агар фуқаро-истеъмолчи шахсий истеъмол, уй рўзғор ва тадбиркорлик билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси ҳисобланса, “фуқаро - тадбиркор” фойда олиш мақсадида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок (бундай иштирок тегишли тартибда расмийлаштирилган ҳолларда) этадиган шахс ҳисобланади. Фуқаро истеъмолчи деганда шахсий истеъмол уй рўзғор ва тадбиркорлик билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда ҳаракат қиладиган фуқаро тушунилса, фуқаро-тадбиркор деганда, фойда олиш мақсадида тегишли тартибда расмийлаштирилган фаолиятни амалга оширувчи фуқаро тушунилади<sup>1</sup>.

Д.И.Бабаевнинг фикрича, инсонни биологик, ижтимоий моддий ва маънавий эҳтиёжларининг қондирилиши ҳаётий заруриятдир. Ушбу зарурият билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳуқуқ – истеъмол қилиш ҳуқуқидир. Инсоннинг истеъмол қилиш ҳуқуқига эгаллиги, бизга ҳеч иккиланмай уни “истеъмолчи” деб аташ имконини беради. “Истеъмолчи” атамаси бир вақтнинг ўзида ҳам иқтисодий, ҳам ҳуқуқий мазмунга эга бўлади. Иқтисодий маънодаги “истеъмолчи” атамаси фуқаронинг ишлаб чиқариш натижалари ва моддий неъматлардан ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида фойдаланиш (эксплуатация қилиш), бир сўз билан айтганда, истеъмол қилиш билан боғлиқ муносабатлар тушунилади.

Ҳуқуқий маънодаги “истеъмолчи” атамаси эса анча кенг маънодаги атама бўлиб, бунда фуқаронинг ўз ҳаёти учун зарур бўлган товарни сотиб олиш, иш ва хизматга буюртма бериш ҳамда унинг натижаларидан фойдаланиш ёки шундай ниятни билдириш билан боғлиқ муносабатлар муҳим ўрин тутди<sup>2</sup>. М.Ҳ. Рустамбоев ҳам жисмоний шахснинг биологик ва социал мавжудод сифатидаги эҳтиёжлари

<sup>1</sup> Бабаев Д.И. Истеъмолчи ҳуқуқлари ва уларни бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик муаммолари. рид. фан. номз. дис.... Автореф. – Тошкент: 2005. –9 б.

<sup>2</sup> Уша манба. –16 б.

бу эҳтиёжларни кондириш заруратини келтириб чиқаришлигини таъкидлайди<sup>1</sup>.

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 1-моддасига асосан, истеъмолчи - фойда чиқариб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсий истеъмол ёки бошқа мақсадларда товар сотиб олувчи, иш, хизматга буюртма берувчи ёхуд шу ниятда бўлган фуқаро (жисмоний шахс) ҳисобланади. Лекин айрим адабиётларда, ушбу легал таъриф бахсли эканлигини, у айрим камчиликлардан ҳоли эмаслигини билдирувчи фикрлар ҳам мавжуд. Масалан, Н.Саид-Ғазиева харидор товардан фойдаланилётган вақтда ҳам истеъмолчи бўлишлигини (муаллиф ўз фикрини ФКнинг 1019-моддаси билан исботлашга ҳаракат қилади), шу сабаб ҳам бу қонунда ўз ифодасини топиши лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтади<sup>2</sup>.

Айрим муаллифларнинг фикрича, истеъмолчи бўлиши учун камида фуқаро товарни сотиб олган ёки шахснинг буюртма бериш нияти мақсади доим ҳам яққол, равшан намоён бўлмаслиги сабабли, товарни сотиб олиш учун оферта йўллаган бўлиши лозим<sup>3</sup>. Айрим олимларнинг таъкидлашича эса, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун товар сотиб олаётганини ҳар доим ҳам аниқлаш мумкин эмас<sup>4</sup>.

Н.Саид-Ғазиеванинг фикрича, истеъмолчи ҳуқуқий мақомини олишни шартнома тузиш ҳақидаги таклиф билан боғлаб бўлмайди. Чунки, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасига мувофиқ истеъмолчилар реализация қилинаётган товар ҳақида ўз вақтида тушунарли маълумот олиш ҳуқуқига эга. Айнан мазкур маълумотни олиш орқали фуқаро товарни сотиб олиш ёки олмаслиги мумкин<sup>5</sup>.

Ушбу фикрга қўшилган ҳолда ҳар қандай шахс товар сотиб олиш нияти бўлмаса-да, айрим ҳолларда товарлар нархи билан қизиқиб юриши мумкин (қизиқувчининг ниятини сотувчи томонидан сўраш, уларнинг товар ҳақида маълумот олишга бўлган ҳуқуқини бузилишига олиб келиши мумкин). Бундайларни истеъмолчи сифатида баҳолаб

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси «Истеъмолчилар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунига шарҳ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 8 б.

<sup>2</sup> Саид-Ғазиева Н.Ш., Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – Б.10-11.

<sup>3</sup> Патсаев В. Кто такое потребитель. – Саратов: 1995. – 17 с.; Саид-Ғазиева Н.Ш., Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – Б.10-11.

<sup>4</sup> Borrie G. The development of consumer law and policy: Bold spirits a. timorous souls.-L.: Stevens, 1984.-XII. 11-б.

<sup>5</sup> Саид-Ғазиева Н.Ш., Аҳолига савдо хизмати кўрсатиш соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – Б. 10-11.

бўлмайди. Бироқ оддий кизиқиш ва товарни ҳақиқатдан ҳам сотиб олиш ниятини бир-биридан ажратиб бўлмайди.

Айрим адабиётларда юридик шахслар ҳам истеъмолчи бўлиши мумкинлиги тўғрисида фикрлар борлиги таъкидланади<sup>1</sup>. Мазкур фикрлар бахсли кўриниш касб этади. Масалан, ФКнинг 425-моддаси талабларидан келиб чиқадиган бўлсак, сотиб олувчи шахсий мақсадда, рўзғорда ва тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун товар сотиб олади. Лекин, Фуқаролик кодекси айнан чакана олди-сотди шартномасида сотиб олувчи айнан кимлар бўлишлиги тўғрисида аниқ бир хулоса бермайди. Масалан, юридик шахслар уч хил мақсадда товар моддий бойликларни сотиб олишлари мумкин.

1) сотиб олинган товарни келгусида фойда олиш мақсадида сотиш учун;

2) сотиб олинган товарни ишлаб чиқаришга йўналтириш учун;

3) кундалик эҳтиёжларини қондириш учун (масалан, канцелария моллари, мебель жиҳозлари, компьютерлар, иситгичлар ва шу каби-лар).

Агар ФКнинг 425-моддаси талабларидан келиб чиқадиган бўлсак, юридик шахс томонидан учинчи мақсадда товар сотиб олишини чакана олди-сотди шартномаси деб баҳолаш мумкин. Чунки, юридик шахс мазкур кундалик молиявий хўжалик эҳтиёжларини қондириш учун керак бўладиган товарларни келгусида сотиб ёки қайта ишлов берган ҳолда сотиб фойда олиш учун эмас, балки тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ишлар масалан, бухгалтерия ҳисоботларини юритиш, маданий-маърифий эҳтиёжларни қондириш (газета ва журналлар сотиб олганда) учун сотиб олади. Шунингдек, нотижорат ташкилотлар ҳам худди шу мақсадларда ҳамда уставда кўрсатилган тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда товар сотиб олиши мумкин. Юридик шахсларнинг бу мақсадларда товар сотиб олишлари олди-сотди шартномасининг умумий қоидалари билан тартибга солинади.

Шу ҳолатларни эътиборга олиб, ФКнинг 425-моддаси қуйидагича тахрирда баён этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди:

“Чакана олди-сотди шартномасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган сотувчи сотиб олувчи-жисмоний шахсга шахсий мақсадларда, рўзғорда ёки тадбиркорлик фаолияти билан

<sup>1</sup> Саид-Газиева Н.Ш. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш. – Тошкент: ГДЮИ. 2005. -11 б.

боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиладиган товарни топшириш мажбуриятини олади".

Истеъмолчи чакана олди-сотди шартномасида иккинчи тараф сифатида иштирок этар экан, у фуқаролик-хуқуқий муносабатга киришган ҳисобланади ва бевосита хуқуқ субъекти сифатида намоён бўлади. Фуқаролик-хуқуқий муносабат субъектлари (иштирокчилари) ушбу муносабатларда ўзларига тегишли бўлган муайян хуқуқ ва бурчлар асосида иштирок этадилар. Бу уларнинг фуқаролик хуқуқ ва муомала лаёқати билан боғлиқ.

Чакана олди-сотди шартномасида истеъмолчининг ёши хусусида ҳеч қандай тўхтам мавжуд эмас. Фуқаролик хуқуқидаги "нимаки тақиқланмаган бўлса руҳсат берилиши" тамойилидан келиб чиқадиган бўлсак, вояга етмаганлар ҳам чакана савдо муносабати иштирокчиси бўлиши мумкин деган ҳулоса келиб чиқади. Ҳ.Р.Раҳмонкулов истеъмолчи истеъмолчиларнинг хуқуқларини ҳимоя қиладиган қонунлар юксак даражада ривожланган кўпгина мамлакатларда сотиб олинаётган товарнинг хусусиятлари хусусида махсус билимларга эга бўлмаган шахс тушунилишлигини таъкидлаб ўтади<sup>1</sup>. Вояга етган истеъмолчи билан вояга етмаган олди-сотди шартномасидаги харидор-истеъмолчининг сотиб олинаётган товар хусусидаги билимлари, ҳаётий тажрибаси ўртасида катта фарқ борлиги барчамизга маълум. Шу сабабли ҳам вояга етмаганларнинг бу муносабатларда иштирокига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Зеро, юзага келган оқибат катталарга караганда вояга етмаганларга ҳам руҳий, ҳам жисмоний зарар етказиши табиий. Вояга етмаганларнинг мажбурият-хуқуқий муносабатдаги иштироки унинг муомала лаёқати билан боғлиқ. Қонун ҳужжатларида белгиланишича, битим тузиш лаёқатига инсон олти ёшдан бошлаб эга бўлади (ФКнинг 29-моддаси).

Айрим олимлар вояга етмаганларнинг битим тузишлари учун розилиги хуқуқий аҳамиятга эга бўлиши учун бундай ҳаракатларнинг қайси турга тегишлилигини аниқлаш лозимлигини таъкидлайдилар<sup>2</sup>.

Ота-оналар, васий ёки ҳомийлар, фарзандликка олувчиларнинг вояга етмаганлар томонидан шартнома тузишларига розилигининг хуқуқий оқибати ҳам муҳим аҳамиятга эга. Умумий қоида тариқасида вояга етмаганлар томонидан тузиладиган шартномада улар томонлардан бири бўладилар. Шартнома юзасидан келиб чиқадиган хуқуқ ва мажбуриятлар уларга тегишли, бу вояга етмаганлар томонидан қо-

<sup>1</sup> Раҳмонкулов Ҳ. Олди-сотди шартномаси. —Тошкент: Адолат, 2000. —55 б.

<sup>2</sup> Кузнецова Л.Г., Шевченко Я.Н. Гражданско-правовое положения несовершеннолетних. —М.: Юрлит, 1968. —29 с.

нуний вакиллар розилигини олиб ёки олмасдан тузиладиган барча битимларга тааллуқлидир. Вояга етмаганлар муомалага лаёқатсиз ҳисобланганликлари туфайли улар томонидан тузилган битимлар ҳақиқий эмас деб топилади (ФКнинг 117-моддаси). Шу сабаб ҳам улар тузадиган ҳар қандай битимда қонуний вакиллар – ота-оналар, васийлик ёки ҳомийлик институтлари, фарзандликка олувчилар розилиги талаб этилади.

Ўн тўрт ёшга тўлмаганлар муомалага лаёқатсиз бўлиб, барча шартномаларни улар номидан фақат ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки васийлари амалга оширадилар. 6 ёшдан 14 ёшгача бўлганлар майда маиший битимларни, текин манфаат кўришга қаратилган, нотариал тасдиқлашни ёки давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилмайдиган битимлар, қонуний вакил ёки унинг розилиги билан учинчи шахс томонидан муайян мақсад ёки эркин тасарруф этиш учун берилган маблағларни тасарруф этиш борасидаги битимлар мустақил амалга ошириш ҳуқуқига эга (ФКнинг 29-моддаси). Бу ерда майда маиший битим шаклида кўпроқ чакана савдо муносабатлари юзага келади. Асосан майда маиший битимлар кам кийматга эга бўлган кундалик эҳтиёжларни қондиришга қаратилган шартномалардир. М.Г.Масевичнинг таъкидлашича, юқори бўлмаган баҳода тузиладиган, нақд тўланадиган, тузилган заҳоти ижро этиладиган ва кундалик эҳтиёжларни қондирадиган битимлар майда маиший битимлар ҳисобланишини таъкидлайди<sup>1</sup>.

Ш.Р.Юлдашева майда маиший битим тушунчаси хусусида тўхта-лар экан, доктринал таърифлардаги “юқори бўлмаган баҳо” тушунчасини ноаниқлигига эътиборни қаратиб, ҳаётда шундай ҳолатлар уч-райдики, вояга етмаган ўн уч яшар баланд бўйли бола озик-овқат су-пермаркетига кириб, қиймати 120 минг сўм бўлган ширинлик (торт) харид қилди. Иккинчи ҳолда, шунча пул суммасига Сергели машина бозоридан ЗАЗ автомобилини сотиб олиш мумкин бўлади. Агар ушбу икки ҳолатни иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, иккала битимнинг ҳам иқтисодий қиймати бир хил, яъни тенгдир. Аммо, масаланинг ҳуқуқий томониغا келсак, биринчи ҳолда, фуқаро-лик-ҳуқуқий муносабат таъқиқий жиҳатдан жуда оддий, содда ҳолда амалга оширилади. Иккинчи ҳолда эса тарафлар ушбу битимни амал-га оширишлари учун бир қанча “чиғирик”лардан ўтишларига тўғри келади. Чунончи, автомобилга нисбатан мулк ҳуқуқи мулкдорга (со-

<sup>1</sup> Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации части первой (постатейный). Изд 2. – М.: Инфра – М, 2003. – 95 с.

тувчига) тегишли эканлиги, тарафларнинг шахси, битим тузишга лаёқатли эканлиги, битимнинг конун талаб қиладиган шаклда тузилиши лозимлиги каби ҳоллар. Кўриниб турибдики, иккинчи ҳолат бирмунча мураккаб фукаролик-хукукий муносабатдир. Аммо кизиғи шундаки, иккала ҳолатда ҳам бир хил хукукий оқибат келиб чиқади. Яъни, тортнинг торт эмас, аллақандай кимёвий аралашмалардан иборат эканлиги, унинг келгусида бекор қилинишига ҳамда иккинчи ҳолат бўйича автомобилдаги дефектнинг кўрсатилмаслиги келгусида битимни ҳақиқий эмас деб топишга асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Аммо биринчи ҳолат юзасидан вояга етмаган шахснинг ўз субъектив хукукини ҳимоя қила олиш имконияти эҳтимоли нечага тенг? Тўғри, бундай ўринларда вояга етмаган шахснинг қонуний вакиллари унинг номидан ҳаракат қилишади. Аммо битим тузишнинг ҳақиқий саналиш шартларидан бири бўлган –битимларни тузувчи шахслар муомала лаёқатига эга бўлишлари ҳақидаги талаб бу ўринда бажарилмаяпти. Бинобарин, бундай ҳолларда вужудга келадиган иқтисодий йўқотиш билан боғлиқ таваккалчилик сотиб олувчининг зиммасига ўтиб кетиш ҳоллари кўп учрайди. Шу маънода, ФКнинг 29-моддаси 2-қисми 1-бандидаги “майда маиший битимлар”га расмий изох беришга тўғри келади. Бу ҳолат аналогия билан боғлиқ бўлганлиги учун Олий суд Пленуми ўз ваколати доирасида тушунтириш бериши лозим. Қабул қилинадиган актда майда маиший битим тушунчаси, унинг субъектлари доираси, субъектларнинг муомала лаёқати даражаси, хукукий оқибатлари ўз аксини топиши лозим. Майда маиший битимлар суммаси битим тузилган кундаги Республикада ўрнатилган энг кам иш ҳақи доирасида бўлиши лозимлиги, мақсадга мувофиқ бўлар эди<sup>1</sup>.

Ш.Юлдашевнинг ушбу фикри ҳақиқатан ҳам тўғри. Лекин майда маиший битим тушунчаси ва унинг ноаниқ тушунчалари конун ости ҳужжатлари ёки Олий суд Пленуми қарорларида эмас, назаримизда ФКнинг ўзида акс этиши лозим.

ФКнинг 27-моддасида ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар, битимларни ўзлари мустақил ўз иш ҳақи, стипендияси ва бошқа даромадларини тасарруф этиш, фан, адабиёт ёки санъат асарининг, ихтиронинг ёхуд ўз интеллектуал фаолиятининг конун билан қўриқланадиган бошқа натижаси муаллифи хукукини амалга ошириш, конунга мувофиқ кредит муассасаларига омонатлар

<sup>1</sup> Юлдашева Ш. Фукаролик ва оила хукукида вассийлик ва ҳомийликнинг моҳияти ва уни амалга ошириш шартлари. Юрид. фан. номз. дис.... Автореф. – Тошкент: 2005. – 14 б.

кўйиш ва уларни тасарруф этиш, майда маиший битимларни ҳамда бошқа битимларни тузиш ёки ўз ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийларининг ёзма розилиги билан тузишлари мумкинлиги тўғрисидаги қоидалар, 14 ёшгача бўлганлар эса ФКнинг 29-моддасида белгиланган битимларни тузиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган экан, демак вояга етмаганлар мустақил равишда шартномавий муносабатлар, шу жумладан, чакана савдо шартномасининг иштирокчиси бўлиши мумкин деган хулосага келиш мумкин. Чунки, чакана савдо шартномасида харидор махсус субъект бўлиш талаб этилмайди.

Муомалага лаёқатли фуқаро-истеъмолчилар чакана савдо муносабатларида эркин, мустақил иштирок этадилар ва улар бевосита истеъмолчиларнинг ҳуқуқларидан фойдаланадилар.

Чакана олди-сотди шартномаси бўйича сотувчининг асосий мажбурияти бу товар ҳақини тўлаш ҳисобланса, унинг ҳуқуқи бўлиб, шартномада кўзда тутилган товарни ўзига мулк қилиб топширилишини талаб қилиш ҳисобланади. Ушбу асосий ҳуқуққа қўшимча равишда юқорида сотувчининг мажбуриятлари сифатида саналган, товарни белгиланган муддатда, сифатда, ассортиментда, коплмектда, идиш ва ўрамда, учинчи шахслар ҳуқуқларидан озод ҳолда, мансуб ашё ва ҳужжатлар билан бирга топширишни талаб қилиш ҳуқуқи сотиб олувчининг ҳуқуқлари ҳисобланади. Шу билан бирга сотиб олувчининг бир қатор ҳосила ҳуқуқлари ҳам мавжуд бўлиб, бу ҳуқуқлар харидорнинг асосий ҳуқуқлари бузилганда ёки сотувчи ўз мажбуриятини лозим даражада бажармаганда вужудга келади ҳамда сотувчига нисбатан жавобгарлик чоралари сифатида қўлланилади. Масалан, сифатсиз товар топширилганда, уни сифатлиси билан алмаштириш ёки мутаносиб равишда ҳақини камайтириши ҳуқуқи ёхуд бут бўлмаган товарни нуқсонсиз товарга алмаштириш ёки ҳақини мутаносиб равишда камайтириш ва етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқи ва шу қабилилар.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, чакана олди-сотди шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўз хусусиятига кўра ишлаб чиқарувчи, сотувчи ва истеъмолчи ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларга асосланади ва фуқаролик қонунчилигида бу ҳуқуқ ва мажбуриятлар истеъмолчи доимо ҳақ деган қоидадан келиб чиқиб белгиланади.

## **II боб. Чакана олди-сотди шартномаси шартларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик хусусиятлари ва асослари**

### **2.1. Чакана олди-сотди шартномаси шартларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятлари**

Мамлакатимизда чакана савдо муносабатларини ривожлантириш учун истиқлолга эришганимиздан сўнг, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш биринчи навбатда чакана савдо ташкилотларидан бошланган. Натижада чакана савдо билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларининг сони кўпайди ва бу соҳада рақобат муҳити шаклланди. Бироқ эскича фикрлаш ҳамда собиқ тузумдан мерос сифатида ўтган маъмурий бўйруқбозлик иш услублари савдо фаолиятини ривожланишига сезиларли даражада тўсқинлик қилар эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мазкур ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқида кўрсатиб ўтганидек: “Савдо тижорат ишларига эркинлик бериш керак”<sup>1</sup>.

Шу нуқтаи назардан ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларида чакана савдо билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига кенг имкониятлар берилди. Лекин бу имкониятлар нафақат мамлакатимиз ҳудудида балки МДХ давлатларида ҳам “мокки савдогарчилик” деб ном олган тадбиркорликнинг юзага келишига сабаб бўлди. Бу тушунча дастлаб мамлакатимизда О.Оқюлов ва Ж.Юлдашев томонидан муомалага киритилди ва у томонидан унинг ижобий ва салбий жиҳатлари очиб берилди<sup>2</sup>. Фикримизча, мустақилликнинг дастлабки даврида бозорни товарлар билан таъминлашда у ўз самарасини берди, лекин эндиликда ҳақиқий бозорни шакллантириш вақти келди. Шу сабаб ҳам Ҳукуматимиз томонидан “мокки савдогарчилик”ка барҳам бериш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Бунга мисол қилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги “Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келишни тартибга солиш тўғрисида”ги №154-сон қарорини келтириб ўтиш жоиз. Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларидан то 2000 йил бошларигача чакана савдода мокки савдогарлар етакчи ўрин эгаллаган. 2000 йиллар бошларидан мамлакатимиз иқтисодий манфаатидан

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биздан овоз ва обод Ватан қолсин. –Тошкент: Ўзбекистон, 1994. –232 б.

<sup>2</sup> Оқюлов О., Юлдашев Ж. Жисмоний шахслар томонидан товар импорт қилиш ва сотишнинг ҳуқуқий асослари. –Тошкент: ЖИДУ, 2006.



келиб чиққан ҳолда, мокки савдогарчиликни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари улар олдига қаттиқ талаблар қўйди. Бундан мақсад мамлакатда ички ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда сифатсиз маҳсулотлар кириб келишини олдини олишдан иборат эди. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартиб қоидаларга риоя этмаслик жавобгарликни келтириб чиқариши ва унинг муқаррарлиги билан белгиланди. Натижада 2000 йиллар бошларида кўпгина чакана савдо билан шуғулланувчи аксарият мокки савдогарлар турли юридик жавобгарликларга (асосан жарима ва мол-мулкни мусодара қилиш жазосига) тортилдилар. Мокки савдогарчиликни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари режали қабул қилинмаганлиги ўзининг қутилган самарасини бермади. Чунки бундай қонун ҳужжатлари эволюцион равишда эмас, балки революцион тарзда қабул қилинганлиги туфайли ҳам ижобий натижа бермади.

Чакана олди-сотди шартномаси оммавий шартнома натижасида юзага келганлиги туфайли, унинг иштирокчиларидан бири инсонлар ҳисобланади. Бир тарафда инсон, унинг ҳаёти, соғлиғи, обрўи ва бошқа шу каби ҳолатлари турар экан, бунга етказилган зарарлар ўз-ўзидан жавобгарлик учун асос бўлади. Бу жавобгарлик фуқаролик-ҳуқуқий ҳуқуқбузарлик натижасида келиб чиқади.

Чакана олди-сотди шартномаси шартларининг бузилиши фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни вужудга келишига асос сифатида эътироф этилади. Умумий қоидага кўра, шартнома шартларини бузилиши сифатида тарафларнинг ўз зиммаларидаги мажбуриятларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармасликлари ҳисобланади. Масалан, сотувчининг сифати лозим даражада бўлмаган товарни топшириши натижасида сотиб олувчининг субъектив ҳуқуқлари бузилади. Яъни, сотиб олувчининг чакана олди-сотди шартномаси бўйича сифатли товарни олишга бўлган ҳуқуқи поймол бўлади.

Чакана савдо муносабатларидан келиб чиқадиган жавобгарликлар ичида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик марказий ўрин эгаллайди. Юқоридаги жавобгарликлар мавҳум тушунча бўлган давлат ва жамият манфаатларига етказилган зарар учун қўлланилади. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик эса муносабатнинг асосий иштирокчилари бўлган сотувчи (ишлаб чиқарувчи, сотувчининг ходими) ва сотиб олувчи (истеъмолчи)нинг мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолларида қўлланилади.

Жиноий-ҳуқуқий жавобгарликдан фаркли ўларок, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик ҳуқуқбузарнинг шахсига бевосита таъсир этмас-

дан, балки унинг мулкига нисбатан ундирув қаратиш орқали таъсир этиб, жабрланувчи тарафнинг бузилган мулкий ҳолатини асл ҳолида тиклаш, агар бунинг иложи бўлмаса мулкий зарарни қоплаш орқали мулкий талофотларни бартараф этиш мақсадига эга бўлади. Шунинг учун ҳуқуқбузардан ундирилаётган мол-мулк умумий қоида тариқасида, жабрланувчи томонга топширилади, айтилиши вақтда жиноий жавобгарлик бўйича мулкий жазолар (зиённи қоплаш, жарима ундириш ва ҳ.к.) қўлланилган ҳолларда эса олинган суммалар жабрланувчига топширилади ёки давлат даромади ҳисобига ўтказилади<sup>1</sup>.

С.Н.Братуснинг фикрича, юридик жавобгарлик шахс зиммасига юклатилган ихтиёрий бажарилмаган мажбуриятни бажаришга мажбурлашдир<sup>2</sup>. Н.Эгамбердиеванинг эътирофи этишича, деярли барча ҳолатларда, гарчи жавобгарлик фуқаролик ҳуқуқининг бошқа институтлари томонидан тартибга солинадиган муносабатлардан келиб чиққан ҳолларда ҳам, мажбурият ва уни бажармаслик билан боғлиқ бўлади<sup>3</sup>. Ж.Юлдашев ва Г.А.Жайлинлар жавобгарлик атамасига нисбатан “мажбурият” атамасини қўллаш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблайди<sup>4</sup>. Ж.Юлдашев ва Г.А.Жайлинларнинг фикрлари баҳсли бўлиб, жавобгарлик ҳар қандай ҳолларда ҳам мажбуриятни бажармаганликдан келиб чиқади. Жамият шахсга ҳуқуқий, ахлоқий, этик мажбуриятларни юклайди. Бу мажбуриятлар қонунда белгиланиши ёки белгиланмаслиги (иш-муомала одатдан келиб чиқадиган мажбуриятлар) ҳам мумкин ва бу ерда юридик жавобгарликнинг қайси тури бўлишидан қатъи назар умум ёки махсус мажбуриятларни бажармаганлик натижасида келиб чиқади. Масалан, жиноий жавобгарлик жиноят қонунида кўзда тутилган ижтимоий хавфли қилмишдан тийилиш мажбуриятини юклар экан, бу ҳаракатсизликка амал қилмаслик ўз-ўзидан жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

А.Г.Сакене фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка тор доирада тушунча берилаётганлигини, уни асосан шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарлик қобилигига солиб қўйилаётганлигини таъкидлайди<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Рахмонкулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи. –Тошкент: ТДҲЮ, 2005. –139 б. Худди шундай фарқи Н.А.Кирилова ҳам алоҳида таъкидлаб ўтади. Кирилова Н.А. Гражданско-правовая ответственность государства. Автореф... дис. канд.юрид.наук. –М.: 2003. –10 с.

<sup>2</sup> Братусь С.Н. Юридическая ответственность и законность. –М.: Юридическая литература, 1976. –4 с.

<sup>3</sup> Эгамбердиева Н.Х. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг асослари ва шакллари. –Тошкент: ТДҲЮ, 2007. –7 б.

<sup>4</sup> Юлдашев Ж. Акциядорлик жамиятлари – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида. –Тошкент: ТДҲЮ, 2004. –125 б.; Жайлин Г.А. Гражданско-правовая ответственность за вред, причиненный преступлением против личности. Автореф. дис...канд.юрид.наук. –Алматы: 1999. –12 с.

<sup>5</sup> Сакене А.Г. Гражданско-правовая ответственность / <http://ite.mstu.edu.ru>

Н.Д.Егоровнинг таъкидлашича, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик дейилганда, шундай санкция тушуниладики, у ҳуқуқбузарга кўшимча фуқаролик-ҳуқуқий мажбурият юкланиши ёки бўлмаса, унга тегишли бўлган фуқаролик ҳуқуқидан маҳрум этилишида намоён бўлади<sup>1</sup>. И.Б.Зокиров фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тушунчаси мажбуриятдаги санкция тушунчасидан бир мунча торроқ маънода тушунилади, чунки бунда қарздорнинг жавобгарлиги барча ҳолларда фақат мулкий жавобгарлик бўлиб кўрилади, -деб ҳисоблайди<sup>2</sup>. О.С.Иоффе-нинг таъкидлашича, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик бу ҳуқуқбузарлик учун кўлланиладиган шундай санкцияки, у ҳуқуқбузарнинг субъектив ҳуқуқларидан маҳрум қилиниши ёки унга янги ё кўшимча мажбуриятларнинг юкланиши у учун салбий оқибатларни вужудга келтиради<sup>3</sup>. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисида худди шундай таъриф О.А.Красавчиков томонидан ҳам берилди<sup>4</sup>.

Фақатгина айрим муаллифлар товон тўлаш ва бузилган ҳуқуқларни тиклаш фуқаролик ҳуқуқининг асосий функцияларидан бири эканлигини ва ундан мақсад жабрланувчи тарафнинг дастлабки ҳолати тикланишини таъминлашдан иборат деб ҳисоблашади<sup>5</sup>. С.Ревина бунга жарима функциясини ҳам қўшади<sup>6</sup>.

Ушбу фикрга қўшилган ҳолда, мазкур функция Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 327-моддасида ўз ифодасини топган. Умуман олганда, олинган мажбуриятларни бузиш иқтисодий жиҳатдан йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолатдир. Зеро, бу бир пайтнинг ўзида ҳам жабрланувчининг субъектив ҳуқуқларини бузади, ҳам жамиятга гайри-ҳуқуқий ҳаракат эканлиги билан зарар еткази.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятлари бир қатор цивилистлар томонидан чуқур ўрганилган<sup>7</sup>. М.И.Брагинский ва В.В.Витрянский фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни юридик жавобгарликни бошқа турларидан ажратиб турувчи ва фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатдан тавсифловчи ихчамлаштирилган – фу-

<sup>1</sup> Гражданское право. Ч.1. под ред. А.П.Сергеева Ю.К.Толстого. –М.: Проспект, 1999. –550 с.

<sup>2</sup> Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. –Тошкент: Адолат, 1996. –244 б.

<sup>3</sup> Иоффе О.С. Обязательственное право. –М.: Юридлит, 1975. –97 с.

<sup>4</sup> Гражданское право. Т.1. –М.: 1972. –415 с.

<sup>5</sup> Яковлев В.Ф. Гражданско-правовой метод правового регулирования общественных отношений. –Свердловск: 1972. –116 с.; Ровный В.В. Проблемы единства российского частного права. –Иркутск.: 1999. –233 с.

<sup>6</sup> Ревина С. О несоратимости юридической ответственности в сфере рыночных отношений //Юрист. –Москва. 2005. –№5. –С.17.

<sup>7</sup> Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи.–Тошкент: Адолат, 1996. –Б.241-265.; Раҳмонкулов Ҳ.Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биричи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. –Тошкент: Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси, 1997. –Б.436-441.; Раҳмонкулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи. –Тошкент: ТДЮИ, 2005. –Б.198-206.; Эгамбердиева Н.Х. Фуқаролик-ҳуқуқий-жавобгарликнинг асослари ва шакллари. Юрид.фан.номз.дис....Автореф.–Тошкент: 2006. –Б.10-20.; Оқюлов О. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш асослари.//Қонуи ҳимоясида.–Тошкент, 1999. –№9. –Б.16-19.; Иоффе О.С. Ответственность по гражданскому праву. –Ленинград: ЛГУ, 1955.

каролик-хукукий жавобгарликнинг мулкый характерга эга эканлиги, фукаролик-хукукий муносабат иштирокчиларининг бир-бирига нисбатан мажбурияти шаклида намоён бўлишлиги, жавобгарлик ҳажмининг етказилган зарар ёки зиённинг ҳажмига мутаносиблиги, мулкый муомаланинг турли иштирокчиларига нисбатан бир турдаги ҳуқуқбузарликлар учун тенг миқдордаги чоранинг қўлланилиши каби хусусиятини ажратиб кўрсатишади<sup>1</sup>.

Фикримизча, чакана олди-сотди шартномасида мажбуриятларни бузганлик учун фукаролик-хукукий-жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятлари юқоридагиларни инкор этмаган ҳолда ва уларга қўшимча равишда куйидагиларда намоён бўлади:

1. *Жавобгарликнинг моддий мазмунда эканлиги.* Чакана олди-сотди шартномаси бўйича етказилган зарар мулкый кўринишда тўланади (фукаролик ҳуқуқининг услубларидан бири ҳам моддий жавобгарлик билан боғлиқ). Бу муносабат асосан чакана олди-сотди шартномаси ва Чакана савдо қоидаларида белгиланган ҳолларда келиб чиқишини назарда тутсак, шартнома бўйича биринчи тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни моддий асосда тўлайди.

ФКнинг 434-моддасига мувофиқ, сотиб олувчига сифати тегишли даражада бўлмаган товар сотилганда, агар унинг камчиликлари шартнома тузиш пайтида маълум қилинмаган бўлса, кўрилган зарарни қопланишини талаб қилиши мумкин. ФКнинг 436-моддасига кўра эса сотувчи чакана олди-сотди шартномасига мувофиқ мажбуриятни бажармаган тақдирда, зарарни қоплаш ва неустойка тўлаш сотувчини мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилмайди. Худди шундай норма Чакана савдо қоидаларининг 29-бандида ўз ифодасини топган бўлиб, унда ўзига зарур сифатга эга бўлмаган товар сотиб олган харидор, агар нуқсонлар сотувчи томонидан айтилмаган бўлса, ўзининг танлашига кўра, сотувчидан (озик-овқат товарларига нисбатан харидор харид қилингандан кейин 24 соат мобайнида бундай ҳуқуққа эга бўлади) товарнинг нуқсонларини бартараф этиш харажатлари қопланишини талаб этишга ҳақлидир.

Бунда харидор зарур сифатга эга бўлмаган товар сотилганлиги оқибатида ўзига етказилган зарар тўлиқ қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

2. *Жавобгарлик субъектларининг махсус субъект эканлиги.*

Чакана олди-сотди шартномасининг тушунчасидан келиб чиқадиган бўлсак, ушбу муносабатларнинг иштирокчилари махсус субъект

<sup>1</sup> Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Ч.1. -М.: Статут, 1997. -С.492-493.

ект, яъни сотувчи фақат хўжалик юритувчи субъект, харидор эса фақат фуқаролар (юридик шахслар чакана савдода харидор сифатида ишгирок этолмайдилар) бўлишлиги талаб этилади. Тадбиркорлик мақомига эга бўлмаган фуқаролар ва ташкилотлар сотувчи сифатида жавобгар бўлишлари мумкин эмас. Бирок амалдаги қонунчиликда харидор (истеъмолчи) ларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида давлат рўйхатидан ўтмаган ҳолда, чакана савдо билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг фаолияти тадбиркорлик сифатида баҳоланиши мумкин.

Масалан, ФКнинг 24-моддасига асосан юридик шахс ташкил этмасдан, ушбу модданинг биринчи қисми талабларини бузган ҳолда, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган фуқаро тузган битимлар хусусида ўзининг тадбиркор эмаслигини ваъ қилиб кўрсатишга ҳақли эмас. Суд бундай битимларга ФКнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ мажбуриятлар тўғрисидаги қоидаларини қўллаши мумкин.

Н.Саид-Ғазиева мазкур нормани “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 1-моддаси билан мослаштириш лозимлигини таъкидлаб ўтади<sup>1</sup>. Муаллиф томонидан бу хусусда ўринли фикр берилган, бироқ уни амалга ошириш чакана савдо муносабатларида харидор ҳуқуқларини ҳимоя қилишни тўлиқ таъминлаб бера олмайди. Масалан, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 13-моддасида истеъмолчиға нуқсонли товарлар сотилганда, унинг қандай ҳуқуқларга эга эканлиги санаб ўтилган. Мазкур модданинг 5-қисмида эса истеъмолчининг ўз ҳуқуқлари юзасидан талаблари у касса товар чекини, қафолат муддати белгиланган товарлар бўйича эса тегишлича расмийлаштирилган техник паспорт ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатни тақдим этган тақдирда кўриб чиқилиши белгиланган. Тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмаган шахсда бундай ҳужжатларни тақдим этиш имкони мавжуд эмас. Демак, “нотадбиркор” шахсдан товар сотиб олган харидорлар ҳуқуқлари бузилганда, уларни тиклаш юзасидан талаб қўйиш имкониятидан маҳрум бўлишади. “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун 13-моддасининг мазкур талаби Фуқаролик кодекси 24-моддаси 3-қисмининг амалга оширилишига тўсқинлик қилади. Шунинг учун Қонуннинг 13-моддаси 5-қисмига қуйидагича таҳрирда баён этилиши мақсадга мувофиқ:

<sup>1</sup> Саид-Ғазиева Н.Ш. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш. – Тошкент: ТДЮИ. 2005. –13 б.

“Истеъмолчининг талаблари у касса ёки товар чекини, кафолат муддати белгиланган товарлар бўйича эса, тегишлича расмийлаштирилган техник паспорт ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатни тақдим этган тақдирда кўриб чиқилади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 24-моддаси 3-қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно”.

Бундан ташқари чакана савдода харидор фақат жисмоний шахс бўлганлиги учун харидорнинг жавобгарлиги масаласи кўтарилганда, жавобгар ҳам фақат жисмоний шахс бўлади. Юридик шахс ва давлат органлари харидор сифатида бу ерда жавобгар бўлишлари мумкин эмас. Шу сабаб ҳам чакана савдо муносабатларидан келиб чиқадиган жавобгарликнинг ўзига хос хусусияти сифатида “жавобгарлик субъекти” тушунчасини киритишни мақсадга мувофиқ деб билдик.

3. *Чакана савдо бўйича жавобгарликнинг келиб чиқиши.* Чакана савдо муносабатларида жавобгарлик куйидаги уч йўналишда келиб чиқиши мумкин:

А) Чакана савдо муносабатларини ташкил этиш жараёнида келиб чиқадиган жавобгарлик;

Бу жавобгарлик чакана савдони ташкиллаштириш талабларига риоя этмасликдан келиб чиқади. Масалан, сотувчи стандартлар талабларига мувофиқ товарларни қабул қилиб олишда, сақлашда, савдо олди тайёргарлигида ва сотиш пайтида уларнинг сифати ва хавфсизлиги савдонинг зарур шарт-шароитларини, шунингдек, харидорларнинг товарларни танлаш имкониятини таъминлайдиган зарур жойлар, асбоб-ускуналар ва инвентарга эга бўлиши шарт ёки сотувчи қўллашга рухсат берилган ўлчов асбобларига эга бўлиши ва уларни соз ҳолатда сақлаши, уларнинг метрологик текширувини ўз вақтида ва белгиланган тартибда ўтказиши шарт.

Бундан ташқари, айрим товарларни сотиш учун махсус рухсатнома бўлиши шарт. Бу каби талабларга риоя этмаслик юзасидан келиб чиқадиган муносабат (жавобгарлик) сотувчи билан сотиб олувчи ўртасида эмас, балки сотувчи билан чакана савдо қоидаларига риоя этилишини назорат қилувчи ваколатли давлат органи ўртасида келиб чиқади. Чакана савдони ташкиллаштириш талабларига риоя этмаслик асосан маъмурий, жиноий ва молиявий жавобгарликни келтириб чиқаради, лекин бундай ҳолатда ҳуқуқбузарга нисбатан фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик ҳам қўлланилиши мумкин. Масалан, акциз маркасиз тамаки ва алкоголь маҳсулотини савдога чиқарганда, бу товарлар

мусодара қилинади. Бунда мусодара тарзидаги жавобгарлик сотувчи учун салбий-мулкий оқибат туғдиради.

Б) Чакана олди-сотди шартномасини тузиш жараёнида келиб чиқадиган жавобгарлик.

Бу жавобгарлик ФКнинг “чакана олди-сотди шартномаси” қоидаларидан келиб чиқади. Масалан, сотиб олувчига товар ҳақида ахборот бермаслик (сотувчи сотишга таклиф қилинган товар тўғрисида сотиб олувчига зарур ва тўғри ахборотни унинг мазмуни ва уни тақдим этиш усулига нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган ёки одатда чакана савдода қўйиладиган талабларга мувофиқ ҳолда бериши шарт (ФКнинг 427-моддаси), акс ҳолда истеъмолчи даъво билан муурожаат этишга ҳақли), товарни шартномада белгиланган муддатда қабул қилиб олиши шарт билан сотиши, бу муддат мобайнида товар бошқа сотиб олувчига сотилиши мумкин эмас, акс ҳолда харидорнинг ҳуқуқи бузилиши мумкин, автоматдан фойдаланган ҳолда, товар сотилганда, унинг қоидаларини бузиш ёки нотўғри фойдаланганлик жавобгарликни келтириб чиқаради.

В) Сотиб олинган товардан фойдаланиш жараёнида ҳуқуқи бузилган томоннинг даъвосига кўра келиб чиқадиган жавобгарлик.

Масалан, кафолат муддати давомида товарнинг нуқсонини сотувчи томонидан ўз вақтида бартараф этмаслик истеъмолчининг ҳуқуқи бузилиши ҳисобланади. Бу жавобгарликнинг келиб чиқиш ҳолатлари Фуқаролик кодекси, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланган.

Чакана олди-сотди шартномасида энг муҳими жавобгарликни тўғри қўллаш олишдир. Жавобгарликни тўғри қўллаш олиш ҳам сотувчи ҳам сотиб олувчининг ҳуқуқ ва манфаатлари билан бевосита боғлиқ. Жавобгарликни ўз вақтида ва етарли миқдорда қўллаш ҳуқуқи бузилган тарафга етказилган зарарни ўз вақтида қопланишини таъминлайди. Ҳуқуққа хилоф ҳаракат қилган шахснинг эса кейинчалик бундай хатти-ҳаракатлар қилмаслигини олдини олади.

Демак, чакана олди-сотди шартномасида ҳуқуқ бузилиш ҳолатларига нисбатан фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш, муносабатга киришган тарафнинг мулкий зарарларини қоплаш, зарар етказган тарафга қўшимча мажбуриятларни юклаш орқали моддий-салбий оқибатни туғдириш, ҳуқуқни бузилишидан олдинги ҳолатига тиклаш, мулкий талофотларни олдини олиш ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш оқибатида келиб чиқади.

## 2.2. Ҳуқуққа хилофлик – чакана олди-сотди шартномаси шартларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асоси сифатида

Фуқаролик ҳуқуқида жавобгарлик асоси ва шартларини икки хил нуктаи назардан талқин қилиш ҳолати мавжуд. Биринчи ҳолатда, муаллифлар шартномавий муносабатлардаги фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик асосларини таъкидлаган ҳолда, жавобгарлик шартлари хусусида фикр билдиришмайди<sup>1</sup>.

Бошқа гуруҳ муаллифлари эса, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асоси деликт ва шартномавий жавобгарликда турлича бўлишини эътироф этганлари ҳолда, жавобгарлик асосидан ташқари муайян шартлар ҳам мавжуд бўлиши таъкидлашади<sup>2</sup>.

Фикримизча, бу ўринда иккинчи гуруҳ муаллифларининг фикрлари анча ўринлидир. Шу маънода айтиш мумкинки, чакана олди-сотди шартномаси шартларини бузганлик учун қўлланиладиган фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асоси – бу ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат ҳисобланса, жавобгарлик шартларига эса зарарнинг мавжудлиги, ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат ва зарар ўртасидаги сабабий боғлиқлик ва айб киради.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асоси деганда, қарздорни ўз мажбуриятларини бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда, кредиторнинг ҳуқуқларини бузилиши тушунилади. Айнан мазкур асос фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка тортиш учун зарур бўлган шартлар йиғиндисидан иборат. Н.Ҳ.Эгамбердиева юридик жавобгарликнинг барча турлари учун белгиланадиган чораларни қўллаш ҳамда шахсни юридик жавобгарликка тортиш учун муайян асослар бўлиши лозим. Акс ҳолда шахсга нисбатан юридик жавобгарликни қўллаб бўлмайди – деган фикрни билдиради<sup>3</sup>. Цивилист олимлар бу шартларга ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, зиён етказилиши,

<sup>1</sup> Алексеев С.С. О составе гражданского правонарушения//Правоведение.-Москва. 1958. -№1.-С.7.; Матвеев Г.К. Основания гражданско-правовой ответственности.-М.:Юридлит. 1970. -67 с.; Иоффе О.С. Ответственность по гражданскому праву.-Ленинград: ЛГУ, 1958.-35 с.

<sup>2</sup> Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право.-М.:Статут, 1998.-568 с.; Ожолов О. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асослари//Қопун химоясида.-Тошкент, 1999. -№9. -Б.16-19.; Эгамбердиева Н.Ҳ. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асослари ва шакллари. Юрид.фан.номз.дис...Авторсф.-Тошкент: 2006.-14 б.

<sup>3</sup> Эгамбердиева Н. Ҳуқуққа хилоф ҳаракат//Қопун химоясида.-Тошкент, 2004. -№11. -Б.28.



хуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан зиён ўртасидаги сабабий боғланиш ҳамда ҳуқуқбузарнинг айбини киритадилар.<sup>1</sup>

С.С.Алексеев фуқаролик ҳуқуқбузарлигининг белгиларини объект, субъект, ҳуқуқбузарлик ва унинг объектив томони билан боғлашга ҳаракат қилади<sup>2</sup>. Фикримизча С.С.Алексеевнинг фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик шартларига ёндашуви мукамаллик касб этмайди. Шу сабаб ҳуқуққа хилоф ҳаракат (ҳаракатсизлик), зарар, ҳуқуққа хилоф ҳаракат (ҳаракатсизлик) билан зарар ўртасидаги сабабий боғланиш ҳамда ҳуқуқбузарнинг айби жавобгарликнинг асосий шарти сифатида баҳоланиши мақсадга мувофиқ.

Ҳар қандай ҳуқуқбузарлик инсонлар томонидан яъни уларнинг хатти-ҳаракатлари орқали содир этилади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг таркибини кўриб чиқиш биринчи навбатда шахснинг содир этган хатти-ҳаракатидан бошланади. Айнан қандай хатти-ҳаракат содир этилганлигини билиш орқали, унинг ҳуқуққа хилофлиги, зарарли оқибат келтириб чиқарилганлиги, сабабий боғланганлик ҳамда субъектнинг айби аниқланади.

О.Окюлов ҳуқуққа хилофлик фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни белгилашда “биринчи шарт” деб ҳисоблайди<sup>3</sup>.

“Ҳуқуққа хилофлик” ибораси айрим адабиётларда “ғайриқонуний хатти-ҳаракат” сифатида ҳам ишлатилади<sup>4</sup>. Ҳ.Раҳмонқулов “ғайриқонуний” деган сўзни маъноси ҳуқуқ нормаларини бузувчи хатти-ҳаракат деб таърифлайди<sup>5</sup>. ФКнинг 985-моддаси 1-қисми ҳам фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек, юридик шахсга етказилган зарарни ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) деб таърифлайди.

Айрим муаллифлар ҳуқуққа хилофлик бу ҳуқуқ нормаларини бузишдир – деган фикрни билдирсалар<sup>6</sup>, Н.Эгамбердиева ҳуқуққа хилоф ҳаракат нафақат қонун ҳужжатлари ва шартномани бузиш, шу

<sup>1</sup> Зокіров И. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. –Тошкент: Аллоат, 1996. –247 б.; Раҳмонқулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи. –Тошкент: ТДҲЮ, 2005. –176 б.; Шодмолов Ф.Ю. Бозор иқтисодиёти шароитида шартнома мажбуриятларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик муаммолари. Юрид.фан.докт...дис. – Тошкент: 2002. –73 б.; Бабаев Д.И. Истеъмолчи ҳуқуқлари ва уларни бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик муаммолари. Юрид.фан.номз.дис. ...Авторсф. –Тошкент: ТДҲЮ, 2005. –16 б.; Матвеев Г.К. Основание имущественной ответственности частных предпринимателей //Государство и право.-Москва. 1993. -№9. –С.97.;

<sup>2</sup> Елсеев С.С. О составе правонарушения //Правоведения.-Москва. 1958.- №1. С.47-53.

<sup>3</sup> О.Окюлов.Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш асослари//Қонун ҳимоясида.-Тошкент, 1999. -№9. -Б.16-19.

<sup>4</sup> Раҳмонқулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи. –Тошкент: ТДҲЮ, 2005. –177 б.

<sup>5</sup> Ўша жойда.

<sup>6</sup> Раҳмилович В.А. О противоправности как основании гражданской ответственности // Государство и право.-Москва. 1964. -№3. –С.53.

билан бирга иш муомаласи одатларини бузиш ҳамдир деб ҳисоблайди<sup>1</sup>.

О.С.Иоффенинг фикрича, ҳуқуққа хилоф ҳулқ-атвор тақиқланган ҳолатни амалга ошириш ёхуд белгиланган ҳолатни бажармаслик оқибаотида намоён бўлади. Бу эса, ўз навбатида ҳуқуққа хилоф ҳулқ-атворнинг икки шакли: ҳуқуққа хилоф ҳаракат ва ҳуқуққа хилоф ҳаракатсизликни ажратиб кўрсатиш имконини беради. Е.Д.Егоров қарздорнинг ҳаракати агар бундай ҳаракат тўғридан – тўғри қонунда ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатда тақиқланган бўлса, ёки қонунда ёхуд бошқа ҳуқуқий ҳужжатга, шартномага, бир томонлама битимга ҳамда мажбуриятни вужудга келтирувчи бошқа асосга зид келса, ҳуқуққа хилоф ҳисобланади<sup>2</sup>, - деб таъкидлайди. А.А.Собчак қарздорнинг қонунда ёки тарафларнинг келишувида белгиланган шартларга риоя қилмаган ҳолда мажбуриятларнинг тегишли даражада бажарилмаслиги билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракати ҳуқуққа хилоф ҳисобланишини кўрсатиб ўтади.

Агар ҳаракат ҳуқуқий тартибга қарши қаратилган бўлса, яъни ҳуқуқ нормаларини, шунингдек, фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг ҳуқуқ нормалари билан ҳимояланадиган субъектив ҳуқуқларини бузса, у ҳуқуққа хилоф ҳисобланади.

Лекин бу ҳуқуққа хилофлилик ҳамма вақт ҳам бир хилда бўлавермайди. Айрим ҳолларда ҳуқуққа хилофлиликни белгилаб берувчи норманинг ўзгариши ёки бекор бўлиши, ҳаракатнинг ҳуқуққа хилофлигини ҳам ўзгартиради ёки бекор қилади.

Бундан ташқари айрим муомала лаёқатига эга бўлмаган шахслар томонидан содир этилган ҳуқуққа хилоф ҳаракат ҳам ҳаракат содир этган шахс унинг моҳиятини, оқибатини англамаганлиги туфайли жавобгарликни келтириб чиқармаслиги ҳам мумкин. Шунингдек, чакана савдо муносабатида тарафлардан бири ҳуқуққа хилоф ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни енгиб бўлмас кучлар, охириги зарурат ёки зарурий мудофаа ҳолатида содир этса бу ҳаракат жавобгарликни истисно этади.

Ҳуқуққа хилофлилик ҳаракат ёки ҳаракатсизлик натижасида намоён бўлар экан, ҳаракат шахснинг онгли равишда содир этган актив, ҳаракатсизлик эса шахснинг қилиши лозим ва мумкин бўлган ҳаракатни қилмаслиги билан боғлиқ пассив муносабат натижаси ҳисобланади. Масалан, чакана савдо муносабатларини атайлаб қасддан қоидаларини бузганлик ҳаракат натижасида ҳам ҳаракатсизлик натижа-

<sup>1</sup> Эгамбердиева Н. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг асослари ва шакллари. Юрид.фан.номз.дисс.... Автореф. –Тошкент: ТДҶОИ. 2006. –13 б.

<sup>2</sup> Гражданское право. Под ред А.Н.Сергеева. Ю.К.Толстого. ч.1. -М.: ПРОСПЕКТ. 1998. -568 с.

сида ҳам содир этилиши мумкин. Одатда ҳаракатсизлик натижасида келиб чиқадиган ҳуқуққа хилофлилик конун талабларига риоя этмаслик, сотувчининг (ёки ходимнинг) ва харидорнинг чакана олди-сотди шартномаси талабларини бажармаслик, мажбуриятни бажариш ва шартнома интизомига совуққонлик билан қараш оқибатида юз беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, чакана олди-сотди шартномасида ҳуқуққа хилофлик дейилганда, шартнома тарафларининг конун ҳужжатлари, шартнома ва иш муомаласи талабларига риоя этмаслик орқали муайян ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этиши тушунилади. Таърифда келтирилган конун ҳужжатлари ибораси амалдаги халқаро ҳуқуқ нормалари, конун ва қонуности ҳужжатларини ўзида қамраб олади.

Халқаро ҳуқуқ нормалари фақатгина Ўзбекистон Республикаси томонидан эътироф этилган яъни ратификация қилингандан сўнггина, у мамлакатимиздаги муносабатлар учун амалда бўлади. ФКнинг 7-моддасига мувофиқ, агар халқаро шартномада ёки битимда фуқаролик конун ҳужжатларидагига қараганда бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки битим қоидалари қўлланилади. Демак, агар чакана савдо муносабатларини тартибга солувчи халқаро ҳуқуқ нормалари билан юқоридагича ҳол юз берса, мазкур халқаро ҳуқуқ нормаси амалда бўлади ва унинг қоидаларини бузганлик ўз ўзидан ҳуқуққа хилоф ҳисобланади.

Аксарият халқаро ҳуқуқ нормаларида чакана савдо муносабатларини тартибга солишга бевосита эътибор қаратилмайди. Лекин чакана савдо муносабатларида истеъмолчи шартноманинг “ожиз” тарафи бўлганлигидан келиб чиққан ҳолда, чакана савдо муносабатларини тартибга солувчи халқаро шартнома ва битимларнинг асосий қисми истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Масалан, БМТнинг Истеъмолчилар манфаатини ҳимоясига оид Резолюцияси<sup>1</sup>, Европа Иқтисодий ҳамжамияти Кенгашининг Истеъмолчилар ҳуқуқлари хартияси, МДҲга аъзо давлатлар Парламентлараро Ассамблеясининг “Парламентлараро Ассамблеяси катнашчиси бўлган давлатларнинг истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоясини тартибга солишнинг умумий тамойиллари ҳақида”ги тавсиявий мазмундаги қарори<sup>2</sup> ва бошқалар. Республикамизда фақатгина БМТнинг юқоридаги резолюциясигина ратификация қилинган, қолган халқаро ҳуқуқ нор-

<sup>1</sup> Законодательные акты зарубежных стран. – М.: Юрист, 1998. – 62 с.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига шарҳ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 31 б.

малари ратификация қилинмаганлиги сабабли мамлакатимизда амалда бўлмади. Резолюцияда белгиланган жисмоний хавфсизлик, истеъмол товарлари сифати ва унинг хавфсизлиги хусусидаги, маълумот ва ахборот олиш ҳақидаги нормаларнинг бузилиши ҳуқуққа хилофлик деб топилади.

Чакана олди-сотди шартномаси ва чакана савдо муносабатларини тартибга солувчи махсус қонун мавжуд эмас. Мавжуд нормалар ҳам турли қонун ҳужжатларига “сочиб” юборилган. Чакана олди-сотди шартномаси ва чакана савдо муносабатлари билан боғлиқ нормалар Фуқаролик кодексига, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги<sup>1</sup>, “Маҳсулотлар ва хизматларнинг сертификатлаштириш тўғрисида”ги<sup>2</sup>, “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги<sup>3</sup>, “Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги<sup>4</sup>, “Стандартлаштириш тўғрисида”ги<sup>5</sup>, Ўзбекистон Республикасининг “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги<sup>6</sup> ва бошқа қонунларда мавжуд.

Чакана савдо муносабатлари билан боғлиқ нормалар асосан қонун ости ҳужжатлари орқали тартибга солинади. Буларга масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 июндаги “Бозорлар фаолиятини такомиллаштириш ва маҳсулотлар сотиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги 239-сон, 2000 йил 14 августдаги “Ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарларини импорт қилиш ва сотишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 317-сон, 2001 йил 16 ноябрдаги “Вино-ароқ маҳсулотларини улгуржи ва чакана сотишни тартибга солиш тўғрисида”ги 452-сон, 2001 йил 31 октябрдаги “Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган истеъмол товарлари билан савдо қилишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 433-сон, 2002 йил 3 октябрдаги “Стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 342-сон қарори ҳамда “Ноозик-овқат истеъмол товарлари билан савдо қилишнинг такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2003 йил 31 январдаги қарори, “Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулот (хизмат) ларини иш-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 1996 йил. 5-6-сон. 59-м.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1994. 2-сон, 50-м.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. 4-5-сон, 120-м.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. 9-сон, 239-м.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1994. 2-сон, 46-м.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. 2-сон, 54-м.

лаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2003 йил 13 февраль 75-сонли, 2003 йил 28 июлдаги “Ноозик-овқат истеъмол товарлари билан савдо қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 330-сон қарори ва бошқалар қиради. Мазкур қонун ости ҳужжатлари ичида “Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулот (хизмат)ларини ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2003 йил 13 февраль 75-сонли қарор муҳим роль ўйнайди. Чунки у билан “Чакана савдо Қоидалари” тасдиқланган.

Унда белгиланган нормаларни бузганлик муносабат иштирокчиларининг ҳуқуққа хилоф ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ҳисобланади. Масалан, қоидаларнинг 189-бандига асосан, товарлар, маҳсулотларни нотўғри ўлчаш, нотўғри тортиш ёки хизматлар кўрсатмаслик, сотувчининг касса чеки, квитанция, счётлар беришдан бош тортиши, харидорга товарнинг сифати, бутлиги, ўлчами, оғирлигини текшириш имконияти яратишдан бош тортиш, харидорга узоқ муддат фойдаланиладиган сифати, ёмон товарни таъмирлаш ёки алмаштириш даврида яхши сифатли ана шундай товарни беришдан бош тортиш, пластик карточкалардан фойдаланилган тўловни қабул қилишдан бош тортиш, шунингдек, назорат-касса машиналарини қўллаш тартибига, видеоёзувли кассеталарни сотиш ва видео муассасалар фаолият кўрсатиши тартибига, ёнилғи-мойлаш материалларини сотиш тартибига, алкогольли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини сотиш тартибига роя қилмаслик, сифатсиз, бут бўлмаган товарларни, кулинария буюмларини ва атайин ностандарт маҳсулотларни сотиш, шунингдек, харидорга сотилган сифатсиз, бут бўлмаган товарни алмаштириб беришдан ёки пулларни қайтариб беришдан бош тортиш, товарларни уларнинг сифатини ва ишлаб чиқариш маркасини тасдиқловчи ёки сертификацияланган маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатларсиз сотиш, ишлаб чиқариш маркасида ёки товар белгисида тайёрловчининг номи ва жойлашган ўрни тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган товарларни сотиш, ярқилик муддати ўтган товарларни сотиш, кимёвий моддалар қолдиқлари юқори миқдорда мавжуд бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотиш қоидаларини бузганлик ҳуқуққа хилоф ҳисобланади.

Чакана савдо муносабатлари кундалик эҳтиёжни қондиришга қаратилган муносабат бўлганлиги учун унинг тартиб қоидаларини белгилаш долзарб масаладир. Айни кунларда республикамизда чакана

савдо муносабатларини қонуности ҳужжатлари орқали тартибга солиниши ҳуқуқий тартибга солишнинг энг заиф нуқтаси ҳисобланади.

Умумий қоидага кўра чакана олди-сотди муносабатларида ҳуқуққа хилофлик ҳаракатлари шартнома тузиш жараёнида ҳам вужудга келиши мумкин. Бундай ҳаракатлар жумласига қуйидагилар киради:

- товарни яшириш;
- ахборот бермаслик;
- камёб товарларни фақатгина “белгиланган” харидорларга сотиш;
- кўпол муомала қилиш;
- харидорларни бир-биридан ажратган ҳолда, уларни танлаш ва бошқалар.

Одатда товарни яшириш деганда, харидоргир бўлган ва сотувга қўйилган товарларни барча истеъмолчилар учун бир хилда таклиф қилмаслик тушунилади. Яъни, бунда сотувчи оммавий оферта қилинган товарни тугаганлигини баҳона қилиб, мавжуд товарни сотишни тўхтатиб туради. Бу ҳолат муайян турдаги товарларнинг нархи ошиши ёки айрим харидорлар учун юқори баҳода сотилиш мақсадида яширилади. Фикримизча, бундай хатти-ҳаракат чакана олди-сотди шартносининг моҳиятига тўғри келмайди. Чунки, чакана олди-сотди шартномаси оммавий шартнома бўлиб, бунда сотувга қўйилган товарларни бошқа мақсадларни кўзлаб яшириш ҳуқуққа хилоф ҳаракат сифатида баҳоланади ва фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг вужудга келиши учун асос ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасида истеъмолчининг биринчи навбатдаги ҳуқуқи сифатида товар ҳақида ва ишлаб чиқарувлари ҳақида маълумот олиш ҳуқуқи белгиланган. Истеъмолчиларнинг мазкур ҳуқуқи Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилишнинг раҳбарий тамойиллари” деб номланган 1985 йил 9 апрелдаги №39/248 Резолюциясида ҳам ўз ифодасини топган. Бундай маълумотлар жумласига товарнинг номи, товарнинг асосий истеъмол хусусиятлари, баҳоси ва сотиб олиш шартлари, ишлаб чиқарувчиларнинг кафиллик мажбуриятлари, товарларни сақлаш, хавфсиз утилизация қилиш усуллари<sup>1</sup> ва шу кабилар киради. Бундан ташқари, ишлаб чиқарувчи ва сотувчи тўғрисида-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига шарҳ: ИИ Муаллифлар таркиби: И.Б. Зокиров, М.Х. Рустамбоев, О.Оқолов ва бошқ. - Тошкент: Ўзбекистон, 2005. - 69 б.

ги, сотувчининг иш вақти ва унинг юридик манзили ҳақидаги маълумотлар ҳам сотиб олувчига аниқ берилиши лозим.

Бундай маълумотларни сотиб олувчига бермаслик ёки улар тўғрисида тушунчага эга бўлмаслик чакана олди-сотди муносабатларида сотувчининг ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракати сифатида баҳоланади.

Маълумки, бозор муносабатлари шароитида товарларни танлаш эркинлиги ва имконияти бекиёс ҳисобланади. Бироқ айрим вазиятларда у ёки бу товарни топиш муаммо бўлиши мумкин. Бундай вазиятларда топилиши қийин бўлган ва харидоргир бўлган товарлар - “камёб товарлар” деб номланади ва уларни сотишда қонун ҳужжатларини бузиш ҳам ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат ҳисобланади. Шу сабабли, қонун ҳужжатларига кўра “камёб товарларни” сотишда қонун бузилишларга йўл қўйилиши, чакана савдо муносабатлари қоидаларига риоя қилмаслик сифатида эътироф этилади.

Умумий қоидага кўра, чакана олди-сотди шартномасида сотувчига қўйиладиган талаблардан бири унинг харидорлар билан хуш муомалада бўлиши ҳисобланади. Қўпол муомалада бўлишлик эса, сотиб олувчининг асабини бузиши ва унга маънавий зарар етказиши мумкин. Бу ҳолат эса хар доим ҳуқуққа хилофлик деб баҳоланади. Шу сабабли, сотиб олувчининг қўпол муомаласи учун фуқаролик қонун ҳужжатларида унга нисбатан қатъий жавобгарлик чораларини белгилаш мақсадга мувофиқдир. Фикримизча, “Чакана савдо қоидаларига” қуйидаги нормани киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

- сотувчи харидорга қўпол муомала қилганда, қонун ҳужжатларида белгилаган жавобгарлик чораси қўлланилади. Бунда сотиб олувчи сотувчига етказилган маънавий зарарни қоплаши лозим.

Сотувчининг харидорга қўпол муомала қилганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Назаримизда, бундай норманинг киритилиши, амалиётда қўплаб учрайдиган сотувчи ва сотиб олувчи ўртасидаги шартнома тузиш жараёнидаги низоларни бартараф этган ва заиф томон бўлган сотиб олувчи манфаатларини химоя қилиш самарадорлигини оширган бўлар эди.

Маълумки, чакана олди-сотди шартномаси оммавий шартнома бўлганлиги сабабли, сотувчи бир харидорни иккинчисидан устун қўйишга ва унга имтиёз беришга ҳақли эмас (қонун ҳужжатларида кўзда тутилган айрим тоифадаги шахсларга бериладиган имтиёзлар бундан мустасно). Шу сабабли сотувчи барча сотиб олувчиларга бир

хилдаги товарларни ва хизматларни таклиф этиши ҳамда уларни ноқонуний вожалар билан ажратмаслиги лозим. Бу ҳолат ҳам фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни вужудга келтирувчи ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат сифатида эътироф этилади.

Чакана савдо муносабатлари билан боғлиқ ҳуқуққа хилофлик бундан ташқари шартнома шартларини бузганлик натижасида ҳам келиб чиқади.

Қарздорнинг ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракати ҳуқуқ нормаларига риоя қилмасликни билдирганлиги туфайли, чунончи, қарздор томонидан олинган мажбуриятнинг бутунлай бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги ва шу билан шартнома интизомининг бузилиши-қонунчиликни бузиш деб ҳам кўрилади. Бинобарин, шартнома юзасидан олинган мажбуриятларнинг шунингдек, бошқа мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашга қаратилган кураш - айнан шу вақтнинг ўзида қонунчиликка риоя қилиш учун бўлган кураш деб кўрилади<sup>1</sup>. Н.Д.Егоровнинг таъкидлашича, мажбурият шартномадан келиб чиқади. Шартнома шартларини бузиш ҳуқуққа хилоф ҳисобланади<sup>2</sup>. У.Н.Дўстовнинг назарида, шартнома томони хатти-ҳаракатининг қонунга хилофлиги деганда, кредитор субъектив ҳуқуқларининг асоссиз тарзда бузилишига олиб келган номаъқул ҳулқ-атвори кўзда тутилади<sup>3</sup>. Юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда, шартнома шартларини бузилиши, мажбуриятларни ўз вақтида бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги, шартнома интизомига риоя этилмаслиги бу кредиторнинг субъектив ҳуқуқининг бузилишидир ва у айнан ҳуқуққа хилофлиликни келтириб чиқаради, - деган хулосага келиш мумкин.

Чакана олди-сотди шартномаси қоидалари ФКнинг 425-436-моддаларида белгиланган. Мазкур нормаларга риоя этмаслик, шунингдек, тарафларнинг келишувига асосан шартномада белгиланган шартларга риоя этмаслик ҳуқуққа хилоф ҳаракат ҳисобланади. Масалан, ФКнинг 432-моддасига асосан сотиб олувчи товар ҳақини бўлиб-бўлиб тўлашни талаб қилиши мумкин. Бу ҳолатда агар товар ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шартнома шартларига киритилса белгиланган муддатларда харидор томонидан суммани тўламаслик шартнома шартларини бузиш ҳисобланади. Ўз ўрнида бу шартнома шартларига хилоф ҳаракатсизлик ҳисобланади. Шартнома шартларига хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик томонлар хоҳиши асосида шаклланган

<sup>1</sup> Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ҳуқуқи -Тошкент: Адolat, 1996. -243 б.

<sup>2</sup> Гражданское право. Ч.1. под ред. А.П.Сергеева Ю.К.Толстого. -М.: Проспект, 1999. -568 с.

<sup>3</sup> Дўстов У.П. Туризм хизматининг ҳуқуқий тартибга солиниши. -Тошкент: ТДЮИ, 2005. -79 б.



шартнома матнидаги мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик оқибатида юзага келади. Айнан келишувдаги тарафлар олган мажбуриятлар масалан, товар суммасини ўз вақтида тўламаслик, товарни ўз вақтида тақдим этмаслик, шартномада кафолат муддати белгиланган бўлса, белгиланган муддатда товарнинг яроқсизлигини бартараф этмаслик, сотиб олувчи томонидан товарни ўз вақтида қабул қилмаслик, сифатсиз товар сотганлик<sup>1</sup> ва бошқалар ўз-ўзидан шартнома шартларига зид ҳаракат ҳисобланади.

Айрим олимлар ҳуқуққа хилоф ҳаракат шартномали муносабатларда мавжуд бўлмаслигини, бунга асос қилиб эса шартномадаги шартлар ҳуқуқ нормаси бўла олмаслигини таъкидлайдилар<sup>2</sup>. Бу каби фикрларга қўшилиб бўлмайди. Зеро, чакана олди-сотди шартномасидаги тарафлар келишиб киритган шартлар қонун талабларидан келиб чиқади ва унинг моҳиятига зид бўлмаслиги лозим, айрим ҳолларда шартнома шартлари ичида қонун ҳужжатларида белгиланмаган шартлар ҳам киритилиши мумкин. Лекин бу иш-муомаласи одатлари нормалари асосида тартибга солинади. Демак, ҳар қандай ҳолларда ҳам шартнома шартлари асосини қонун талаблари ташкил этар экан, уни бузганлик албатта ҳуқуққа хилоф бўлади деган хулоса келиб чиқади.

ФКнинг 6-моддасига асосан тадбиркорлик фаолиятининг бирон-бир соҳасида вужудга келган ва кенг қўлланиладиган, қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган хулқ-атвор коидаси, бирон-бир ҳужжатда ёзилганлиги ёки ёзилмаганлигидан қатъи назар, иш муомаласи одати деб ҳисобланади. Фуқаролик қонун ҳужжатларида тегишли нормалар бўлмаган тақдирда, бу муносабатларни тартибга солишда маҳаллий одат ва анъаналар қўлланилади.

Чакана олди-сотди шартномаси ва чакана савдо муносабатларида ҳам одат, иш муомаласи нормалари кенг қўлланилади. И.Б.Зокировнинг таъкидлашича, бозор иқтисодиёти тизими қарор топаётган ҳозирги шароитларда тадбиркорлик ва ишбилармонлик қоидаларига зид келган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, бепарволик ҳуқуқ нормасини тўғридан-тўғри бузиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам ҳуқуққа хилоф ҳисобланиши мумкин<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Ф.Ю.Шодмоновнинг фикрича, сифат жиҳатидан шартнома талабларига жавоб бермайдиган товарни сотиб олувчига топшириш ҳам сотувчининг ҳуқуқбузарлик ҳаракати, яъни шартнома шартларининг бузилишига қаратилган ҳаракати деб ҳисобланади. /Шодмонов Ф.Ю. Бозор иқтисодиёти шаронтида шартнома мажбуриятларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик муаммолари. Юрид.фан докт.дис.... Автореф. -Тошкент: 2002. -Б. 20—21.

<sup>2</sup> Матвеев Г.К. Основания гражданско-правовой ответственности. -М.: Юрилит, 1970. -С.19-36.

<sup>3</sup> Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. -Тошкент: Адолат, 1996. -243 б.

Демак, қонун ҳужжатларида, шунингдек, шартнома шартлари ва иш-муомаласи одатларида белгиланган ҳолатларга риоя этмаслик ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ҳисобланади. Бундай ҳуқуққа хилоф ҳаракат (ҳаракатсизлик) ҳам сотувчи ҳам сотиб олувчи томонидан амалга оширилиши мумкин.

### **2.3. Зарар ва сабабий боғланиш – чакана олди-сотди шартномасини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шarti сифатида**

Зарар одатда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шартларидан бири сифатида эътироф этилади. Фуқаролик ҳуқуқида зарар шартномавий жавобгарлик ва шартномадан ташқари жавобгарликда турлича аҳамиятга эга бўлади. Агар деликт жавобгарлигида зарар жавобгарлик асоси сифатида кўрилса, шартномавий жавобгарликда жавобгарлик асоси бўлиб ҳуқуққа хилоф ҳаракат ҳисобланади, зарар эса, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шarti сифатида эътироф этилади.

Айрим муаллифларнинг таъкидлашларича, зарар йўқми –демак ҳимоя йўқ ва жавобгарлик бўлмагандан сўнг ҳеч нарсани даъво қилиш керак эмас<sup>1</sup>. Айнан мана шу қоида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг ўзига хослигини яна бир бор намоён этади. Н.Эгамбердиева баъзан келиб чиққан зарар мулкий характерда бўлмайди. Бироқ аксарият ҳолларда зарарнинг мавжудлиги жавобгарликни белгилаш учун зарур шартлардан биридир – деган хулосага келади<sup>2</sup>.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шартларидан бири зарар бўлиб, у моддий ва номоддий (маънавий) кўринишда жабрланувчига етказилиши мумкин. ФКнинг 14-моддасига мувофиқ, зарар деганда, ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек, бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмайд қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади.

Зарар масаласи юридик жавобгарликларда бир хил даражада ёндашилмайди. Айрим жавобгарликларда унинг мавжудлиги аҳамият-

<sup>1</sup>Тейряев А.А. *Обще основание и условия возникновения мер ответственности и мер защиты вследствие причинение вреда источником повышенной опасности* // Юрист.-Москва, 2002. -№6. -С.2.

<sup>2</sup>Эгамбердиева Н. *Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик шартлари* // Қонун ҳимоясида. –Тошкент, 2000. -№5-6. –Б.17.

сиз бўлса (масалан, интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарликда), айримларида зарар жавобгарликнинг муҳим шартли сифатида кўринади (фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликда). Жиноят ҳуқуқида зарар етказилиши ёки объектнинг зарарланиш хавфи остида қолиши (формал таркибли жиноят) жавобгарликни вужудга келтиради<sup>1</sup>. Фуқаролик ҳуқуқида эса зарарнинг етказилишигина жавобгарликни келтириб чиқаради.

Фуқаролик ҳуқуқида зарар масаласи олимлар томонидан етарлича ўрганилган. Масалан, М.М.Агарковнинг фикрича зарар бу шахсий ёки мулкий бойликнинг ҳар қандай камайишидир<sup>2</sup>. Н.Имомовнинг таъкидлашича, зарар деганда фуқаролик ҳуқуқи субъектига тегишли мол-мулк шикастланиши ёки нобуд бўлиши натижасида, шунингдек, фуқаронинг соғлиғига шикаст етиши ва вафоти натижасида вужудга келадиган салбий мулкӣ ва номулкӣ оқибатлар тушунилади<sup>3</sup>.

К.Синдаровнинг фикрича эса, етказилган зарарни шартли равишда икки қисмга ажратиш мумкин: а) қилинган сарф-харажатлар, мулкнинг йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар); б) олинмай қолган даромад (бой берилган фойда)<sup>4</sup>.

К.Синдаров мазкур таърифга Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 14-моддаси талабларидан келиб чиқиб ёндашган. Лекин, зарар нафақат бу икки тушунчани балки, шахснинг руҳиятига етказилган зарар кўринишида ҳам учрайдики, муаллиф бу ҳолатни эътиборга олмаган. М.М.Агарков зарарга берган таърифида унинг барча жиҳатларини қисқача матнда ифодалашга ҳаракат қилган.

Зарар қуйидагича туркумланади:

- мулкӣ ва шахсий;
- шартномавий ва ношартномавий.

Мулкӣ зарар моддий кўринишга эга бўлади ва у жабрланувчининг мулкӣни камайиши натижаси ҳисобланади. Айрим адабиётларда мулкӣ зарар моддий зарар сифатида ишлатилади, фикримизча бу икки термин синоним бўлиб ҳар иккисини ҳам ишлатиш юридик хато эмас. Мулкӣ зарарда шахсларнинг мулкӣ ҳуқуқлари бузилади ва бундай ҳуқуқларнинг бузилиши оқибати уларга муайян зарар етказилиши билан яқунланади. О.Оқюловнинг фикрича, моддий зарар ҳу-

<sup>1</sup> Рустамбаев М.Х. Жиноят ҳуқуқи. – Т.: ГДЮИ. 2007 – 52 б.; Уголовное право. Общая часть. Учебник. –М.: Новый юрист, 1997. -С.209-211.

<sup>2</sup> Гражданское право. Т.1. –М.: Юридат, 1944. –328 с.; Матвеев Г.К. Основания гражданского-правовой ответственности. –М.: Юридлит, 1970.-37 с.

<sup>3</sup> Fuqarolik huquqi (II-qism) Darslik//M.Abdusalomov, X.Azizov, B.Akmaljonov va boshq.-Тошкент: Adolat, 2007.-564 б.

<sup>4</sup> Синдаров К. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги шартномалар. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2003.-137 б.

кукбузарлик сабабли келиб чиққан харажатлар, мол-мулкнинг шикастланиши, вобуд бўлиши, олинмай қолган даромад, ҳуқуқбузарнинг моддий манфаати тарзида намоён бўлади<sup>1</sup>.

Мулкий зарарнинг ўзи қуйидагича кўринишларга бўлинади:

-ҳақиқий зарар ва бой берилган фойда;

-бевосита ва билвосита зарар.

Ҳуқуққа хилоф ҳаракат натижасида бевосита мулкка етказилган зарар ижобий зарар ҳисобланади. Масалан, истеъмолчи турғун савдо шохобчасида товарларни кўздан кечираётган пайтда эҳтиётсизлик туфайли унга зарар етказиши (қўлдан тушириб юбориб синдириб қўйиши), ёки сотувчи томонидан нуқсонли электр товари сотилиши натижасида истеъмолчининг бошқа мол-мулкига ҳам зарар етказиши (масалан, ундан фойдаланилаётганда телевизор, холодильник ва бошқа электр асбобларининг ишдан чиқиши). Ижобий зарар чакана савдо муносабатларида энг кўп учрайдиган зарар кўриниши бўлиб, ҳар икки тараф (сотувчи ва сотиб олувчи) ҳам бу кўринишдаги зарарнинг жабрланувчисига айланиши мумкин. Айрим адабиётларда ижобий зарар реал зарар деб ҳам юритилади. Н.Эгамбердиева ижобий зарар ўрнига “ҳақиқий зарар” тушунчасини ишлатади<sup>2</sup>.

ФКнинг 14-моддаси талабларига кўра, бой берилган фойда бу - шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари ҳисобланади. Агарда келгусида муайян мулкий манфаат ва фойда олиш имконияти бартараф этилган бўлса, унда зарарнинг бой берилган фойда кўриниши намоён бўлади. Масалан, автоматдан фойдаланган ҳолда товар сотилаётган истеъмолчининг қўпол эҳтиётсизлиги туфайли автоматга зарар етказилиши ва унинг ишдан чиқиши, сотувчи томонидан автомат тузатилгунга қадар тадбиркорлик фаолиятини амалга ошира олмаслигига олиб келади. Натижада сотувчи келажакда мазкур восита орқали чакана савдо-сотикни амалга ошириб, олиши мумкин бўлган даромадидан маҳрум бўлади.

Бой берилган фойда натижасида кўрилган зарар масаласи асосан фақатгина тадбиркорлик субъектлари кўриши мумкин бўлган зарар сифатида баҳолаб келинган ва у ҳақидаги назарий асослар ҳам шу масала нуқтаи назардан ишлаб чиқилган. Лекин, бой берилган фойда орқали зарар кўриш масаласи нотадбиркор жисмоний шахсларга нисбатан ҳам қўллаш фикримизча мақсадга мувофиқ. Масалан, чакана

<sup>1</sup> Оқолов О. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш асослари//Конун ҳимоясида. -Тошкент, 1999. №9. –Б.17.

<sup>2</sup> Эгамбердиева Н.Х. Фуқаролик ҳуқуқий-жавобгарлигининг асослари ва шакллари. Юрид.фал.номз.дис... Автореф. –Тошкент: -15 б.

олди-сотди шартномасига кўра сотиб олувчи жисмоний шахс товарни шахсий мақсадларда сотиб олади. Сотиб олинган товарнинг зарарли таъсири натижасида унинг соғлиғига етказилган зарар оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотиши туфайли маълум бир муддат давола-нишига тўғри келади. Шу муддат ичида агар у яқка тартибдаги тад-биркор бўлса, тадбиркорлик фаолияти натижасида олиши мумкин бўлган фойдани ёки меҳнат қобилиятини йўқотмаганида иш ҳақи кўринишидаги олиши мумкин бўлган даромадни ҳам йўқотади. Гар-чи, товар сотиб олган харидорнинг соғлиғига товардаги нуқсонлар натижасида зарар етказилган бўлса-да, жавобгарлик чакана олди-сот-ди шартномаси асосида эмас, деликтнинг ўзига хос тури ҳисобланган товарлар, ишлар ва хизматлардаги нуқсонлар натижасида етказилган зарар учун жавобгарликдан келиб чиқиб белгиланади. Шу сабабли, жабрланувчи-истеъмолчи айбдордан юқоридаги зарарларни тўлани-шини талаби қилиши мумкин. Низо судда кўрилатган вақтда бу хо-латлар инobatга олиниши мақсадга мувофиқ. В.М.Кособродовнинг таъкидлашича, зарарни тўлиқ ҳисоблаш аниқ бир иш ҳолатидан келиб чиқиб, суд томонидан белгиланади<sup>1</sup>.

Тўғри, муаллифлар томонидан соғлиққа зарар етказилиши нати-жасида келажакда олиши лозим бўлган даромадни ололмаслиги ма-саласи кўтарилган<sup>2</sup>. А.Тўраев зарар етказилиши натижасида ололмай қолган иш ҳақини олинмай қолган даромад деб ҳисоблайди<sup>3</sup>. Г.К.Матвеев мулкый зарар таркибига шахсий мулкый зарарни ҳам ки-ритади ҳамда мулкый зарарни реал ва бой берилган фойда кўриниш-ларида мавжуд бўлишлигини таъкидлаб ўтади<sup>4</sup>.

Мазкур фикрлардан келиб чиқадиган бўлсак, ҳар қандай шахс (жисмоний ва юридик шахс)га бой берилган фойда тарзидаги зарар етказилиши мумкин. Демак, истеъмолчи ҳам чакана савдо муноса-батларида (лекин, чакана олди-сотди шартномаси бўйича эмас) ҳу-қуққа хилоф ҳаракат натижасида бой берилган фойда кўринишидаги зарарнинг жабрланувчиси бўлиши мумкин деган хулоса келиб чиқа-ди. Истеъмолчиларга асосан нуқсонли товар натижасида ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотиши ва ололмай қолган иш ҳақи тарзидаги бой берилган фойда кўрини-

<sup>1</sup> Кособродов В.М. Обязательство по возмещению вреда, причиненного жизни и здоровью, как мера социальной защиты прав и интересов потерпевшего // Адвокат.-Москва. 2004.- №7.-С.81.

<sup>2</sup> Матвеев Г.К. Основания гражданско-правовой ответственности.-М.: Юридлит, 1970. -С. 41-43.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. II қисм. –Тошкент: Алолат, 1999. –350 б.

<sup>4</sup> Матвеев Г.К. Основания гражданско-правовой ответственности.-М.: Юридлит, 1970.-50 б.

шидаги зарар етказилиши мумкин. Чунки соғлиққа зарар етказилиши мулкый характердаги шахсий зарар хисобланади.

Демак, фикримизча нуксонли товар сотиб олинishi натижасида истеъмолчининг соғлиғига етказилган зарар реал зарар деб баҳоланса, унинг ололмай қолган иш ҳақи ёки тадбиркорлик даромади бой берилган фойда кўринишидаги зарар деб тан олинади.

Бевосита ва билвосита зарар эса сабабий боғланиш билан боғлиқ.

Чакана савдо муносабатларида шундай ҳолатлар учрайдики, бунда сотувчи томонидан бир вақтнинг ўзида бир хил ҳуқуқбузарлик орқали ҳам истеъмолчига ҳам ўзининг рақобатчисига зарар етказиши мумкин<sup>1</sup>. Масалан, худди шундай товарни сотаётган ҳужалиқ юри-тувчи субъект тўғрисида маълумотлар тарқатиб истеъмолчини чалғи-тиш.

Шахсий зарар куйидагича туркумланади:

-мулкый муносабатлар билан боғлиқ бўлган шахсий зарар;

-мулкый муносабатлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий зарар.

Мулкый муносабатлар билан боғлиқ бўлган шахсий зарарлар шартнома иштирокчиларининг ҳаёти ва соғлиғига, фирма номи, товар белгиси ва бошқаларга, мулкый муносабатлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий зарарлар эса шаън, кадр-қиммат, ишчанлик обрўси, тижорат сири ва бошқаларга етказилиши мумкин.

Шахсий зарар маънавий кўриниш касб этади. ФКнинг 1021-мод-дасига кўра, маънавий зарар уни етказувчининг айби бўлган тақдир-да, зарар етказувчи томонидан қопланади. Маънавий зарар уни етқа-зувчининг айбидан қатъи назар куйидаги ҳолларда қопланади, агар:

-зарар фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига ошиқча хавф манбаи томо-нидан етказилган бўлса;

-зарар ор-номус, кадр-қиммат ва ишчанлик обрў-эътиборини ҳақоратловчи маълумотларни тарқатиш туфайли етказилган бўлса;

-қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Маънавий зарар фуқаролик ҳуқуқи нуктаи назаридан моддий зарардан кам бўлмаган аҳамиятга эга<sup>2</sup> бўлиб, А.Менгернинг таъкидла-шича, моддий зарарни кўпроқ ўрта қатлам вакиллари ундиришга ҳа-ракат қилишсади, маънавий ҳолат улар учун унчалик аҳамиятга эга эмас<sup>3</sup>. Юқоридаги фикрга қўшилмасдан иложи йўқ. Зеро бой бўлма-

<sup>1</sup> Бадмаев Б.Г. Правовое содержание недобросовестной конкуренции // Юрист.-Москва. 2004.- №1. -С.14-17.

<sup>2</sup> Беляцкий С.А. Возмещение морального (неимущественного) вреда. -М.: Право, 1913. -С.4-5.; Бюер А.А. Ин-ститут возмещения морального вреда в русском дореволюционном праве // Юрист.-Москва. 2004. -№2. -С.60.

<sup>3</sup> Менгер А. Гражданское право и немущие классы населения. Санкт-Петербург. Просвещение. 1903. -168 б.; Бюер А.А. Институт возмещения морального вреда в русском дореволюционном праве// Юрист.-Москва. 2004. - №2. -С.61.

ган, моддий эҳтиёжманд кишилар зарарнинг номоддий кўринишидан кўра, моддий кўринишини ундиришни афзал кўришади. Маънавий зарар номоддий характер касб этади, шунинг учун ҳам уни биринчи ўринда инсоннинг ички дунёси ва руҳий ҳолатига зарар етказиш деб тушуниш лозим<sup>1</sup>.

Маънавий зарарни инсоннинг руҳий ҳолати билан боғлаш кўп адабиётларда учрайди. Масалан, А.П.Гуськов инсоннинг ички дунёсини унинг биологик ва социал ҳолатидан ажратиб олиш мумкин эмас, шунинг учун шахсият бу комплекс тушунча. У руҳий биологик, физиологик ва социал ҳолатни қамраб олади, деб ҳисоблайди<sup>2</sup>. Ш.Менглиевнинг фикрича, маънавий зарар инсоннинг руҳий ҳолати билан боғлиқ бўлган ва алоҳида руҳий изтиробларда ифодаланадиган номулкий зарарнинг ўзига хос доирасидир<sup>3</sup>.

Ҳатто айрим ҳуқуқ тизимларида маънавий зарарни руҳий зарар сифатидаги тушунча билан аташади<sup>4</sup>.

Айрим адабиётларда, юридик шахсларнинг маънавий зарар кўриши ҳақида ҳам фикрлар бор<sup>5</sup>. Лекин, юқоридаги фикрлар муайян даражада баҳсли кўриниш касб этади. Зеро, юридик шахслар мавҳум тушунча бўлиб, уларда руҳий изтироб кузатилмайди. Тўғри юридик шахснинг ишчанлик обрўсига путур етиши мумкин. Лекин, у бундай зарар орқали маънавий тушкунликка учрамайди. Балки, унинг мулкдори, таъсисчиси маънавий зарар кўриши мумкиндир. Лекин, улар алоҳида субъект, юридик шахс алоҳида субъект. Айрим ҳолларда хусусий корхонанинг мулкдори бир шахс бўлади. Лекин бу ҳолда ҳам маънавий зарар масаласи кўтариладиган бўлса, фақатгина хусусий корхона мулкдорига етказилган зарар нуқтаи назардан маънавий зарарга ёндашиш мумкин, юридик шахс сифатида хусусий корхона ҳам маънавий зарар кўра олмайди.

Сотувчи агар у якка тартибдаги тадбиркор бўлсагина маънавий зарар етиши мумкин. Чунки, у якка тадбиркор бўлади ва руҳий изтироб барча инсонларга хос хусусият ҳисобланади.

Чакана савдо муносабатларида истеъмолчи ҳуқуқлари бузилганда одатда унга моддий ёки маънавий зарар етказилади. Кўп вазиятларда

<sup>1</sup> Кривошецов И.В. Компенсация морального вреда: некоторые аспекты // Юрист.-Москва. 2005. -№4. -С.2.

<sup>2</sup> Гуськов А.П. Личност обвиняемого в уголовном процессе. Проблемные вопросы науке и практики. - Оренбург: ОГАУ. 1996. -С.18-20.

<sup>3</sup> Менглиев Ш. Возмещения морального вреда.-Душанбе: ТГНУ, 1999.-36 с.

<sup>4</sup> Англо-саксон ҳуқуқ тизимида маънавий зарар руҳий зарар деб номланади. Садыков Э.А. Возмещение нематериального вреда, причиненного юридическому лицу в результате распространения сведений, порочащих его даловую репутацию // Адвокат.-Москва, 2004.- №9. -С.65.

<sup>5</sup> Эгамбердиева Н.Х. Фуқаролик ҳуқуқий-жавобгарликнинг асослари ва шакллари.-Тошкент: ТДЮИ, 2006.-73 б; Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. II-қисм. -Тошкент: Адолат, 1999. -363 б.

эса зарарнинг бу икки кўриниши бир вақтда намоён бўлади. Масалан, истеъмолчига нуқсонли товар сотилди. Истеъмолчи мазкур товарни сотувчига қайтариб олиб бориш учун муайян миқдорда моддий харажат қилади. Шу билан бирга истеъмолчига маълум даражада маънавий зарар етади. Маънавий зарарнинг кўринишлари бу ерда истеъмолчининг жаҳли чиқиши, рухий изтироби кўринишида намоён бўлади.

Айрим ҳолларда чакана савдо муносабатларидаги ҳуқуқбузарлик фақатгина маънавий зарар етказилиши билан ҳам яқунланиши мумкин. Масалан, сотувчи истеъмолчи билан шартнома тузишдан асоссиз равишда бош тортиши ёки истеъмолчи билан қўпол муомалада бўлиши, унга ўз вақтида товар ҳақида ахборот бермаслиги. Амалдаги қонунчиликка асосан чакана олди-сотди шартномаси оммавий шартнома бўлганлиги учун сотувчи товарни олишни истаган ҳар қандай истеъмолчи билан шартнома тузишга мажбур. Агарда сотувчи истеъмолчи билан шартнома тузишдан асоссиз равишда бош тортса, унга фақатгина зарар етказилиши мумкин. Чунки бундай ҳолатда истеъмолчи ўзига моддий зарар етказилганлигини исботлай олмайди. Худди шундай товарни қиммат баҳога олиш истеъмолчига етказилган моддий зарар деб баҳоланиши мумкин эмас.

Шартномавий зарар шартнома натижасида тарафлар олган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда келиб чиқади. Чакана олди-сотди муносабатлари фуқаролик-ҳуқуқий аҳамият касб этиши учун у шартномавий асосда юзага келиши лозим. Агар чакана савдо муносабатлари давлат органлари билан сотувчи ўртасида “Чакана савдо қоидалари” нормаларига асосан юзага келган бўлса, у маъмурий характер касб этади. Шу сабабли чакана савдо муносабатларининг тарафлари бўлган сотувчи ва сотиб олувчи ўртасидаги шартномавий (яъни чакана олди-сотди шартномасидан) келиб чиқадиган жавобгарликни ўрганиш ва унга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ.

Шартномавий зарарда тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари шартнома тузилган пайтдан бошлаб вужудга келган бўлади. ФКнинг 365-моддаси 2-қисмига асосан, агар қонунга мувофиқ шартнома тузиш учун мол-мулкни топшириш ҳам зарур бўлса, шартнома тегишли мол-мулк топширилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади. Чакана олди-сотди шартномаси бевосита сотиб олувчига товарни топшириш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли шартнома товар топширилган



пайтдан вужудга келади ва шу пайтдан бошлаб шартномавий зарар етказилиш хавфи мавжуд бўлади.

Масалан, тарафлар сотиб олувчи товарни шартномада белгиланган муддатда қабул қилиб олиши шарти билан чакана олди-сотди шартномаси тузган тақдирда, бу муддат мобайнида товар бошқа сотиб олувчига сотиб юбориш натижасида кўрилган зарар, шартномада белгиланган муддатда сотиб олувчининг товарни қабул қилиш учун келмаслиги ёки бошқа зарур ҳаракатларни амалга оширмаслиги натижасида сотувчи кўрган зарар, чакана олди-сотди шартномаси товарни сотиб олувчига етказиб бериш шарти билан тузилган ҳолларда, сотувчи шартномада белгиланган муддатда товарни сотиб олувчи кўрсатган жойга, агар сотиб олувчи товарни етказиб бериш жойини кўрсатмаган бўлса, сотиб олувчи фуқаро истикомат қиладиган ёки юридик шахс жойлашган манзилга етказиб бермаслик натижасида сотиб олувчи кўрган зарар шартномавий зарар ҳисобланади. Чунки, бу зарар тарафлар шартномавий муносабатга киришгандан сўнг, белгиланган мажбуриятларни бажармаслик натижасида келиб чиқмоқда.

Масалан, товар автоматдан фойдаланиб сотиладиган ҳолларда автомат эгаси сотувчининг номи (фирма номи), у жойлашган манзил, иш тартиби, шунингдек, сотиб олувчи товарни олиш учун амалга ошириши зарур бўлган ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотларни автоматга жойлаштирмаганлик ёки бошқача усулда сотиб олувчига тақдим қилиш йўли билан унга товар сотувчи тўғрисидаги ахборотни етказмаслик натижасида кўрилган зарар, сотувчи сотишга таклиф қилинган товар тўғрисида сотиб олувчига зарур ва тўғри ахборотни унинг мазмуни ва уни тақдим этиш усулига нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган ёки одатда чакана савдода қўйиладиган талабларга мувофиқ ҳолда бермаслик натижасида харидорга етказилган зарар ношартномавий зарар ҳисобланади. Бундан ташқари, харидор томонидан товар ҳақида маълумот олинаётган пайтда эҳтиётсизлик натижасида товарга зарар етказилиши ҳам ношартномавий зарар ҳисобланади. Сабаб ҳали сотувчи ва сотиб олувчи ўртасида чакана олди-сотди шартномаси тузилгани йўқ. Бу ерда фақат харидор шартномавий муносабатга киришиш истагини билдирмоқда холос. Истак бу оферта. Оферта эса, бир ёки бир неча муайян шахсга юборилган, етарли даражада аниқ бўлган ва таклифни киритган шахснинг ўзини таклиф йўлланган ва уни қабул қиладиган шахс билан шартнома тузган деб ҳисоблаш ниятини ифода этадиган таклиф ҳисобланади.

Оферта сотувчи томонидан тасдиқланган (акцептланган) тақдирдагина шартнома тузилиши мумкин.

Шартномавий зарарда шартномадан келиб чиқадиган нисбий ҳуқуқлар бузилса, ношартномавий зарарда эса абсолют субъектив ҳуқуқлар бузилади.

Демак, чакана савдо муносабатларида ношартномавий зарар деярли аксарият ҳолларда, шартнома тузишдан олдин, шартномавий зарар эса шартнома тузилгандан сўнг юзага келади.

Шундай қилиб, хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, чакана савдо муносабатларида ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат натижасида юзага келадиган зарар тарафлар шартномавий муносабатга киришмасдан олдин ҳам, шартнома тузилгандан сўнг ҳам етказилиши мумкин. Шартномавий муносабатларга киришишдан олдинги зарар асосан истеъмомолчига маънавий кўринишда, сотувчига моддий ва маънавий кўринишда етказилса, шартнома тузилгандан сўнг, ҳар икки томонга моддий ва маънавий зарар етказилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 985-моддасида ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек, юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан, бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши белгиланган. Демак, унга кўра қарздорнинг ҳуқуққа хилоф ҳаракати билан кредиторга етказилган зарар ўртасида сабабий боғланиш бўлишлиги талаб этилади.

Аксарият ҳолларда ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат билан етказилган зарар ўртасида сабабий боғланишни аниқлаш қийинчилик туғдирмайди. Масалан, чакана олди-сотди шартномаси товарни сотиб олувчига етказиб бериш шарти билан тузилган ҳолларда сотувчи шартномада белгиланган муддатда товарни сотиб олувчи фуқаронинг тузилган қуни муносабати билан у истиқомат қиладиган жойга етказиб бормади. Натижада сотиб олувчи меҳмонлар олдида изза бўлди. Бу ерда шартномада белгиланган муддат ичида товар етказиб борилмаганлиги натижасида, юзага келган ҳуқуққа хилоф ҳаракат билан сотиб олувчининг ўз меҳмонлари олдида уялиб қолиши ўртасида сабабий боғланиш мавжуд.

Айрим ҳолларда ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат билан вужудга келган салбий оқибат ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаш муайян қийинчиликни туғдиради. Масалан, истеъмомолчи “тефал” чойнагини сотиб олаётган пайтда сотувчи уни қандай ишлатиш лозимлигини тушунтирган. Лекин, истеъмомолчининг оила аъзолари мазкур иш-

латиш қоидаларидан беҳабар бўлганликлари туфайли чойнакни ишлатишлари натижасида уларнинг соғлиғига зарар етмоқда. Ёки сотиб олувчи вада килинган LG телевизорини дўстининг тўйига совға сифатида сотиб олишни истаган ҳолда чакана савдо муносабатига киришмоқда. Лекин, сотувчи LG телевизорни ўрнига Samsung телевизорини LG идишига солган ҳолда етказиб бермоқда. Сотиб олувчи товарни текшириб олмасдан LG телевизорни сифатида дўстига совға килмоқда. Совғанинг LG телевизорни эмаслигини билган сотиб олувчининг дўстига маънавий зарар етмоқда. Ёхуд сотиб олувчи сотиб олган товарнинг сифатсизлигини аниқлагандан сўнг, уни сотувчи жойдашган манзилга олиб келаётган пайтда транспорт хизматини кўрсатувчи шахс томонидан унга шикаст етказилмоқда. Бу ҳолатларда айнан кимнинг хатти-ҳаракати етказилган зарарга сабабчи эканлигини аниқлаш муайян қийинчилик туғдиради. Мазкур муаммони бартараф этиш учун ҳуқуқшунос олимлар томонидан сабабий боғланишнинг назарий томонлари тадқиқ этилган ва улар сабабий боғланишни икки турга ажратишган:

- биринчиси бевосита сабабий боғланиш;
- иккинчиси билвосита сабабий боғланиш<sup>1</sup>.

Бундан ташқари тенг аҳамиятли шартлар, зарурий шартлар, ҳақиқийлик ва имконият, зарурий ва тасодифий, мослилик, сабабий боғланиш назариялари илгари сурилган<sup>2</sup>.

Юқоридаги мисоллардан фуқаронинг туғилган куни муносабати билан, у истикомат қиладиган жойга сотувчининг товар етказиб бормаганлиги эвазига сотиб олувчининг меҳмонлар олдида изза бўлиши ҳақидаги мисол бевосита сабабий боғланишга қолганлари билвосита сабабий боғланишга тўғри келади. Демак, шахснинг ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракати фақатгина тўғридан-тўғри зарар билан боғлиқ бўлсагина, бу ҳаракат зарар етказилишига сабабчи бўлган деб ҳисоблаш мумкин.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни белгилашда ҳуқуққа хилоф ҳаракат ва унинг натижасида келиб чиққан сабабий боғланишни аниқлаш жавобгарликни белгилаш учун катта аҳамиятга эга. И.Б.Зокировнинг таъкидлашича, юридик адабиётларда сабабий боғ-

<sup>1</sup> Гражданское право. Ч.1. под.ред. А.П.Сергеева., Ю.К.Толстого. –М.: Проспект, 1999. –570 с.; Гражданское право. Ч.1. под.ред. В.А.Рябенцев. –М.: Юридлит, 1986. –С.521-523.

<sup>2</sup> Новицкий И.Б., Лунц Л.А. Общие учение об обязательствах. -М.: Госюриздат, 1950. -С.307-319; Гражданское право. Ч.1. под.ред. А.П.Сергеева., Ю.К.Толстого. –М.: Проспект, 1999. -С.572-574.; Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Книга первая. Общие положения: Изд. 2-е. –М.: Статут, 1999. –С.712-713.

ланиш тўғрисидаги масалани таҳлил қилишда барча муаллифлар қуйидаги илмий қоидаларга яқдиллик билан асосланадилар:

- табиатда ва жамиятда ҳар бир ҳодиса фақат атрофдаги бошқа ҳодисалар билан боғлиқ ҳолдагина олиб қаралиши мумкин. Ҳар бир ҳодисанинг келиб чиқиши атрофдаги ҳодисалар билан боғлиқ бўлишлиги, бир ҳодисанинг келиб чиқишига, иккинчиси, шу билан бирга бир ҳодисанинг ўзи бошқа бирмунча сабаблар туфайли содир бўлиши мумкин;

- табиат ва жамиятда сабабий боғланиш ҳодисалар ўртасидаги объектив равишда мавжуд бўлган боғлиқликдан иборат. Бундай боғланишлар кишилар томонидан ўрганилиб, амалиётда текширилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қоидаларга асосланиб, суд сабабий боғланиш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда мазкур натижанинг, яъни кредитор зарарлари содир бўлишида қарздорнинг ҳуқуққа хилоф ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги туфайли бўлган бошқа ҳолатлар ўртасида қандай роль ўйнаганлигини эътиборга олиши, ўзининг мулоҳазасида-мазкур ҳодисага субъектив равишда қилинган баҳосидан эмас, балки объектив равишда мавжуд бўлган қонуниятларга амал қилиши, ҳар бир конкрет ишни ҳал қилишда барча муҳим ҳолатларни ажратиб олиши лозим<sup>1</sup>. Ҳ.Раҳмонқулов сабабий боғланиш табиат ва жамиятдаги ҳодисалар ўзаро алоқасининг жиҳатларидан биридир. Бироқ у шахснинг хатти-ҳаракатига ва бу хатти-ҳаракат оқибатида юзага келган натижага тегишли ижтимоий баҳо берилгандагина, яъни бундай алоқа табиий тусга эга бўлиши билан бир қаторда ижтимоий тусга эга бўлгандагина юридик аҳамиятга эга бўлишлигини таъкидлайди<sup>2</sup>. Юқоридаги фикрга қўшилган ҳолда, ҳуқуқбузарликнинг сабаби билан унинг натижасида юзага келган зарарли оқибат ўзаро узвий алоқадордир. Оқибат ҳамма вақт сабабдан кейин вужудга келади. Зеро, ҳеч бир сабабсиз оқибат келиб чиқиши мумкин эмас. Сабаб агар ҳуқуқбузарнинг онгли ҳаракати билан боғлиқ бўлсагина оқибат учун у жавобгар бўлади. Масалан, чакана савдо муносабатларида муомалага лаёқатли шахслар чакана олди-сотди шартномаси тузиб олган мажбуриятлари учун масъулдирлар. Ўз ҳаракатини тушуна олмайдиган руҳий хаста, ақли заиф, вояга етмаган ёки муомала лаёқати чекланган шахслар муносабатда истеъмолчи сифатида иштирок этсалар, гарчи сабаб ва оқибат юз берса-да, улар жавобгарлик субъектига айланмайдилар, қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолатлар бундан

<sup>1</sup> Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. –Тошкент: Адолат, 1996. –249 б.

<sup>2</sup> Раҳмонқулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи. –Тошкент: ТДЮИ, 2005. –185 б.

мустанно. Сабабий боғланиш етказилган зарарнинг қоплаш тўғрисидаги қонун талабларидан келиб чиқади.

Умуман олганда, сабабий боғланиш шартлари: ҳаракатлар вақти зарар келиб чиқиш вақтига мос келганда (яъни, агар сотувчи етказган зарар товар сотилишидан олдин хали Чакана савдо муносабатларига киришмасдан юзага келган бўлса, бу ҳолда ҳуқуққа хилоф ҳаракат ва мавжуд зарар ўртасида сабабий боғланиш мавжуд эмас деб топилади, чунки реал муддатларнинг бир-бирига тўғри келмаслиги бу ҳулосага келишга асос бўлади), хавфли ҳаракат (таъсир)ни кучайтириш билан зарарли оқибат кучайганда (бу ҳолат ҳар икки тушунчанинг параллел равишда мавжуд бўлишини белгилаб беради, масалан, сотувчи қанча ҳуқуққа хилоф равишда савдо қоидаларини бузаверса, яъни сифатсиз товарларни реализация қилаверса, уни сотиб олган истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари шунча бузилаверади, Уларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулки зарар кўраверади), зарарнинг келиб чиқиш жойи (доираси) ҳаракат (таъсир) қилиш соҳаси билан мос келганда (бу ҳуқуққа хилоф ҳаракат ва оқибат бир маконда ҳамда бир замонда мавжуд бўлиши лозим деган ҳулосани келтириб чиқаради), бундай ҳаракат (таъсир) қилишнинг биологик механизми аниқлангандагина сабабий боғланиш мавжуд деган асос юзага келади.

О.Оқюлов шартномали мажбуриятлар учун жавобгарликни белгилашда ҳам деликт мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарликни белгилашда ҳам етказилган зарар ва ҳуқуқбузар хатги-ҳаракатлари ўртасидаги сабабий боғланишни фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка тортишнинг зарурий белгиси деб ҳисобламайди<sup>1</sup>. Назаримизда, мазкур фикр баҳсли кўриниш касб этади. Чунки, агар сабабий боғланиш бўлмаса жавобгарлик ҳам келиб чиқмас экан, сабабий боғланиш ўзидан фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка тортишнинг зарурий белгиси сифатида майдонга чиқади.

Чакана савдо муносабатларида муносабат иштирокчиларининг ҳуқуққа хилоф ҳаракатлари ва унинг оқибати – зарар ўртасидаги сабабий боғланиш чакана савдо муносабатларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка тортишнинг асосий шarti ҳисобланади ва у қонун талаблари асосида келиб чиқади, деган ҳулосага келиш мумкин.

<sup>1</sup> Схислов О. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш асослари // Қонун ҳимоясида. Тошкент, 1999. - №9. - Б.18-19.

## 2.4. Айб – чакана олди-сотди шартномасини бузганлик учун фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик шарти сифатида

Фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик икки: жабрланувчининг мулкый манфаатларини кондириш ҳамда келажакда юз бериши мумкин бўлган хуқуқбузарликнинг олдини олиш каби функцияларни бажаради. Бу фуқаролик-хуқуқий жавобгарликнинг ижобий хусусияти ҳисобланади. Фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик туфайли фуқаролик-хуқуқий муносабат субъектлари - муомала иштирокчилари жавобгарликка тортилишларини олдини олиш учун амалдаги қонунчиликни ҳамда бошқа фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган хуқуқий манфаатларини бузмасликка ҳаракат қилишади. Бироқ жавобгарликка тортиш билан доимий равишда “қўрқитиш” фуқаролик муомаласи иштирокчиларини ташаббускорлигини сусайтириб юбориши мумкин. Айнан бу ҳолатнинг олдини олиш учун қонунчиликда шундай шарт-шароитлар яратилиш керакки, унга кўра, улар олдиндан кўра билмаган оқибатлар учун жавобгарликка тортилмасликлари лозим.

Шунинг учун, ФКнинг 333-моддасида қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб бериши, қарздор мажбуриятни лозим даражада бажариш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўрганлигини исботласа, у айбсиз деб топилиши белгиланган. Демак, хуқуқбузарлик хуқуқбузарнинг айби орқали содир этилгандагина жавобгарликни келтириб чиқаради. Умуман олганда айб хуқуқбузарнинг ўзи содир этган хуқуққа хилоф ҳаракат ва унинг натижасида келиб чиқадиган зарарга нисбатан руҳий муносабатидир. Бу салбий муносабат қонун ҳужжатлари орқали “сикувга” олинадиган ва қораланади. Чунки, айбдор ўз ҳаракати орқали нафақат жабрланувчига, балки жамият ва давлат манфаатига ҳам путур етказди. Масалан, муайян ҳудудда жойлашган савдо растасидаги маълум бир миқдордаги товарнинг сифатсиз, яроқсиз ҳолда истеъмолга чиқариб юборилиши натижасида нафақат товарни истеъмол қилган харидор ёки унинг оила аъзолари зарар кўради, балки уларнинг соғлиғи ёмонлашиши натижасида тиклаш учун кетган вақт жамиятни ривожланишга ҳам ўзининг маълум бир таъсирини ўтказмай қолмайди.

Хуқуқбузарлик асоси бўлган айб тушунчаси нафақат жиноят хуқуқий, балки фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик атамаларида бири ҳам ҳисобланади. Жиноят хуқуқидаги айбдан фарқли равишда фуқа-

ролик ҳуқуқидаги айб тушунчаси ўзига хос хусусиятларга эга. Масалан, “юридик шахсларнинг айби, икки томонлама айб, ўзганинг айби учун жавобгарлик, айбсиз жавобгарлик” каби тушунчалар жиноят ҳуқуқидаги айбда ўз ифодасини топмаган<sup>1</sup>. Х.Раҳмонкулов бу икки жавобгарлик турида айбнинг бир-биридан фарқи хусусида фикр юритар экан, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликдаги айб ҳуқуқбузарлик билан боғлиқлиги, ҳуқуқбузарнинг айби учун жавобгарлик тамойили (жиноят ҳуқуқида айбсизлик тамойили), айбнинг жавобгарлик чораси эмас, шарти эканлиги, шахс айбдор бўлганда таъсир унинг ўзига эмас мулкига нисбатан йўналтирилиши, жавобгарлик субъектларида фарқ мавжудлигини алоҳида таъкидлаб ўтади<sup>2</sup>.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликда айб масаласи кўпгина цивилист олимлар томонидан ўрганилган ва у тўғрида турлича фикр-мулоҳазалар билдирилган.

И.Б.Зокировнинг фикрича, шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларга нисбатан айб деб шахснинг мажбуриятни бажаришга талаб қилинган тарзда муносабатда бўлмаганлиги, қонун ва ахлоқ талабларига мувофиқ риоя қилмаганлиги ва натижада мажбуриятнинг бутунлай бажарилмаслиги ва лозим даражада бажарилмаслиги тушунилади<sup>3</sup>. Мазкур фикрга қисман қўшилган ҳолда айб нафақат қонун ва ахлоқ талабларига риоя қилмаслик ва натижада мажбуриятнинг бутунлай (қисман) бажарилмаслиги, балки ҳуқуқбузарнинг ўз хатти-ҳаракатининг оқибатини ўйламаслиги ҳамдир. Ваҳоланки, хатти-ҳаракатнинг оқибатларини олдиндан кўра билиш ҳам, ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш имкониятини англай олиш ҳам шахснинг айби доирасини ташкил этади.

Айрим муаллифларнинг фикрича, эса ҳуқуқшунослик фанида айб ҳуқуқбузарнинг ўз қилмишига ва унинг оқибатларига руҳий муносабати – ўз эрки билан, онгли равишда ўзини идора қила олиши, оқибатларини кўра билиши ва уларнинг юз беришини хоҳлаш-хоҳламаслигида намоён бўлади. Фуқаролик-ҳуқуқий шартномавий муносабатлар одатдаги нормал муносабатлар бўлганлиги сабабли, айбнинг намоён бўлиш хусусиятига эга<sup>4</sup>.

А.А.Пионтковскийнинг фикрича, айб-бу “шахснинг қасд ёки эҳтиётсизлик орқасидан содир этган қилмиши бўлиб, у мавжуд қонун-

<sup>1</sup> Матвеев Г.К. Основание гражданско-правовой ответственности. –М.: Юрилит, 1970. –183 с.

<sup>2</sup> Батафсил қаранг: Раҳмонкулов Х. Мажбурият ҳуқуқи. (умумий қондалар) –Тошкент: ТДЮИ, 2005. -Б.194-199.

<sup>3</sup> Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. –Тошкент: Адолат, 1996. –251 б.

<sup>4</sup> Оқюлов О. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш асослари. //Қонун химоясида. -Тошкент, 1999. -№9. -Б.17.

лар ва ҳуқуқий тартиботга қарши қаратилган бўлади ҳамда айнан шу қонунлар ва ахлоқ нормалари билан жазоланади”.

Г.К.Матвеевнинг фикрича, фуқаролик ҳуқуқида айб ҳуқуқбузарнинг қасд ёки эҳтиётсизликдан содир этган ҳуқуққа хилоф ҳаракатларига ва улар келтириб чиқарган салбий оқибатларига бўлган руҳий муносабатидир<sup>1</sup>. Худди шу каби таъриф Ҳ.Раҳмонкулов томонидан ҳам берилади<sup>2</sup>.

М.М.Агарков эса айбни руҳий ҳолат билан боғламасликка ҳаракат қилади ва у айбни унинг шакллари бўлмиш қасд ва эҳтиётсизлик билан боғлашга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, айб шахсни ҳуқуққа хилоф ҳаракат қилишига сабабчи бўлган қасд ва эҳтиётсизликдир, - деган хулосага келади<sup>3</sup>.

Л.А.Лунцнинг фикрича айб ҳуқуққа хилоф ҳаракат орқали бошқаларга зарар етказган шахснинг қасди ва эҳтиётсизлигидир. У ҳам айб тушунчасига таъриф беришда руҳий ҳолат тушунчасини ишлатмасликка ҳаракат қилади. Бироқ у айб тушунчасининг моҳиятини очиб беришда “айб шахснинг ҳуқуққа хилоф ҳулқ-атворига бўлган муайян даражадаги муносабати” эканлигини таъкидлайди<sup>4</sup>.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, айб тушунчаси фуқаролик ҳуқуқ назариясида баҳсли кўриниш қасб этмокда. Айрим муаллифлар уни руҳий ҳолат сифатида баҳоласалар, айрим муаллифлар уни шаклларида келиб чиқиб таъриф беришга ҳаракат қиладилар. Фикримизча, айб бу ҳуқуққа хилоф ҳаракат қилган шахснинг ўз хатти-ҳаракатларига ва унинг салбий оқибатларига бўлган руҳий муносабатидир. Мазкур руҳий муносабат эса айбнинг шакллари бўлмиш қасд ва эҳтиётсизлик орқали намоён бўлади.

Юридик жавобгарликнинг бошқа турларидан фарқли равишда айбнинг мавжуд бўлиши ҳар доим ҳам фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг зарурий элементи ҳисобланмайди. Бироқ бу қондани шартнома муносабатларида қўллаш жуда мушкул бўлади.

Фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятларни бутунлай бажармасликда ёки лозим даражада бажармасликда ва шу билан ҳуқуқ нормаларини бузишда айбдор бўлган фуқаролар ва юридик шахсларга мулкӣ жавобгарлик юклаш йўли билан тарбиявий вазифани амалга оширади.

<sup>1</sup> Матвеев Г.К. Основание гражданско-правовой ответственности. -М.: Юрилит, 1970. -185 с.

<sup>2</sup> Шахснинг ўзи қасдан ёки эҳтиётсизлик туфайли содир этган гайриқонуний ҳагги-ҳаракатига руҳий муносабати айб ҳисобланади./Раҳмонкулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи. (Умумий қондалар). -Тошкент: ТДЮИ, 2005. -190б.

<sup>3</sup> Агарков М.М. Обязательство по гражданскому праву.-146 с.; Матвеев Г.К. Основания гражданско-правовой ответственности. - М.: Юрилит, 1970. -187 с.

<sup>4</sup>Матвеев Г.К. Основания гражданско-правовой ответственности. -М.: Юрилит. 1970. -187 с.



Фуқаролик ҳукукида айб тушунчаси кўп ишлатилса-да, бироқ жиноят ҳукукидан фарқли равишда фуқаролик қонунчилигида айб ва унинг шаклларига таъриф берилмайди. Фақатгина айбнинг қасд ёки эҳтиётсизлик (бепарволик) шаклида ифодаланишига писанда қилинади. Аксарият ҳолларда фуқаролик-ҳукукий жавобгарликдаги айбнинг турлари ўртасидаги фарқни ажратиб олиш жуда мушкул. Масалан, сотувчи истеъмолчига товар чекини бермади ёки беришни унутиб қўйди. Айнан унутиш ва қасддан бермасликни аниқлаш жиноят ҳукукидаги эҳтиётсизлик ва қасд ўртасидаги чегарани белгилашдаги мезон каби аниқ эмас.

Чакана олди-сотди шартномасида ҳам тарафларнинг ҳуқуққа хилоф ҳаракати қасд ёки эҳтиётсизлик кўринишида ифодаланади.

Шахснинг хатти-ҳаракати онгли равишда ҳуқуқбузарликка йўналтирилган бўлса, ҳуқуққа хилоф ҳаракат қасддан содир этилган ҳисобланади. Жиноят ҳукукидан фарқли равишда фуқаролик ҳукукида қасддан айбли ҳаракат содир этиш нисбатан кам учрайди. Зеро бозор муносабатлари шароитида қасддан ҳуқуққа хилоф ҳаракатни содир этиш ўз контрагентларини, миждозларини, шерикларини, ҳамкорларини йўқотиб қўйишга олиб келиши ва натижада шахс банкротликка учраши эҳтимоли юқори. Бироқ шунга қарамадан қасддан айбли ҳаракат содир этиш ҳоллари учраб туради. Масалан, айрим ҳолларда, чакана савдо корхонаси сотувчиси муайян шахсга товар сотишдан бош тортиши қасддан содир этилаётган ҳуқуққа хилоф ҳаракат ҳисобланади. Зеро, ФКнинг 425-моддасига асосан чакана олди-сотди шартномаси оммавий шартнома ҳисобланади. Оммавий шартнома эса мурожаат қилган ҳар қандай шахсга нисбатан амалга оширилишини талаб этади, бир шахснинг иккинчисидан афзал кўрилиши мумкин эмас (ФКнинг 358-моддаси).

Шунингдек, алкоголь маҳсулотларини мактабгача болалар муассасалари, диний муассасалардан, ўқув юртларидан 300 метрдан кам масофада жойлашган кўчма ва турғун савдо объектларида, аэропортларга, темир йўл вокзалларига ва автостанцияларга ёндош ҳудудларда, жамоат транспорти тўхташ жойларида, шу жумладан, метрополитен бекатлари ёнида, жамоат жойларида ва дам олиш жойларида жойлашган кўчма ва турғун чакана савдо объектларида сотилиши ҳам қасддан содир этилади. “Чакана савдо қоидалари”нинг 60-бандига асосан бундай масофада алкоголь маҳсулотларини сотилиши тақиқланади. Мазкур хатти-ҳаракатлар ҳеч қачон эҳтиётсизлик орқасидан содир этилиши мумкин эмас. Мазкур норма ҳозирги кунда умуман иш-

ламайдиган “Ўлик” норма ҳисобланади. Чунки айти кунларда Тошкент шаҳар марказида жойлашган Тошкент давлат юридик институти биносига туташ “Уголок” кафеси ёки Матбуотчилар кўчасида жойлашган савдо ва умумий овқатланиш шохобчаларида алкоголь маҳсулотлари сотилмоқда. Бундай ҳолатларни республиканинг турли бурчакларида кузатиш мумкин.

Фуқаролик-ҳуқуқий муомалада қасддан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ёки уларга йўл қўймаслик учун Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 333-моддасига мажбуриятни қасддан бузганлик учун жавобгарликни бартараф қилиш ёки чеклаш тўғрисидаги аввалдан келишилган битим у тузилган пайтдан бошлаб ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги норма киритилган.

Фуқаролик ҳуқуқбузарлик асосан эҳтиётсизлик орқали содир этилади. Бунда шахснинг хатти-ҳаракатларида салбий оқибатларни келтириб чиқариш истаги бўлмайди. Жиноят ва маъмурий ҳуқуқда эҳтиётсизлик ўз-ўзига ишониш ва бепарволик кўринишида намоён бўлса, фуқаролик ҳуқуқида у оддий ва кўпол эҳтиётсизлик кўринишида намоён бўлади<sup>1</sup>.

Лекин адабиётларда эҳтиётсизликнинг бу икки тури ўртасидаги аниқ чегарани белгилаб бериш кузатилмайди. Фикримизча, оддий ва кўпол эҳтиётсизлик ўртасидаги фарқ суд процессида ишнинг ҳолатларига қараб аниқланади. Оддий ва кўпол эҳтиётсизликни ажратувчи асосий мезон эҳтиёткорлик ва диққатлилиқнинг даражаларидаги фарқ билан белгиланади.

Масалан, “Чакана савдо қондалари”нинг 82-бандига асосан музлатилган мева ва сабзавотлар ҳарорати -8 - 100 С даражадан ошмайдиган паст ҳароратли камераларда ва пештахталарда сақланиши лозим. Сотувчининг камералардаги белгиланган ҳароратни назорат қилмаслиги оддий эҳтиётсизлик бўлса, камеранинг ишдан чиққанлигига эътибор бермаслиги кўпол эҳтиётсизлик ҳисобланади.

Чакана олди-сотди шартномасида айб мавжуд бўлганлиги билан фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик юзага келмаслиги мумкин. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик юзага келиши учун албатта, зарар мавжуд бўлиши керак. Аксарият ҳолларда истеъмолчи зарар кўрган тақдирдагина, даъво билан мурожаат қилиши мумкин. Агар у зарар кўрмаса гарчи сотувчининг хатти-ҳаракати ҳуқуққа хилоф бўлса ҳам, айби мавжуд бўлса ҳам даъво билан мурожаат эта олмайди. Масалан, сотувчи харидорга товар ҳақида маълумот бермади. Бу ФКнинг 427-

<sup>1</sup>Гражданское право. Ч.1. под.ред. А.П.Сергеева., Ю.К.Толстого. –М.: Проспект, 1999. -С.576-577.

моддаси талабларини бузилиши ҳисобланади, бироқ истеъмомчи товардан фойдаланишни билганлиги туфайли унга зарар етмади. Бу ҳолда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик келиб чиқмайди. Лекин “Чакана савдо қоидалари”га риоя этмасликни назорат қилувчи органлар томонидан аниқланган мазкур ҳуқуқбузарлик учун сотувчи маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Чакана олди-сотди шартномаси ва чакана савдо қоидаларини бузганлик учун маъмурий ва жиноий ҳуқуқбузарликнинг келиб чиқиши масаласи тадқиқот предметига кирмаслиги сабабли у хусусда алоҳида тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ эмас деб топдик. Айнан мазкур жавобгарликлар истеъмомчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилганлигини алоҳида эътироф этиш лозим.

Чакана олди-сотди шартномасида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни келтириб чиқарадиган айбнинг аралаш ва биргаликдаги кўринишлари ҳам учраб туради.

Аралаш айб қуйидаги хусусиятларга эга:

- зарар нафақат қарздорнинг айбли хулқ-атвори туфайли, балки кредиторнинг айби билан ҳам вужудга келади;
- зарар фақатгина мажбуриятда иштирок этувчи тарафларнинг биттасига яъни кредиторга етказилади;
- етказилган зарар яхлит кўринишда бўлиб, унинг қайси қисми қарздорнинг хатти-ҳаракатлари ва қайси бири кредиторнинг хатти-ҳаракатлари билан келиб чиққанлигини аниқлаш мумкин бўлмайди<sup>1</sup>.

Масалан, чакана олди-сотди шартномасининг товарни сотиб олувчига етказиб бериш шарти билан сотиш деган тури асосида муносабат юзага келган бўлса (ФКнинг 431-моддаси), сотувчининг белгиланган муддатда товарни етказиб бермаганлиги ва товар олиб борилганда истеъмомчининг белгиланган жойда мавжуд эмаслиги аралаш айбни келтириб чиқаради. Бундай вақтда ҳар иккала тарафнинг ҳам айби мавжуд бўлади. Сотувчининг айби товарни кечиктириб олиб борганлиги, харидорнинг айби эса белгиланган вақтда ва товар олиб борилганда, белгиланган жойда мавжуд эмаслиги, натижада товарни топшириш имконининг йўқлиги билан белгиланади. Бундай вақтда қайси тарафнинг айби қай даражада эканлигини аниқлаш имкони бўлмайди. Шунинг учун кредиторга етказилган зарар қарздордан камайтирилган миқдорда ундирилади.

Бундан ташқари, биргаликдаги айб тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, унинг хусусиятлари қуйидагиларда кўринади:

<sup>1</sup> Гражданское право. Ч.1. под.ред. А.П.Сергеева., Ю.К.Толстого. –М.: Проспект. 1999. -577 с.

- зарар мажбуриятнинг бир тарафи-кредиторнинг мулккий манфаатларига путур етказди;

- зарар икки ёки ундан ортиқ шахснинг ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлари натижасида вужудга келади;

- зарар яхлит бўлганлиги учун унинг қайси бир қисми ким томонидан етказилганлигини аниқлаш имкони бўлмайди;

- зарар биргаликда етказилганлиги учун жавобгар тарафлар кредитор олдида солидар жавобгар бўладилар<sup>1</sup>.

Бу каби айбнинг кўриниши воситачилик савдосида кўп учрайди. Масалан, А. исмли истеъмолчи сотувчига торт буюртма берди. Ўз ўрнида сотувчи ишлаб чиқарувчига белгиланган муддатда етказиб бериш учун буюртма берди. Белгиланган муддатда товар сотувчига етказиб берилмади, шунингдек, истеъмолчи томонидан ҳам белгиланган муддатда товар талаб қилиб олинмади. Бундай ҳолатда сотувчи ҳар икки истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчининг ҳаракатларидан зарар кўради. Бу мисолда айнан бир тарафга айбни қўйиш имкони йўқ. Зеро, истеъмолчи ўз вақтида келганида ҳам товар ҳали мавжуд бўлмайди ва акси товар тайёр бўлгани билан истеъмолчи уни олиб кетишга келмайди.

Бу мисолда ўз-ўзидан зарар икки шахснинг ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлари натижасида вужудга келмоқда ва унинг яхлитлиги учун қайси тараф етказилганлигини аниқлаш имкони йўқ. Бундан келиб чиқиб сотувчига етказилган зарар ҳар икки тарафнинг айби даражасидан келиб чиқиб пропорционал тарзда ундирилади.

Чакана олди-сотди муносабатларида айб тушунчасини тадқиқ қилишда иштирок этувчиларнинг ҳар бирига тўхталган ҳолда ўрганиш масалани янада ошкор бўлишига сабаб бўлади.

**Сотувчининг айби.** Чакана олди-сотди муносабатларида сотувчи сифатида тадбиркорлик субъектлари иштирок этиши назарда тутилган. Тадбиркорлик фаолияти нафақат жисмоний шахслар томонидан, балки юридик шахслар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Сотувчининг айби масаласи ўрганилганда, асосий муаммо юридик шахс-сотувчининг айбининг моҳиятини очиб беришда намоён бўлади. Зеро, айб ҳаракат ва унинг натижасига руҳий муносабат экан, юридик шахс мавҳум тушунча бўлганлиги сабабли, унга нисбатан “руҳий” тушунчасини қўллаш мантиқсиз ҳисобланади.

<sup>1</sup> Гражданское право. Ч. I. под ред. А. П. Сергеева, Ю. К. Толстого. – М.: Проспект, 1999. – 578 с.

С.Н.Братус эса юридик шахслар ҳуқуқ субъектлиги фақатгина унинг мулкый жавобгарлиги натижасида вужудга келишини таъкидлайди.

Юридик шахсларнинг айби масаласи баҳслидир. Г.К.Матвеевнинг фикрича, юридик шахснинг органи (мансабдор шахси назарда тутилмоқда - муаллиф) унинг номидан муайян ҳаракатни амалга оширади, бунда у юридик шахс эрки-иродасини тўғридан-тўғри эмас, ижодкорона ёндашув асосида, ҳамда бир вақтнинг ўзида ўзининг эрки-иродасига таяниб ифода этади<sup>1</sup>.

Баъзи олимларнинг фикрларига кўра, раҳбарнинг эрки-иродаси бу жамоа ва юридик шахснинг эрки-иродасидир. Шу билан бирга юридик шахснинг раҳбари унинг номидан ҳеч қандай ишончномасиз ҳаракат қилади. Чунки, юридик шахс ходимлари ёки юридик шахс мулкдори, раҳбарга юридик шахсни бошқариш ҳуқуқини беради<sup>2</sup>.

Мазкур фикрларни инобатга олган ҳолда, чакана савдо корхонасининг номидан унинг раҳбари ёки ходими ҳаракат қилади. Демак, юридик шахснинг хоҳиш-иродаси улар орқали намоён бўлади. Юридик шахс мавҳум тушунча бўлганлиги сабабли, гарчи айбдор жисмоний шахс – раҳбар, мулкдор, ходим бўлса-да, юридик шахснинг айби сифатида эътироф этилади. Чунки, раҳбар ёки ходимни юридик шахс ишга қабул қилган ҳамда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш юзасидан унга тегишли ваколатлар берган. Лекин, юридик шахснинг айби бу алоҳида ходимнинг айби сифатида баҳоланмайди, балки бу юридик шахс жамоасининг айби деб топилади.

Маълумки, юридик шахс ўзи мустақил ноқонуний хатти-ҳаракат содир эта олмайди. Аммо жавобгарликни келтириб чиқарувчи омил, унинг муассислари, иштирокчилари, ходимлари, бошқарувчилари ва бошқа вакиллари томонидан юридик шахснинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатини амалга ошириши натижасида юзага келишини эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Тўғри, юридик шахс номидан унинг ходимлари ҳаракат қилса-да, бироқ улар томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик корхонанинг ўзига юкланади. Лекин, қонун ҳужжатларида юридик шахсларни жавобгарлиги унинг ходимларига юкланиш ҳоллари ҳам учрайди.

<sup>1</sup> Матвеев Г.К. Вина в советском гражданском праве. – Киев: Наука, 1955. -219 с.

<sup>2</sup> Братусь С.Н. Субъекты гражданского права. –М.: Госюриздат, 1950. -108 с.

Бунда жавобгарликнинг вужудга келишига сабабчи бўлган омил эътиборга олинади.<sup>1</sup>

С.Н.Братуснинг фикрича, юридик шахс вакили фуқаролик муомаласида юридик шахс номидан ва ҳисобидан ҳамда юридик шахс манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилади лекин, у мустақил ҳуқуқ субъекти ҳисобланмайди<sup>2</sup>.

Н.Эгамбердиева юридик шахсларнинг жавобгарлигига нисбатан “жамоавий жавобгарлик” атамасини ишлатишни таклиф этади<sup>3</sup>. Мазкур фикрга қўшилган ҳолда, юридик шахсга нисбатан айб масаласи қўлланилаётганда “жамоавий айб” атамасини ишлатиш мақсадга мувофиқ. Тўғри, айрим ҳолларда кишилар гуруҳи ҳам жамоа бўлиб айбли ҳаракат содир этиши мумкин. Масалан, қарз олган икки киши биргаликда қарзни ўз вақтида қайтармаганда жамоавий – биргаликдаги айб юзага келади. Лекин, уларнинг жамоаси алоҳида субъект эмас ва айб уларнинг ҳар бири томонидан алоҳида-алоҳида содир этилган деб топилади. Юридик шахс эса алоҳида ҳуқуқ субъекти бўлганлиги учун айб мазкур ҳуқуқ субъекти томонидан содир этилди деб баҳоланади.

ФКнинг 989-моддасига кўра, юридик шахс ёхуд фуқаро ўз ходими меҳнат (хизмат, лавозим) мажбуриятларини бажариб турган вақтида етказган зарарни қоплайди. Мазкур нормадан келиб чиқадиган бўлсақ, ходимнинг зарар етказишдаги айби бир пайтнинг ўзида юридик шахснинг айби деб баҳоланади.

Одатда аксарият чакана олди-сотди билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларида сотувчининг мажбурияти ва жавобгарлиги масалалари кўпроқ эътиборга олинган, шу сабаб илмий адабиётларда сотувчининг айби чуқур тадқиқ этилган. Лекин, истеъмолчининг айби масаласи эътибордан четда қолган. Амалдаги қонун ҳужжатларини кўриб чиқадиган бўлсақ, истеъмолчи ҳам айбли ҳаракат содир этиши мумкин. Масалан, насиёга товар сотиб олганда, ўз вақтида пулини тўламаслик, автоматдан фойдаланилган ҳолда, товар сотилганда, ундан фойдаланиш қоидаларини бузиш, сотиб олинган товарни ўз вақтида олиб кетмаслик ва бошқалар.

<sup>1</sup> Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахсларнинг шартномавий мажбуриятлар юзасидан жавобгарлигини ошириш тўғрисида”ги фармони. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, хўжалик шартномаларни ўз вақтида лозим даражада бажармаганлиги учун хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари ҳам фуқаролик, маъмурий, жиний жавобгарликка тортилди.

<sup>2</sup> Братус С.Н. Субъекты гражданского права. –М.: Госюриздат, 1950. –205 с.

<sup>3</sup> Эгамбердиева Н. Фуқаролик-ҳуқуқий-жавобгарликнинг асослари ва шакллари. Юрид. фан. номз. дис... Автореф. –Тошкент: 2006. –14 б.

Истеъмолчининг ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлари қонунчиликда етарли даражада ифодаланмаганлиги, чакана олди-сотди муносабатларида уларга кенг ҳуқуқлар берилганлиги ҳамда ҳуқуқшунос олимлар томонидан истеъмолчиларнинг “оғир” тараф сифатида баҳолашлари сўнги пайтларда улар томонидан ўзларининг ҳуқуқларини суиистеъмоллик қилишларига олиб келмоқда. Айнан мазкур суиистеъмолликлар натижасида, амалиётда “виждонсиз истеъмолчи”, “тажовузкор истеъмолчи” деган тушунчаларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Масалан, “Солиқ ва божхона хабарлари” газетасининг ёзишича, жикка ҳўл мушугини қуритиш учун... микротўлқинли печга тикқан америкалик бир аёл йўриқномага бундай қилиб бўлмаслигини ёзмаганлиги учун шу печни ишлаб чиқарган компаниядан нақд бир миллион доллар ундиришга муваффақ бўлди.

Шу-шу АҚШдаги кўпгина ишлаб чиқарувчилар ўз товарларига ҳар хил огоҳлантиришларни тикиштириб, ўзларини бундай даъволардан холи этишга ҳаракат қилмоқдалар<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунини 18-моддасига асосан, истеъмолчи мақбул сифатли, ноозик-овқат товарларини харид қилган кундан эътиборан 10 кун ичида ушбу товар сотиб олинган жойдаги сотувчидан уни айнан шундай товарга алмаштириб олишга, бундай товар сотувда бўлмаса, пулини қайтариб олишга ҳақли.

Чакана савдо қоидаларининг 27-бандига кўра, харидор ноозик-овқат товар унга берилган пайтдан бошлаб 10 кун мобайнида, агар бундан узокроқ муддат сотувчи томонидан эълон қилинмаган бўлса, сотиб олинган товарни айнан шундай ўлчам, шакл, габарит, фасон, рангдаги ёки комплектациядаги бошқа товарга харид қилинган жойда ва сотувчи томонидан эълон қилинган бошқа жойларда нархида тафовут бўлган тақдирда сотувчи билан зарур ҳисоб-китоб қилган ҳолда алмаштиришга ҳақлидир.

Алмаштириш учун сотувчида зарур товар бўлмаган тақдирда, харидор сотиб олинган товарни сотувчига қайтаришга ва унинг учун тўланган суммани қайтариб олишга ҳақлидир.

Ўзига зарур сифатга эга бўлмаган товар сотилган харидор, агар нуксонлар сотувчи томонидан айтилмаган бўлса, ўзининг танлашига кўра сотувчидан (озик-овқат товарларига нисбатан харидор томонидан харид қилингандан кейин 24 соат мобайнида бундай ҳуқуққа эга бўлади):

<sup>1</sup> //Солиқ ва божхона хабарлари. 2008 йил 14 март.

• айнан шундай марказдаги (модел, артикулдаги) товарга алмаштиришни;

• харид нархини тегишли равишда қайта ҳисоб-китоб қилган ҳолда бошқа марка (модел, артикул)даги айнан шундай товарга алмаштиришни;

- харид нархи мутаносиб равишда камайтирилишини;
- товарнинг нуқсонлари дарҳол бепул бартараф этилишини;
- товарнинг нуқсонларини бартараф этиш харажатлари қопланишини талаб этишга ҳақлидир.

Бунда харидор зарур сифатга эга бўлмаган товар сотилганлиги оқибатида ўзига етказилган зарар тўлиқ қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

Техник жиҳатдан мураккаб ёки қимматбаҳо товарнинг сифатига кўйиладиган талаблар жиддий равишда бузилган тақдирда (бартараф этилмайдиган нуқсонлар, мутаносиб харажатларсиз ёки вақт сарфисиз бартараф этиб бўлмайдиган нуқсонлар аниқланиши, нуқсонлар қайта-қайта аниқланса ёхуд бартараф этилгандан кейин қайта намоён бўлса ҳамда шунга ўхшаш бошқа нуқсонлар) харидор унинг алмаштирилишини талаб қилишга ҳақлидир.

Зарур сифатга эга бўлмаган товарни алмаштириш ёки қайтаришда, харидор ўзи сотиб олган зарур сифатга эга бўлмаган товарни сотувчининг ҳисобидан қайтариши керак.

Товар учун тўланган пул суммасини харидорга қайтаришда сотувчи товардан тўлиқ ёки қисман фойдаланилганлиги, унинг товар кўриниши йўқолганлиги ёки бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар туфайли товарнинг қиймати пасайган суммани харидордан ушлаб қолишга ҳақли эмас.

Айнан мазкур тоифадаги ҳуқуқ нормалари истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари нуқтаи назардан ёндашилган. Лекин бу норма кўп ҳолларда сотувчининг зарарига ишлаши аниқ.

Масалан, А.исмли харидор савдо дўконига кириб, тўйга кийим сотиб олди. Тўй ўтгандан сўнг кийим унга ёқмаганлигини билдириб, қонунда белгиланган муддат ичида кийимни алмаштириш ёки пулини беришни талаб қилди. Ёки радиотехника савдо мажмуасига кириб, харидор магнитофон сотиб олди-да, уни 9 кун ишлатиб, қонунда белгиланган сўнги муддатда “ёқмаганлигини” баҳона қилиб қайтариб олиб келиб берди.

Юқоридаги ҳар икки ҳолатда “виждонсиз истеъмолчи” томонидан сотувчи ёки бўлмаса у қайтариб берган товарни сотиб оладиган



иккинчи “инсофли истеъмолчи”нинг ҳуқуқлари бузилишига олиб келмоқда. Чунки, иккинчи “инсофли истеъмолчи” товарни ишлатилганлигини билса, уни сотиб олмас эди, бу ҳолда товарни савдо дўконига сакланиши эвазига айланма маблағдан жудо бўлган сотувчи зарар кўради. Ёки “инсофли истеъмолчи” мазкур товар янги деб сотиб олгандан сўнг, унинг олдин ишлатилганлигини билиб, келажакда у ҳам ўз-ўзидан сотувчига товарни янгиси билан алмаштириши ёки тегишлича пулини қайтаришни талаб қилишга ҳақли бўлади.

Ёки Б.исмли истеъмолчи “head & shoulders” шампунини сотиб олиб, унинг маълум бир қисмини бошқа суюқлик билан аралаштириб, товар ўз сочига мос эмаслигини ва унга турли тошмалар тошганлигини важ қилиб қайтариб беради ҳамда келтирилган маънавий ва моддий зарарни ундиришга ҳаракат қилади. Бу ерда гарчи сотувчи товарнинг сифатини аниқлаб қайтариб олиши лозим бўлса-да, унинг сифатини аниқлашга махсус мутахиссисларни жалб этиш лозимлиги, бу муайян вақт талаб қилишлиги, бундан ташқари “мижоздан ажралиб қолиш” хавфи (бозор муносабатлари шароитида савдо корхонасининг мижоздан ажралиб қолиши келажакда унинг даромадига салбий таъсир кўрсатиши мумкин) бу ҳаракатларни содир этмасдан товарни қайтариб олишга мажбур этади ва унинг даъвосини судсиз каноатлантиришга ҳаракат қилади.

“Чакана савдо қоидалари”нинг 30-бандига кўра, сотувчи-ходим ёки шартнома асосида сотувчининг функциясини бажарувчи шахс, товарнинг сифатини текшириш зарур бўлган тақдирда, зарур сифатга эга бўлмаган товарни харидордан қабул қилиб олишга мажбурдир. Харидор товарнинг сифатини текширишда катнашишга ҳақлидир. Товарнинг нуқсонлари пайдо бўлиши сабаблари тўғрисида низо келиб чиққан тақдирда сотувчи ўз ҳисобидан товарнинг мустақил экспертизасини ўтказиши шарт. Харидор бундай экспертиза хулосаси юзасидан суд тартибида шикоят қилишга ҳақлидир. Бу ҳолат ҳам истеъмолчи фойдасига юради. Чунки уч-тўрт минг сўмлик товарни экспертиза қилиш учун олиб бориш товар баҳосидан қимматга тушиши мумкин. Шу сабаб ҳам сотувчи текширмасдан товарни қайтариб олишга мажбур бўлади.

Юқоридаги ҳолатни инобатга олиб ва чакана олди-сотди муносабатида ҳар икки тарафни тенг кўриш лозимлигидан келиб чиқиб, фикримизча норматив ҳуқуқий ҳужжатларда товарнинг нуқсонли, яроқсиз эканлигини даъво қилаётган тараф экспертиза қилиши ва

даъвоси исботланган тақдирдагина экспертиза ҳаражатлари жавобгарга юкланиши лозимлиги ўз ифодасини топиши лозим.

Бу каби ҳолатлардан “тажовузкор истеъмолчи” кўпроқ фойдаланади. Бу “тажовузкор истеъмолчи”лар турли кўринишларда ҳаракат қилишлари мумкин. Масалан, товарнинг рекламасига эътироз билдиришлари, турли бахтсиз ҳодисаларни сотиб олинган товарга боғлашлари мумкин.

Мисол учун эҳтиётсизлик натижасида келиб чиққан ёнғинга сотиб олинган электротовардаги нуқсонни важ қилиш орқали етказилган моддий ва маънавий зарарни сотувчидан ундиришга ҳаракат ҳам “тажовузкор истеъмолчи” томонидан амалга оширилади ёки айтайлик А. исмли истеъмолчи “Danone” компанияси томонидан “скелетони” маркаси билан сотувга чиқарилган товар рекламаси ўз болаларида тажовузкорлик, шавқатсизлик туйғусининг ўйғатаётганлигини важ қилиб даъво қилди. Агар бу каби истеъмолчилар даъвоси қондирилиб, уларга маънавий зарар ундириб берилса, бу каби “пул ишлашлар” авж олиши табиий.

Хулоса тарзида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, айб ҳамиша жавобгарликни келтириб чиқаради. Гарчи амалдаги қонунлар лойиҳаси “истеъмолчи ҳамиша ҳақ” тамойили асосида қурилар экан, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунда бу каби нормаларни киритиш мантиқсиздир, лекин ҳеч бўлмаганда, ФКнинг чакана олди-сотди шартномаси билан боғлиқ нормаларида, “Чакана савдо қоидалари”да сотиб олувчининг айбига ҳам кўпроқ эътибор бериш мақсадга мувофиқ.

### **III боб. Чакана олди-сотди шартномасида тарафларнинг мажбуриятлар бажарилмаганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шакллари**

#### **3.1. Чакана олди-сотди шартномасида мажбуриятларнинг бажарилмаслиги учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шакллари тушунчаси ва тавсифи**

Чакана олди-сотди шартномаси шартларини бузганлик учун белгиланадиган фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шакллари ҳақида тўхталишдан олдин фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик шаклларининг қисқача мазмун-моҳиятини очиб бериш лозим. Чунки тушунча бермасдан муайян бир ҳолатнинг мазмунини, унинг моҳиятини очиб бериб бўлмайди.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шакллари орқали ғайриқонуний ҳатти-ҳаракат натижасида маълум бир шахснинг субъектив фуқаролик ҳуқуқ ва манфаатлари бузилганда, унга етказилган зарарли оқибатларни қоплаш учун муайян миқдордаги мол-мулк ундириш талаб этилади. Бу орқали жамиятда ҳуқуқбузарликка йўл қўймаслик, ҳуқуқ ва манфаатлари бузилган жабрланувчи шахсни аввалги ҳуқуқлари бузилган давргача бўлган ҳолатини тиклашга эришилади. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шакллари Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 324-325-моддаларида ўз ифодасини топган.

Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик шакллари умумий қоидага кўра, муайян мажбурият турларидан ва содир этилган ҳуқуқбузарликнинг моҳиятидан келиб чиқиб белгиланади<sup>1</sup>. Фуқаролик ҳуқуқи назариясида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чоралари (шакллари) тушунчаси ва уларнинг турларига оид яқдил фикрлар мавжуд эмас.

Ҳатто “Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик шакли” ибораси ўрнига “шакл”, “тур” тушунчаларини ишлатиш ҳоллари ҳам учрайди.

Масалан, Ж.И.Бабаев “шакл” ибораси ўрнига “чора” атамасини қўллайди<sup>2</sup>. Н.Эгамбердиева эса “тур” атамасини ишлатади<sup>3</sup>. Фикри-мизча чора, тур ва шакл тушунчалари гарчи турлича бўлса-да, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка қўлланилишида ҳеч қандай маъно ўзгаришини келтириб чиқармайди.

<sup>1</sup> Эгамбердиева Н.Х. Фуқаролик ҳуқуқий-жавобгарликнинг асослари ва шакллари. Юрид.фан.номз.дис.... Автореф. –Тошкент: 2006. –15 б.

<sup>2</sup> Бабаев Д.И. Истеъмолчи ҳуқуқлари ва уларни бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик муаммолари. Юрид.фан.номз.дис....Автореф. –Тошкент: 2005. –18 б.

<sup>3</sup> Эгамбердиева Н.Х. Фуқаролик ҳуқуқий-жавобгарликнинг асослари ва шакллари. Юрид.фан.номз.дис.... Автореф. –Тошкент: 2006. –15 б.

Фукаролик-хукукий жавобгарлик шакли бу хукукбузарга кўшимча юкланадиган мажбуриятнинг ифодаланиш шакли ҳисобланади<sup>1</sup>. М.И.Брагинский ва В.В.Витрянскийларнинг фикрича, фукаролик-хукукий жавобгарлик шакллари дейилганда, хукукбузарнинг хукукка хилоф ҳаракати туфайли унинг мулкий манфаатига нисбатан қўлланиладиган салбий оқибатларнинг ифодаланиш шакллари тушунилади<sup>2</sup>.

Аксарият адабиётларда фукаролик-хукукий жавобгарлик шакли тушунчаси берилмасдан фақатгина унинг турлари санаб ўтилган ва шу орқали унинг мазмун-моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилинган<sup>3</sup>.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, чакана савдо мажбуриятларини бузганлик учун фукаролик-хукукий жавобгарлик шакллари дейилганда, чакана савдо муносабати иштирокчилари томонидан хукукка хилоф ҳаракат содир этилганда, хукуки бузилган тарафнинг мулкий ҳолатини тиклаш мақсадида хукукбузарга кўшимча юкланадиган мулкий мажбуриятнинг ифодаланиш шакллари тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси ФКда фукаролик-хукукий жавобгарликнинг зарарни тўлаш, неустойка ундириш ва пул мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгарлик шакллари кўрсатилган. Фукаролик-хукукий жавобгарликни таснифлашда хукукшунос олимларда ягона фикрлар мавжуд эмас.

Ҳ.Раҳмонкулов жавобгарлик шакли неустойка ва зарарни қоплашдан иборатлигини кўрсатиб ўтади<sup>4</sup>. Аксарият олимлар мазкур шакл турларини жавобгарликнинг асосий шакли сифатида тан олишади ва ўз фикрларини бойитишга ҳаракат қилиб, турли янги жавобгарлик шаклларини кўшимча равишда кўрсатишга ҳаракат қилишади. Масалан, Н.Д.Егоров уларга закатни йўқотишни кўшимча жавобгарликнинг шакли сифатида киритади<sup>5</sup>. Бирок мазкур фикр муайян даражада баҳс талаб бўлиб ҳисобланади. Чуқур таҳлил этиладиган бўлса, закатни йўқотиш хукукка хилоф ҳаракат қилган шахс учун жавобгарликнинг шакли сифатида намоён бўлади. Бирок амалдаги

<sup>1</sup> Гражданское право. Ч.1./Под.ред. А.П.Сергеева., Ю.К.Толстого. –М.: Проспект, 1999. –551 с.

<sup>2</sup> Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Книга первая. Общая положения. –М.:Статут, 1997. – 633 с.

<sup>3</sup> Раҳмонкулов Х. Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. –Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997. –445 б.; Раҳмонкулов Х. Мажбурият хукуки. (Умумий қондалар). –Тошкент: ТДЮИ, 2005. –143 б.; Гражданское право. Ч.1./Отв.ред. В.А.Рябенцев. –М.: Юрилит, 1986. – 511 с.; Гражданское право. Ч.1. 2-с изд./Отв.ред. В.Т.Смирнов. Ю.К.Толстой. А.К.Юрченко. –Ленинград: ЛГУ, 1982. –364 с.

<sup>4</sup> Раҳмонкулов Х. Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. –Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997. –445 б.; Раҳмонкулов Х. Мажбурият хукуки. (Умумий қондалар). –Тошкент: ТДЮИ, 2005. –143 б.

<sup>5</sup> Гражданское право. Ч.1./Под.ред. А.П.Сергеева., Ю.К.Толстого. –М.: Проспект, 1999. –551 с.

қонунчилик бўйича зақалат мажбуриятларни таъминлаш усуллари таркибига киритилган.

Б.И.Пугинский эса фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг асосий шакллари қаторига мусодара характеридаги чоралар ва алоҳида ўзига хос бўлмаган чораларни ҳам киритади<sup>1</sup>. Фикримизча, мусодара мазмунидаги шакл фақатгина давлат фойдасига мажбурий мудкий ундирув ҳисобланади. ФКнинг 204-моддасига кўра, қонунда назарда тутилган ҳолларда мол-мулк суднинг қарорига мувофиқ жиноят ёки ўзга ҳуқуқбузарлик қилганлик учун ҳақ тўламасдан мулкдордан олиб қўйилиши мусодара ҳисобланади. Мусодара жабрланувчини бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини тиклай оладиган жавобгарлик шакли сифатида эътироф этилиши мумкин эмас. Мусодара давлат ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини келгусида бузилишини олдини олиш учун қўлланиладиган жавобгарлик шакли сифатида эътироф этилиши мумкин. Масалан, чакана савдо қоидаларини бузган ҳолда, сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш ёки мувофиқлик сертификати талаб этиладиган товарларни сертификатсиз сотиш уларни мусодара қилишга сабаб бўлади. Бундай товарларнинг сифатсизлари келгусида фуқаролик муомаласига киритилмаслиги учун йўқ қилинади ва тегишли сифатга эга бўлган товарларга мувофиқлик сертификати олиниб, сотишга рухсат берилади. Бу ерда шу нарсага эътибор берилиши лозимки, мусодара қилинган мол-мулк ва келгусида унинг сотилишидан тушган маблағ бевосита давлат бюджетига тушади.

Б.И.Пугинский алоҳида ўзига хос бўлмаган чора сифатида ўзганинг пул маблағидан асоссиз фойдаланилаётган шахс томонидан фойдаланилган давр учун фоизларни тўлашни кўрсатади. В.В.Витрянский ҳам жавобгарликнинг асосий шакли сифатида зарарни ундириш ҳамда неустойка тўлашни тан олади. Бироқ шу билан биргаликда пул маблағлари билан боғлиқ мажбуриятлар бажарилмаганда фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг неустойка шакли ўрнига бошқа мустақил шакл яъни, пул мажбуриятларини бажармаганлик учун фоиз ундириш қўлланилиши мумкинлигини таъкидлаб ўтади<sup>2</sup>. Л.А.Лунц бу фикрга қарши ўларок, фоиз кредиторга у зарар кўриши ёки кўрмаслигидан қатъи назар тўланади ва шунинг учун уни жавобгарлик шакли сифатида эътироф этмасликни лозим деб ҳисоблайди<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Пугинский Б.И. Гражданско-правовые средства хозяйственной деятельности. -М.:1995 -137 с.

<sup>2</sup> Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Книга первая. Общая положения. -М.:Статут,1997. -С.680-681.

<sup>3</sup> Лунц Л.А. Денежное обязательство в гражданском и коллизиином праве капиталистических стран. -М.: Юриздит. 1948.-63 с.; Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Книга первая. Общая положения. -М.: Статут, 1997. -681 с.

Фикримизча, бошқа шахсларнинг пул маблағларини гайриконуний ушлаб қолиш, уларни қайтариб беришдан бош тортиш, уларни тўлашни бошқача тарзда кечиктириш ёхуд бошқа шахс ҳисобидан асоссиз олиш ёки жамғариш натижасида, улардан фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фоиз тўланиши кераклиги ҳақидаги ФКнинг 327-моддасини жавобгарлик шакли сифатида баҳолаш баҳсли ҳисобланади.

Масалан, истеъмолчи сотиб олган нуксонли товар сотувчига қайтариб берилган тақдирда сотувчи томонидан товар учун тўланган пулни ўз вақтида харидорга қайтармаслик ФКнинг 327-моддасида назарда тутилган жавобгарликни келтириб чиқариши мумкин. Бирок ФКнинг 327-моддасида назарда тутилган фоизни жавобгар тарафидан тўланишини айрим ҳолатда жавобгарлик шакли сифатида айрим ҳолатда, эса пулдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш тарзида тушуниш лозим бўлади. Масалан, сотувчи харидорнинг пулидан муайян вақт давомида фойдаланиб, ундан даромад олиш мақсадида унга вақтида қайтармаслиги мумкин. Бундай ҳолатда жавобгар тарафидан фоиз тўланиши унинг мулкий аҳволига салбий таъсир кўрсатмайди. Чунки у бировнинг пулидан ноқонуний фойдаланганлиги натижасида тўланаётган фоиздан кўпроқ даромад олган бўлиши ҳам мумкин. Агарда сотувчи узрли сабабларга кўра (ҳисоб рақамида пули бўлмаганлиги туфайли ёки бошқа сабаб билан) истеъмолчининг пулини ўз вақтида қайтара олмаса, ФКнинг 327-моддаси асосида у томонидан тўланган фоиз унинг мулкий аҳволига салбий таъсир этиб, у учун жавобгарлик шакли сифатида баҳоланиши мумкин.

Хулоса тарзида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг асосий шакллари зарарни қоплаш ва неустойка тўлаш ҳисобланади. ФКнинг 327-моддасида назарда тутилган фоиз тўлаш эса пул маблағлари билан боғлиқ бўлган мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик шакли сифатида баҳолаш мумкин.

Чакана савдо муносабатларида аксарият олди-сотди шартномалари оғзаки тузилади, фақатгина насияга товар сотилганда, ёки кредитларга товар берилганда, шартнома ёзма тузилиши ҳақида талаб қўйилиши мумкин. Фақатгина ёзма шартномаларда тарафларнинг жавобгарлик масалалари муайян даражада ўз ифодасини топган бўлади. Бирок оғзаки шартномаларда мажбуриятлар келгусида бажармаган тақдирда келиб чиқадиган жавобгарлик ҳақида келишилмайди.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қи-

лиш тўғрисида”ги қонуннинг 14-моддасида ҳатто неустойканинг фозиларигача кўрсатиб қўйилган. Мазкур қонуннинг 14-моддаси 3-қисмига асосан нуқсонли товарларни алмаштириб бериш муддатларини ўтказиб юборган ҳар бир куни учун сотувчи (ишлаб чиқарувчи) истеъмолчига алмаштирилган товарни бериш билан бир вақтда товар баҳосининг бир фоизи миқдорида неустойка (пеня) тўлайди.

Таъкидлаш лозимки, чакана олди-сотди шартномаси шартларини бузганлик учун қўлланиладиган фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятларидан бири сифатида жавобгарлик чорасини сотиб олувчи танлаши ҳисобланади. Агар шартнома бўйича сотиб олувчи жавобгар бўлса, сотувчида жавобгарлик чорасини танлаш ҳуқуқи мавжуд бўлмайди ва бу ҳолатда сотиб олувчи фақатгина белгиланган пул суммасини ва етказилган зарарни қоплаш ҳақини тўлаши лозим бўлади. Сотувчи жавобгар бўлган ҳолларда эса, истеъмолчи – харидор – сотиб олувчида у ёки бу жавобгарлик чорасини танлаш ҳуқуқи мавжуд бўлади. Кўпчилик ҳолатларда эса, сотувчининг ўз мажбуриятларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги натижасида истеъмолчида бир қатор ҳуқуқлар вужудга келади ва бу ҳуқуқлар сотувчига нисбатан жавобгарлик чоралари ёхуд қўшимча мажбуриятлар сифатида кўрилади. Масалан, ФКнинг 434-моддасига кўра, сотиб олувчига сифати тегишли даражада бўлмаган товар сотилганида, агар унинг камчиликлари шартнома тузиш пайтида маълум қилинмаган бўлса, сотиб олувчи ўз хоҳишига кўра:

- худди шу маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;

- харид нархини тегишинча қайта ҳисоблаган ҳолда, бошқа маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;

- товарнинг камчиликларини текинга бартараф этишни ёки сотиб олувчи ёхуд учинчи шахс томонидан товарнинг камчиликларини бартараф этиш учун қилинган харажатлар қопланишини;

- харид нархини мутаносиб равишда камайтиришни;

- кўрилган зарар ўрнини қоплаган ҳолда, шартнома бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Товар учун тўланган пул суммасини сотиб олувчига қайтариш вақтда сотувчи ундан товардан тўлиқ ёки қисман фойдаланганлиги, товар кўриниши йўқолганлиги ёки бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар туфайли товар қиймати қанча пасайган бўлса, шунча суммани ушлаб қолишга ҳақли эмас.

Сотиб олувчининг сифати тегишли даражада бўлмаган товарни алмаштириб беришни талаб қилиш ҳуқуқини айрим товарларга нисбатан қўллашда ўзига хосликлар мавжуд. Зеро, техник жиҳатдан мураккаб бўлган ва баҳоси юқори бўлган товарларни алмаштириб бериш фақатгина товарнинг сифатига бўлган талабларнинг жиддий бузилиш ҳолатларида йўл қўйилади. Айрим давлатларда бундай товарларнинг рўйхати берилган. Масалан, Россия Федерацияси Ҳукумати-нинг 1997 йил 13 майдаги №575-сонли қарори билан тасдиқланган “Техник жиҳатдан мураккаб бўлган ва истеъмолчиларнинг алмаштириш тўғрисидаги талаби товарда жиддий нуқсонлар бўлганда қаноатлантириладиган товарлар” рўйхати мавжуд бўлиб, унга кўра, автотранспорт воситалари ва рақамли агрегатлар, мотоциклар, мотороллерлар, катерлар, яхталар, моторли қайиқлар, музлатгичлар ва морозильниклар, кир ювиш машиналари, персонал компьютерлар, кишлоқ хўжалик тракторлар, мотоблоклар ва мотокультиваторлар фақатгина жиддий нуқсон бўлгандагина алмаштирилиши мумкин.

Баҳоси юқори бўлган товарлар эса судлар ихтиёрига берилган бўлиб, бунда судьялар адолат ва оқиллик мезонлари асосида товар баҳосининг юқори эканлигини аниқлайдилар.

Таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда мамлакатмизда сифати лозим даражада бўлмаганда, алмаштирилиш фақатгина товарда жиддий нуқсонлар бўлганда йўл қўйиладиган техник жиҳатдан мураккаб товарлар рўйхати мавжуд эмас. Бу ҳолат эса амалиётда турли хилдаги тушунмовчиликлар ва низоларни вужудга келтириши мумкин. Зеро, ФКнинг 434-моддасига кўра, истеъмолчи биринчи навбатда товарни худди шу маркадаги сифати тегишли даражада бўлган товар билан алмаштиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бу қондани эса, биз юқорида санаб ўтган техник жиҳатдан мураккаб бўлган ва баҳоси юқори бўлган товарларга нисбатан татбиқ этишда қийинчиликларни вужудга келтириши билан бирга ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари поймол бўлишига олиб келади. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланадиган “Техник жиҳатдан мураккаб бўлган ва истеъмолчиларнинг алмаштириш тўғрисидаги талаби товарда жиддий нуқсонлар бўлганда қаноатлантириладиган товарлар” рўйхати ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

<sup>1</sup> “Перечень технически сложных товаров, в отношении которых требование потребителя об их замене подлежит удовлетворению в случае обнаружения в товарах существенных недостатков” утвержденным Постановлением Правительства РФ от 13 мая 1997 года №575.



Бу фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шакллари ичида етказилган зарарни қоплаш муҳим ўрин эгаллайди. Чунки амалиётда энг кўп жавобгарлик чораси сифатида айнан шу зарарни қоплаш усули қўлланилмоқда. Шу сабаб у хусусда кейинги параграфда батафсил тўхталишга ҳаракат қиламиз.

### **3.2. Чакана олди-сотди шартномасида мажбуриятларнинг бажарилмаслиги натижасида етказилган зарарни ундириш**

Зарарни ундириш фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик шакллари ичида асосий ўринни эгаллайди. Амалиётни таҳлил этадиган бўлсак, кредиторларнинг аксарияти қарздордан етказилган зарарни ундириш билан чекланишга ҳаракат қилишади. Негаки, бу жавобгарлик шакли, агар қонун ва шартномада бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, фуқаролик ҳуқуқбузилиши юз берган барча ҳолларда қўлланилади. О.Оқюлов зарарни қоплаш масаласи тўғрисида фикр юритар экан, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг навбатдаги тури, бу бир-бирлари билан шартнома орқали боғланмаган иштирокчилар ўртасида бирининг иккинчисига зарар етказганлиги учун жавобгарлиги ҳисобланишини таъкидлайди<sup>1</sup>.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг бошқа шакллари фақатгина қонун ва шартномада назарда тутилган ҳоллардагина қўлланилиши мумкин. Шулардан бири неустойка ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 325-моддасида “Агар мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун неустойка белгиланган бўлса, зарарнинг неустойка билан қопланмаган қисми тўланади. Қонунда ёки шартномада зарарни эмас, балки фақат неустойкани ундириб олишга йўл қўйиладиган; зарар ҳам неустойкадан ташқари тўла ҳажмда ундириб олиниши мумкин бўлган; кредиторнинг танловига кўра ёки неустойка ёхуд зарар ундириб олиниши мумкин бўлган ҳоллар белгиланиши мумкин”лиги ўз ифодасини топган. Зарарни ундириш масаласи эса ҳар қандай ҳолда ҳам жавобгарлик шакли сифатида кредитор томонидан амалга оширилиши мумкин.

Фикримизча, чакана савдо муносабатлари шартнома орқали юзага келганлиги туфайли чакана олди-сотди шартномасида неустойка масаласига ойдинлик киритиш лозим. Амалдаги қонунчиликда неустойкани камайтириш ҳуқуқи судларга берилган. Масалан, ФКнинг

<sup>1</sup> Оқюлов О. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш асослари //Қонун ҳимоясида. –Тошкент, 1999. -№9.-Б.18.

326-моддасида суд алоҳида ҳолларда қарздор ва кредиторнинг манфаатларини ҳисобга олиб, кредиторга тўланиши лозим бўлган неустойканинг камайтириш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган. Назаримизда, шартномада келишилган неустойканинг камайтириш масаласини ҳал этилишини учинчи шахслар зиммасига (суд) юқлаб қўйиши мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, шартнома бу муносабатга киришувчи ҳар икки тарафнинг хоҳиш-иродасининг натижасидир. Бундан ташқари, шартномага киришувчи тарафлар мажбуриятлар бажарилмаса неустойка тўланишлигини шартнома шарти сифатида кириштишар экан, улар аввалдан бир тараф мажбуриятни бажармаса қанча миқдорда иккинчи тарафга неустойка тўланиши лозимлигини билишади. Айнан шартномада неустойканинг белгиланиши тарафларни ўз мажбуриятларини тегишли даражада бажаришга ундаса, ҳуқуқи бузилишидан “кўрққан” тарафга ўзи кўрадиган зарарнинг қопланиш миқдори маълум бўлади. Миқдори қонунда белгиланган неустойка ҳақида тарафлар шартнома тузиш вақтида маълумотга эга бўлмасликлари мумкин. Бу ҳолатда тарафлар мажбурият бажарилмаганда неустойка қўлланилишлигини билмаганликлари учун ундан умидвор ҳам бўлмайдилар. Фақатгина ҳуқуқ бузилгандан сўнггина ва аксарият ҳолларда низо судда кўрилаётганда қонунда шу мажбуриятларни бажармаслик учун неустойка белгиланганлиги аён бўлиб қолади. Ўз ўзидан ҳуқуқи бузилган тараф бундай имкониятдан фойдаланиб қолишни истайди ва суддан унга мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун неустойка ундириб берилишини талаб қилади. Шунинг учун тарафлар олдиндан умидвор бўлмаган неустойканинг суд томонидан камайтирилиши мақсадга мувофиқ.

ФКнинг 14-моддасига мувофиқ, агар қонун ёки шартномада зарарни камроқ миқдорда тўлаш назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс ўзига етказилган зарарнинг тўла қопланишини талаб қилиши мумкин. Агар ҳуқуқни бузган шахс бунинг натижасида даромад олган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс бошқа зарар билан бир қаторда бой берилган фойда бундай даромаддан кам бўлмаган миқдорда тўланишини талаб қилишга ҳақли.

Зарарларни қоплаш бир субъектнинг бузилган манфаатларини бошқа шахс томонидан бузишда, айбдор бўлган шахс ҳисобига тиклашдир<sup>1</sup>. Ҳақиқатан ҳам мулкӣ манфаатнинг бу тахлит тикланиши

<sup>1</sup> Эгамбердиева Н. Савдо муносабатларида тарафларга етказилган зарарни қоплаш. // Бозор иқтисодиёти шароитида савдо муносабатларини ҳуқуқий таъминлаш муаммолари. Конференция материаллари тўплами. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – 163 б.

фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятларидан бири саналади.

Фуқаролик ҳуқуқида етказилган зарарларни тўлиқ қоплаш таъмоили амал қилади. Айнан мазкур таъмоил орқали кредиторнинг аввалги мулкӣ ҳолатини тиклаш мумкин. Айрим ҳолларда мулкӣ санкция кредиторнинг аввалги ҳолатини тиклаш учун етарли бўлмаслиги мумкин. Лекин бу қопланган зарар миқдори бу ҳолатларда нисбий олинади ва кредиторнинг манфаати кондирилди деб ҳисобланади.

Кредиторга етказилган зарарни қоплаш куйидаги ўзига хос хусусиятларига эга:

-гарчи зарарни қоплаш жавобгарлик чораси сифатида конунда назарда тугилган бўлса ҳам, унинг миқдори етказилган зарар миқдoriga мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқилади ва у исботланиши талаб этилади.

-зарарнинг ҳақиқатда мавжудлигини исботлаш вазифаси зарар кўрган шахснинг зиммасига юклатилади;

-зарарни қоплаш учун умумий даъво муддати амал қилади;

-зарарни қоплаш учун жавобгарлик асосларининг тўлиқ таркиби мавжуд бўлиши лозим.

Демак, юқоридагилардан келиб чиқадиган бўлсак, чакана савдо муносабатларида содир этилган ҳуқуқбузарлик учун зарар етказилган тақдирда жабрланувчи ўзига етказилган зарар миқдорини исботлаши талаб этилади. Исботлашда жабрланувчи қандай исботлаш предметларидан фойдаланишни ўзи мустақил белгилайди.

Қарздор томонидан мажбурият ўз вақтида ва тўлиқ бажарилганда кредитор олдиндан кўзланган муайян мулкӣ ҳолатга эришади. Агарда қарздор томонидан мажбурият ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмаса кредитор юқорида айтилган олдиндан кўзланган мулкӣ ҳолатга эриша олмайди. Зарарни ундириш орқали кредиторнинг аввалги ёки олдиндан кўзланган мулкӣ ҳолатининг тикланиши зарар қопланишининг моҳияти сифатида қаралади. Айнан кредиторнинг мулкӣ ҳолати унга етказилган зарар қопланишининг мезони сифатида намоён бўлади.

Масалан, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 2-даҳа 2-уй 2-хонада истиқомат қилувчи истеъмолчи Х.А.Нишанова “Electricity” савдо дўконидан “Daewoo-280” русумли музлатгични 355000,0 сўмга сотиб олган, лекин музлатгич сифатсиз бўлган. Мазкур ҳолат Навоий кўчасида жойлашган ярмаркадаги “Electricity” савдо дўкони томони-

дан “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 13-моддаси бузилганлиги учун. Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмасининг аралашуви билан истеъмолчига тўлиқ 355000,0 сум пули қайтариб берилди<sup>1</sup>. Мазкур мисолдан кўриниб турибдики, истеъмолчи Х.А.Нишонovanнинг ҳуқуқи ҳимоя қилиниши орқали сотиб олинган товарнинг пули қайтарилиб, унинг олдинги мулкый ҳолати тикланмоқда.

Масалан, истеъмолчи А. супермаркетдан “Neskafe” маҳсулотини сотиб олди. Лекин уйига олиб келганда, мазкур товар қалбаки бўлиб чиқди. Товар супермаркетга олиб борилганда, супермаркет ходимлари айбларини бўйнига олдилар ва ўз миждозларидан ажралиб қолмаслик учун товарни бошқаси билан алмаштириб бердилар. Эътибор берадиган бўлсангиз, истеъмолчи ўз пулини қайтариб олмасдан, соз бўлган бошқа товарга алмаштириб олмоқда ва шу орқали олдиндан кўзланган мулкый ҳолати тикланмоқда.

Чакана савдо муносабатларида шундай ҳолатлар ҳам борки, ҳатто харидор бўлмаган шахснинг ҳуқуқлари ҳам қонунчилик билан ҳимоя қилинган. Масалан, Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуннинг 20-моддасида товар (иш, хизмат)нинг тузилишига, ишлаб чиқарилишига, таркибига боғлиқ бўлган ва бошқа нуқсонлари, шунингдек, истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкнинг хавфсизлигини таъмин эта олмайдиган материаллар, ускуналар, асбоб-анжомлар, мосламалар ёки бошқа воситалар қўлланилиши оқибатида истеъмолчининг ҳаётига, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) томонидан қопланиши лозимлиги ва бундай ҳолатда сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) билан шартнома муносабатларига киришган-киришмаганидан қатъи назар, ҳар қандай истеъмолчи товар (иш, хизмат)нинг нуқсони туфайли етказилган зарар қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

Аксарият юридик адабиётларда етказилган зарарнинг таркиби реал зарар ҳамда бой берилган фойдадан иборат эканлиги таъкидланган<sup>2</sup>. Бунда реал зарар мулкка зиён етишида ўз ифодасини топса, бой берилган фойда шу мулкка етказилган зарар натижасида ололмай қолинган даромаддан иборат бўлади. Зарарнинг бу каби таркиби чакана

<sup>1</sup> Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмасининг 2005 йил давомида амалга оширилган ишлари тўғрисидаги маълумотномаси. 03.01.2006 й. №01-09.

<sup>2</sup> Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Книга первая. Общая положения. -М.:Статут, 1997.

савдо муносабатларида етказиладиган зарарни тўлиқ коплай олмайди. Чакана савдо муносабатларида иштирокчилардан бири фуқаро бўлганлиги туфайли, унга нисбатан сотувчи томонидан мажбуриятни етарли даражада бажармаслик ҳар қандай ҳолатда ҳам маънавий зарар етказилишига олиб келади. Масалан, сотувчи сотган нуқсонли товарни истеъмолчи уйга олиб келиб фойдаланишни бошлаган пайтда, унинг нуқсони аниқланган пайдан бошлаб то сотувчига товарни қайтариб олиб бориб бергунга қадар, истеъмолчи руҳий изтиробни бошдан кечиради. Бу руҳий изтироб таркиби сотувчи товарни қайтариб оладими ёки йўқми?, қайтариб олиб бориш қанчага тушади?, худди ўзи хоҳлаган товар сотувчида мавжудми ёки йўқми? – деган саволлар билан бирга оила, дўст-биродарлари олдидаги маълум даражадаги хижолатчилик, изза ҳам киради. Шу нуқтани назардан маънавий зарар чакана савдо муносабатларида етказилган зарарнинг ажралмас таркибий қисми сифатида ўз ифодасини топган бўлиши лозим.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуннинг 20-моддасида назарда тутилганидек, хали шартномавий муносабатга киришмаса-да, харидор ҳуқуқлари ҳимоя қилинар экан, чакана олди-сотди шартномаси тузилаётган вақтдаги сотувчининг муомаласи (ахборотни вақтида бермаслик, харидорни яхши кутиб олмаслик ва ҳ.к.) ҳам шахсга маълум бир маънавий зарарни етишига олиб келиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 207 йил 15 июндаги 163-сонли қарори билан ўз кучини йўқотган 1999 йил 5 февралдаги "Ҳўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг жавобгарлик тўғрисидаги қоидаларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги қарорида зарарни коплаш билан боғлиқ низоларни ҳал этишда, шуни эътиборга олиш керакки, мавжуд зарар таркибига фақатгина тегишли шахс томонидан ҳақиқатда етказилган зараргина эмас, балки шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаши учун қилган ва қилиши лозим бўлган харажатлар ҳам киради. Бундай харажатларнинг кераклиги ва уларнинг тахминий миқдори жавобгарлик миқдори белгиловчи товар, иш, хизмат кўрсатишдаги камчиликларни бартараф этишга кетадиган смета (калькуляция) сифатидаги ва мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик даражасини белгиловчи шартнома, асослантилган ҳисоб-китоб каби бошқа далиллар билан тасдиқланган бўлиши кераклиги белгилаган эди. Бу ерда кучдан қолган Пленум қарорининг келтирилишидан мақсад,

мазкур қарор қарийиб саккиз йил давомида судлар учун дастурий амал блиц келганлигидир.

Фикримизча, чакана савдо муносабатларидаги зарарнинг таркиби аниқланиши суднинг Пленум қарори даражасида эмас, конунда аниқ кўрсатилиш орқали ўз ифодасини топиши лозим. Зеро, истеъмолчига етказилган зарар аксарият ҳолларда, амалда судда кўрилиш даражасига етиб бормади. Назаримизда, айнан бундай ҳолат ФКнинг 436-моддасига 1-қисм сифатида қуйидагича тахрирда баён этиш орқали киритилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди:

Тарафлар чакана олди-сотди шартномаси бўйича мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, улар фойдасига реал зарар билан бир вақтда маънавий зарар ҳам ундирилади. Маънавий зарар миқдори иш ҳолатларидан келиб чиқиб белгиланади.

Шартноманинг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги оқибатида етказилган зарарнинг таркибига тарафларнинг ҳар қандай йўқотиши ва зиён кўрган тарафнинг чиқим ёки зарар кўришдан қочиши натижасида олган ҳар қандай фойдаси киради". Аммо, зарар кўрган тараф мажбурият бажарилмаслиги оқибатида етказилган зарарни ундиришдан бойлик орттирмаслиги лозимлиги қайд этилган. Зарарни ундиришнинг муаммоларидан яна бири кредиторнинг нафақат қарздор томонидан мажбуриятнинг бажарилмаслиги оқибатида етказилган зарарнинг мавжудлиги, балки унинг миқдорини исботлаши зарурияти масаласидир. Исботлаш эса жабрланувчи зиммасига юкланади.

Чакана савдо муносабатларида етказилган зарарни ундириш жараёнида ҳам реал зарар, ҳам бой берилган фойда, шунингдек, маънавий зарар ундирилсагина, зарар тўлиқ қопланган деган хулосага келиш мумкин бўлади. Лекин, чакана савдо муносабатларида зарарнинг тўлиқ миқдорини ҳисоблаш вақтида реал зарар ва маънавий зарар ҳар қандай ҳолатда мавжуд бўлади. Бой берилган фойда эса, айрим ҳолатлардагина мавжуд бўлиши мумкин. Масалан, сифатсиз товар сотилиши натижасида истеъмолчининг меҳнат қобилиятини йўқолиши даромад оладиган меҳнат фаолияти билан шуғулланишига тўсқинлик қилади ва натижада меҳнат қобилиятини тиклагунгача бўлган даврда олиши мумкин бўлган даромадлари бой берилган фойда сифатида зарар таркибига кириб кетади.

Ҳозирги пайтда чакана савдо муносабатида истеъмолчига етказилган зарарни тўлиқ ундирилишида, жавобгарликнинг параллел келиб қолиши тўсқинлик қилмоқда. Масалан, сифатсиз товар сотганлик

натижасида, сотиб олувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етганлик натижасида ҳам жиноий, ҳам фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик белги-ланган. Чакана савдо муносабатида биринчи навбатда истеъмолчига зарар етказилади ва шунинг оқибатида келажакда жамият ҳам зарар кўради. Лекин, амалда аввал жамият кўрган зарар қопланади (жиноий-ҳуқуқий жавобгарлик орқали), сўнг истеъмолчи кўрган зарар ундирилади. Аксарият ҳолларда, ҳуқуқбузарга нисбатан жиноий жавобгарлик қўлланилгандан сўнг, истеъмолчига етказилган зарарни амалий жиҳатдан ундириш масаласи ўз ечимини топмаган. Қонунчиликда истеъмолчига етказилган зарарни ундириш учун биринчи навбатда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш механизми амалда тўлиқ ишламаяпти.

Фикримизча, амалдаги қонунчиликда шундай механизм яратилиши керакки, бунда чакана савдо муносабатларида биринчи навбатда истеъмолчига етказилган зарар ундирилиши орқали ҳуқуқбузарга, агар зарар тўлиқ қопланган бўлса, унга бошқа параллел жавобгарликларни қўлламаслик ёки енгилроқ жазо қўллаш орқали рағбатлантириш лозим. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 186-моддаси 1-қисмига кўра, товар бозорига сифатсиз маҳсулот чиқариш ёки уни сотиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, - энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланишига олиб келади. Фикримизча, энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача бўлган миқдордаги жарима суммаси истеъмолчининг соғлиғини тиклаш учун ас қотиши мумкин. Ёки сифат сертификати бўлмаган сифатли товарлар мусодара қилинганда, унинг мусодара қилиб келгусида сотилишидан тушган маблағ давлат бюджетига эмас, ҳуқуқи бузилган истеъмолчига зарарни қоплаш мақсадида берилиши лозим.

Бурчни натура ҳолда бажаришга мажбур этиш, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 11-моддасига мувофиқ, фуқаролик ҳуқуқуларини ҳимоя қилиш усулларида бири ҳисобланади. Чакана савдо муносабатларида аксарият ҳолларда ҳуқуқи бузилган тараф мажбуриятни бузган тарафдан бурчни натура ҳолда бажарилишини талаб этишга ҳаракат қилади. Масалан, истеъмолчи савдо дўконидан ўзининг шахсий эҳтиёжи учун муайян товар сотиб олади. Агарда мазкур товар сифатсиз бўлса, харидор "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 13-моддасига кўра шартномани бекор қилиб кўрилган зарарни ундириши мумкин.

Масалан, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Шохжаҳон кўчаси, 4-уйда истиқомат қилувчи истеъмолчи А.А.Ҳайдаров Навоий кўчасидаги савдо растасида жойлашган хусусий тадбиркор “М.М.Султонов”га қарашли “Атлант” дўконидан “Индезит” русумли кир ювиш машинасини 460000,0 сумга сотиб олган. Бир ҳафта ишлаб кир ювиш машинаси бузилиб қолган. Мазкур ҳолат хусусий тадбиркор М.М.Султонов томонидан “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 13-моддасини бузилишига олиб келган. Худудий бирлашма аралашуви билан истеъмолчига тўланган пули, яъни 460000,0 сум қайтариб олиб берилган<sup>1</sup>.

Бироқ айрим истеъмолчилар бундан манфаатдор эмаслар. Чунки уларга айнан шу турдаги товар зарур. Бу ҳолатларда улар шартнома-ни бекор қилишдан кўра, товарга эга бўлиб қолишни афзал кўришади.

Чакана савдо муносабатларида бурчни натура ҳолда бажариш қуйидаги кўринишларда амалга оширилиши мумкин:

-товарни айнан шундай маркали (моделли, артикулли) мақбул сифатли товарга алмаштириб бериш;

-товарни бошқа маркали (моделли, артикулли) шундай товарга алмаштириб, унинг харид нархини тегишлича қайта ҳисоб-китоб қилиш;

-товарнинг нуқсонларини бепул бартараф этиш ёки истеъмолчининг ёхуд учинчи шахснинг нуқсонларини бартараф этишга қилган ҳаражатларини қоплаш;

-харид нархини нуқсонга мутаносиб равишда камайтириш.

Худди шундай норма ФКнинг 434-моддасида ҳам ўз ифодасини топган. Бурчни натура шаклида бажариш зарарни қоплаш ва неустойка тўлашдан озод этмайди. Шунинг учун ҳам бурчни натура шаклида бажариш мажбурияти зарарни тўлаш мажбурияти билан параллел равишда келиши мумкин.

Масалан, “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 17-моддаси 5-қисмида ҳажми катта ёки вазни 5 кг.дан зиёд товарни таъмирлаш, нархини тушириш, алмаштириш учун элтиш ва истеъмолчига қайтариб келтириб бериш сотувчининг кучи билан ва унинг ҳисобидан амалга оширилиши белгиланган. Мазкур норма истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнайди. Бироқ унинг айрим жиҳатларига қўшилиб бўлмайди. Масалан, унда товарни таъмирлаш, нархини тушириш, алмаштириш

<sup>1</sup> Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари худудий бирлашмасининг 2005 йил давомида амалга оширилган ишлари тўғрисидаги маълумотномаси. 03.01.2006 й. №01-09.



учун элтиш ва истеъмолчига қайтариб келтириб бериш сотувчининг кучи билан ва унинг ҳисобидан амалга оширилиши товар ҳажми вазнига боғлаб кўйилмоқда. Фикримизча, сотувчи томонидан қопланиши лозим бўлган ҳаражатларни товар вазни ва ҳажмига боғланиши мақсадга мувофиқ эмас. Айнан мазкур ҳолатдан инсофсиз сотувчилар кенг фойдаланишга ҳаракат қиладилар.

Масалан, Тошкент шаҳар Навоий кўчасида жойлашган савдо рас-таларидан Сурхондарё вилоятида яшовчи А. исмли истеъмолчи 500.000 сўмга уяли телефон харид қилди. Товар орадан бир ҳафта ўтгач товарда нуқсон борлиги аниқланди. Бу ҳолатда вилоятдан товар камчилигини бартараф этиш учун келган йўл ҳаражатлари уяли теле-фон ҳажми ва оғирлиги конуннинг 17-моддаси талабларига тўғри келмаганлиги учун қопланмаслиги мумкин.

Бундан ташқари, мазкур моддадаги “ҳажми катта бўлмаган” ту-шунчаси ҳам мавҳум бўлиб, ҳар ким уни ўзи истаганча ва ўз манфаа-тидан келиб чиққан ҳолда шарҳлаши мумкин. Юқоридагиларни ино-батга олиб мазкур модданинг 5-қисми қуйидагича таҳрирда баён этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди:

*“Нуқсонли товарни таъмирлаш, нархини тушириш, алмашти-риш учун элтиш ва истеъмолчига қайтариб келтириб бериш сотув-чининг кучи билан ва унинг ҳисобидан амалга оширилади”.*

Аксарият ҳолларда чакана савдо муносабатларини тартибга со-лувчи конун ҳужжатларида фақатгина сотувчи томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик масаласи назарда тутилган. Бурчни натура ҳолда бажариш мажбурияти ҳам истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимояси нуктаи назардан белгиланган. Деярли кўпгина адабиётларда ҳам шу қаби руҳ ҳукмрон.

Фикримизча, чакана савдо муносабатларида сотувчининг ҳам ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи кенг ўрганилса мақсадга муво-фиқ бўлар эди. Масалан, айрим ҳолларда сотувчи ҳам сотиб олувчи томонидан бурчни натура ҳолатда бажарилишидан манфаатдор бўла-ди. Масалан, сотувчи истеъмолчига товарни кредитга ёки насияга со-тади. Бироқ истеъмолчи айрим сабабларга кўра, мажбуриятни ўз вақ-тида бажармайди. Бундай вазиятда сотувчи иложи борича товарни қайтиб олишдан кўра, унинг пулини ундириб олишни афзал кўради. Зеро, мазкур товар истеъмолчи томонидан муайян даражада ишла-тилган бўлиб, унинг кейинчалик бошқа истеъмолчига сотиш мурак-каб масала бўлиб қолади. Чунки бу ерда сотувчи олдида товарни асл қийматида сотиш муаммога айланади.

### 3.3. Чакана савдо соҳасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида суд амалиёти

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи берилган. Фуқаро ва ташкилотлар тегишли шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақлидирлар. Бундай фуқаролик ишларини судларда ва бошқа идораларда тўғри ва ўз вақтида кўрилиши, ҳал қилинишини таъминлашда фуқаролик-ҳуқуқий меъёrlарининг билиб татбиқ этилиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Одил судловни амалга ошириш масаласи Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонунида ўз аксини топган.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, фуқаро агар унинг қонуний манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқлари паймол этилган тақдирда, ҳар қандай масала бўйича ҳимоя учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлмоғи даркор<sup>1</sup>.

Ҳуқуқи бузилган тарафни судга мурожаат этиши мумкинлиги бир қанча қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Масалан, ФКнинг 10-моддасига кўра, фуқаролик ҳуқуқлари процессуал қонунлар ёки шартномада белгилаб қўйилганидек, ишлар қайси судга тааллуқли бўлишига қараб, суд, хўжалик суди ёки ҳакамлар суди томонидан ҳимоя қилинади.

Қонунда назарда тутилган ҳоллардагина фуқаролик ҳуқуқлари маъмурий тартибда ҳимоя қилинади. Маъмурий тартибда қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни 29-моддасига кўра, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузилган тақдирда, у судга мурожаат қилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 1-моддасида манфаатдор шахс ўз бузилган ёки низолашадиган ҳуқуқи ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун қонунда белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли эканлиги белгиланган.

<sup>1</sup> Каримов, И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. –Тошкент: Ўзбекистон, 1995. –Б.23-24.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги қонунда ҳуқуқи бузилган шахснинг судларга муурожаат этиш умум тамойиллари белгиланган бўлса, “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги қонунда<sup>1</sup> муурожаат этиш масалалари ёритилган.

Фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш фуқаролик суд ишларини юритиш тартиби, суднинг ва процесда иштирок этувчиларнинг процессуал ҳаракатлари, шунингдек, уларнинг процессуал ҳуқуқ ва бурчлари процессуал қонунларда белгиланган. Лекин, юқоридаги ҳолатлар процессуал ҳуқуқ предметини ташкил этади. Мақсадимиз чакана савдо муносабатларида суд амалиётини ўрганишдан иборат бўлганлиги учун процессуал қонунчиликни ўрганиш мазкур тадқиқот предметини ташкил этмайди.

Чакана савдо муносабатлари билан боғлиқ суд амалиёти тадқиқ этилганда шу нарса маълум бўлдики, чакана савдо муносабатларида ҳуқуққа хилоф ҳаракат содир этган шахсга нисбатан фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни суд орқали қўллаш ҳоллари кам учрайди. Масалан, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судида 1997 йил май ойида фуқаро А. Акимовнинг “Ал-Машрик” фирмасига нисбатан қўзғатган даъвоси кўриб чиқилган. Даъво аризасида А.Акимов фирманинг Тошкент шаҳридаги ваколатхонаси савдо тармоғи томонидан сотилган рангли телевизорда техник нуқсонлар туфайли “Ал-Машрик” фирмасига нисбатан даъвогарнинг мулкӣ ва маънавий зарарини қоплаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори чиқарилган<sup>2</sup>.

Аксарият ҳолларда ҳуқуққа хилоф ҳаракат содир этган тараф бошқа тарафга етказилган зарарни судга муурожаат этилгунча қоплашни маъқул кўрмоқда. Бунинг бир неча сабаблари мавжуд:

-биринчидан, сотувчилар судга муурожаат этилганда, нафақат реал зарар, балки, турли ҳаражатлар, маънавий зарар ҳам ундирилиши мумкинлигини назарда тутиб, низои судгача ҳал қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблашмайди. Бу орқали сотувчи фақатгина истеъмолчи кўрган реал зарарни (товарнинг баҳоси миқдори доирасида) тўлаш орқали кўшимча мажбуриятлардан ўзини озод қилмоқдалар;

-иккинчидан, низои ҳал қилишда Ўзбекистон Республикаси Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Федерациясининг ара лашуви низои судгача етиб бормаслигига олиб келмоқда.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1995. 9-сон, 183-м.

<sup>2</sup> Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг архивидан.

Масалан, Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмасининг 2005 йил давомида амалга оширган ишлари тўғрисидаги маълумотномасига кўра, 2005 йил давомида истеъмолчилардан жами 267 та ариза ва шикоятлар тушган бўлиб, шулардан 240 таси ижобий ҳал қилинган<sup>1</sup>. Биргина 2006 йил 1-чорагида 86 та аризанинг 21 таси айнан чакана савдо муносабатларидаги ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бўлган<sup>2</sup>.

Юқоридаги фикр қуйидаги амалий материаллар орқали ўз тасдиғини топиши мумкин:

Масалан, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 18 даҳа, 33-уй, 169-хонадонда истиқомат қилувчи истеъмолчи А.К.Карамов Навоий кўчасида жойлашган "Digital azia" дўкондан сифатсиз маҳсулот "Vitek 1531" ошхона жиҳози фритюрницани 81000,0 сўмга сотиб олган. Ҳудудий бирлашманинг ходимларини ёрдами билан истеъмолчига ошхона жиҳози фритюрницанинг тўлиқ нархи яъни 81000,0 сўм пули қайтариб олиб берилган.

Ёки бўлмаса, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ТТЗ 4-даҳа 38-уй 3-хонадонда истиқомат қилувчи истеъмолчи Р.М.Орунова, Навоий кўчасида жойлашган "Эриксон" дўконида сифатсиз маҳсулот "Юфеса" миксерни 30000,0 сўмга сотиб олган. У ҳам ҳудудий бирлашманинг аралашуви билан кўрган нуқсонли товарни қайтариб бериб, у учун тўлаган пулини қайтариб олган.

Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани Ц 27, 7-уй 1,2-хонадонда истиқомат қилувчи истеъмолчи Х.Х.Аскарлов "AGATA IMPEX" фирмасидан фото принтерни 120500,0 сўмга сотиб олгани ва бу маҳсулот сифатсиз чиққанлиги бўйича ариза билан мурожаат қилган. Бу низо ҳам ҳудудий бирлашманинг аралашуви билан ҳал қилинган ҳамда истеъмолчига товарнинг пули қайтариб берилган<sup>3</sup>.

Суд амалиётида чакана савдо муносабатларида ҳуқуққа хилоф ҳаракат натижасида жавобгарликни қўллашда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка қараганда, маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлик кенг қўлланилмоқда.

Масалан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман суди 2006 йил 14 январдаги қарори билан фуқаро Б.К.Пардаевни Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги

<sup>1</sup> Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмасининг 2005 йил давомида амалга оширган ишлари тўғрисида 03.01.2006 йил №01-09 сонли маълумотнома.

<sup>2</sup> Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмасининг 2006 йил 1-чораги давомида амалга оширган ишлари тўғрисида 31.03.2006 йил №01-35 сонли маълумотнома.

<sup>3</sup> Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмасининг 2005 йил давомида амалга оширган ишлари тўғрисида. 03.01.2006 йил №01-09 сонли маълумотнома.

Кодекснинг 176-моддаси 2-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этгани учун энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида жаримага тортган. Бунга сабаб, фуқаро Б.К.Пардаев Буюк ипак йўли метро бекати олдида ҳеч қандай ҳужжатларсиз умумий нархи 40.300 сўмлик 24 хил 57 дона ўйинчоқлар билан чакана савдо фаолиятини амалга оширган<sup>1</sup>.

Фуқаро В. Эрматов ҳам 2006 йил 28 мартдаги юқоридаги туман судининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 176-моддаси 2-қисми билан энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари миқдорида жаримага тортилган. Бунга сабаб, Эрматов В. Мирзо Улуғбек туман Қоплонбек кўчасида жойлашган сомсахонада харидорга 600 сўмга 4 дона сомса сотиб, назорат касса машинасидан чек уриб бермаган. Текширув давомида Эрматов В. дан ушбу фаолият билан шуғулланиш учун тегишли ҳужжатлар сўралганда, унда бундай ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги аниқланган. Мазкур ҳужжатлар йўқлиги туфайли савдодан тушган 3200 сўм пул, умумий нархи 15350 сўмлик 100 кг. ун ва 5 кг туз давлат фойдасига мусодара қилинган<sup>2</sup>.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, чакана савдо қоидаларини бузиш билан боғлиқ бўлган ишлар асосан маъмурий судларда кўриб ҳал қилинмоқда.

Сотувчи томонидан истеъмолчига нисбатан бузилган ҳуқуқларни тиклаш мақсадида даъво кўзғатиш масалалари камдан-кам учрайди. Фақатгина сотувчи томонидан истеъмолчига товарлар кредитга берилганда, товар пули ўз вақтида тўланмагани учун бузилган ҳуқуқларни тиклаш ва кўрилган зарарни ундириш мақсадида судга мурожаат этиш ҳоллари учраб турибди.

Чакана олди-сотди шартномаси шартларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш бўйича суд амалиётининг бугунги ҳолатини таҳлил этиб, айтиш мумкинки судларга чакана олди-сотди шартномаси бўйича низолар жуда кам кўрилмоқда. Ўзбекистон Олий судининг “Чакана олди-сотди шартномаси шартларини бузганлик ҳолатлари юзасидан 2006-2007 йиллар давомида кўрилган фуқаролик ишлари бўйича” умумлашмасига кўра, чакана олди-сотди шартномаси шартларини бузганлик ҳолатлари юзасидан 2006 йилда 2 та, 2007 йилда 5 та жами бўлиб 7 та, жумладан, Навоий вилоят судида 5 та, Сирдарё вилоятида 1 та, Тошкент шаҳар судида 1 та иш

<sup>1</sup> Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман жиноий ишлар судининг 150/06 сонли иш материалли.

<sup>2</sup> Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман жиноий ишлар судининг 699/06 сонли иш материалли.

кўрилган. Қолган вилоят судлари томонидан бу тоифадаги ишлар кўрилмаган.

Кўрилган ишларнинг жами 5 таси бўйича, хусусан 2006 йилда 2 таси, 2007 йилда 3 таси бўйича ҳал қилув қарори қабул қилиниб, шулардан 4 та иш бўйича даъво талаблари каноатлантирилган, 1 та иш бўйича даъво рад қилинган<sup>1</sup>.

Кўриниб турибдики, чакана олди-сотди шартномаси шартларини бузганлик учун жавобгарлик ҳолатлари фақатгина бир томон сотиб олувчи (харидор, истеъмолчи) ҳуқуқларининг бузилиши учун қўлланилмоқда. Бу ҳолат биринчи навбатда сотиб олувчининг шартнома “заиф” томони эканлиги билан белгиланса, кўпчилик ҳолатларда тарафлар ўртасидаги низо ўзаро келишув асосида ҳал этилиши билан шунингдек, айрим ҳолатларда сотиб олувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлиги етарли эмаслиги билан изоҳланади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий судининг “Чакана олди-сотди шартномаси шартларини бузганлик ҳолатлари юзасидан 2006-2007 йиллар давомида кўрилган фуқаролик ишлари бўйича” Умумлашмаси.

Ушбу монографияда чакана савдо муносабатларида ҳуқуққа хилоф ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида юзага келадиган фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик бўйича кўрилган масалалар атрофлича илмий-назарий ҳамда амалий таҳлил этилиб, қуйидаги хулосаларга келинди.

1. Ишда илк бора чакана олди-сотди шартномаси ва чакана савдо муносабатида жавобгарлик субъекти сифатида нафақат сотувчи (ишлаб чиқарувчи), балки истеъмолчи ҳам бўлиши мумкинлиги атрофлича ёритиб берилганлиги билан ҳам характерлидир. Чакана савдо муносабатларида ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бузиш, чакана олди-сотди шартномасида кўрсатилган мажбуриятларни бажарилмаслиги нафақат жамиятнинг зарар кўришига, балки ўз навбатида тадбиркорликнинг ривожланишига ҳам ўз салбий таъсир кўрсатмай қолмайди.

2. Фикримизча, сотувчи тушунчасига берилган таърифларни барчасини бир хиллаштириш лозим ва у қуйидагича мазмунда баён этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди:

- сотувчи бу чакана савдо фаолиятини амалга оширувчи ва олди-сотди шартномасининг бир томони сифатида иш кўрувчи хўжалик юритувчи субъектдир.

3. Фикримизча, ФКнинг 425-моддаси қуйидагича тахрирда баён этилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди:

Чакана олди-сотди шартномасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган сотувчи сотиб олувчи-**жисмоний шахсга** шахсий мақсадларда, рўзғорда ёки тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиладиган товарни топшириш мажбуриятини олади.

Чакана олди-сотди шартномаси оммавий ҳисобланади.

4. Муаллиф ФКнинг 426-моддасини “чакана олди-сотди шартномасининг шакли” деб номлаш (426-моддаси тегишинча алоҳида модда бўлади) ва уни қуйидаги мазмунда беришни таклиф қилади:

Агар қонун ҳужжатларида ёки чакана олди-сотди шартномасида бошқача ҳолат белгиланган бўлмаса, чакана олди-сотди шартномаси сотувчи томонидан сотиб олувчига товар ҳақи тўланганлигини тасдиқловчи касса ёки товар чеки ёки бошқа ҳужжат топширилганидан сўнг, белгиланган шаклда тузилган деб ҳисобланади. Сотиб олувчида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларнинг мавжуд бўлмаслиги, уни шартнома тузилганлиги ва унинг шартларини тасдиқлаш учун гувоҳларнинг кўрсатмаларидан фойдаланиш имкониятидан маҳрум элмайди.

Агар қонун ёки шартномада бошқача ҳолат кўзда тутилмаган бўлса, чакана олди-сотди шартномаси сотиб олувчи товар ҳақини соғувчига тўлаганидан сўнг тузилган деб ҳисобланади.

Сотиб олувчи ўн кунлик муддат ичида сабабларини кўрсатмаган ҳолда товарни қайтариб топшириш ва унинг ҳақини олиш ҳуқуқига эга. Товарни сотиб олувчига қайтариб топшириш тартиби ва шартлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

5. “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 13-моддасида истеъмолчига нуқсонли товарлар сотилганда, унинг қандай ҳуқуқларга эга эканлиги санаб ўтилган. Мазкур модданинг 5-қисмида эса истеъмолчининг ўз ҳуқуқлари юзасидан талаблари у касса товар чекини, кафолат муддати белгиланган товарлар бўйича эса тегишлича расмийлаштирилган техник паспорт ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатни тақдим этган тақдирда кўриб чиқиши белгиланган. Тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмаган шахсда бундай ҳужжатларни тақдим этиш имкони мавжуд эмас. Демак, “но-тадбиркор” шахсдан товар сотиб олган харидорлар ҳуқуқлари бузилганда, уларни тиклаш юзасидан талаб қўйиш имкониятидан маҳрум бўлишади. “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунни 13-моддасининг мазкур талаби Фуқаролик кодекси 24-моддаси 3-қисмининг амалга оширилишига тўсқинлик қилади. Шунинг учун, Қонуннинг 13-моддаси 5-қисмига қуйидагича таҳрирда баён этилиши мақсадга мувофиқ:

“Истеъмолчининг талаблари у касса ёки товар чекини, кафолат муддати белгиланган товарлар бўйича эса, тегишлича расмийлаштирилган техник паспорт ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатни тақдим этган тақдирда кўриб чиқилади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 24-моддаси 3-қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно”.

6. Фикримизча, чакана савдо муносабатларидаги зарарнинг таркиби аниқланиши суднинг Пленум қарори даражасида эмас, қонунда аниқ кўрсатилиш орқали ўз ифодасини топиши лозим. Зеро, истеъмолчига етказилган зарар аксарият ҳолларда, амалда судда кўрилиш даражасигача етиб бормади. Назаримизда, айнан бундай ҳолат ФКнинг 436-моддасига 1-қисм сифатида қуйидагича таҳрирда баён этиш орқали киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди:

“Тарафлар чакана олди-сотди шартномаси бўйича мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда уларга реал за-



рар билан бир вақтда маънавий зарар ҳам ундирилади. Маънавий зарар миқдори иш ҳолатларидан келиб чиқиб белгиланади.”

7. Умумий қоидага кўра, чакана олди-сотди шартномасида сотувчига қўйиладиган талаблардан бири унинг харидорлар билан хуш муомалада бўлиши ҳисобланади. Қўпол муомалада бўлишлик эса, сотиб олувчининг асабини бузиши ва унга маънавий зарар етказиши мумкин. Бу ҳолат эса ҳар доим ҳуқуққа хилофлик деб баҳоланади. Шу сабабли сотиб олувчининг қўпол муомаласи учун фуқаролик қонун ҳужжатларида унга нисбатан қатъий жавобгарлик чораларини белгилаш мақсадга мувофиқдир. Фикримизча, “Чакана савдо қоидалари”га қўйидаги нормани киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди:

- сотувчи харидорга қўпол муомала қилганда қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарлик чораси қўлланилади. Бунда сотиб олувчи сотувчига етказилган маънавий зарарни қоплаши лозим.

Сотувчининг харидорга қўпол муомала қилганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан тасдиқланадиган “Техник жиҳатдан мураккаб бўлган ва истеъмолчиларнинг алмаштириш тўғрисидаги талаби товарда жиддий нуқсонлар бўлганда қаноатлантириладиган товарлар” рўйхати ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

# ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

## I. Рахбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Тошкент: Ўзбекистон, 1996. -364 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996. -380 б.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996. -366 б.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. -Тошкент: Ўзбекистон, 1996. -394 б.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997. -384 б.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. - Тошкент: Ўзбекистон, 1998. -429 б.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. -Т.: Ўзбекистон, 1999, -413 б.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. - Тошкент: Ўзбекистон, 2000. -525 б.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. - Тошкент: Ўзбекистон, 2001. -439 б.
10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун қурашмоқ керак. Т.10. - Тошкент: Ўзбекистон, 2002. -432 б.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. - Тошкент: Ўзбекистон, 2003. -320 б.
12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. Т.12. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. -400 б.
13. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайдди. Т.13.- Тошкент: Ўзбекистон, 2005. -448 б.
14. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий кадрият. Т.14. - Тошкент: Ўзбекистон, 2006. - 280 б.
15. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. - Тошкент: Ўзбекистон, 2007. -318 б.

16. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустикал тараққиёт йўли. - Тошкент: Ўзбекистон, 2007. -48 б.

17. Каримов И.А. Асосий максадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир. Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.//Халқ сўзи, 2007 йил 8 декабрь.

## **II. Меъёрий манбалар:**

### **1.Амалдаги меъёрий ҳужжатлар:**

#### **А) Конституция ва кодекслар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Тошкент: Ўзбекистон, 2007. -44 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. -Т.: Адолат, 2007. 520 б.

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. -Т.: Адолат, 1998. 327 б.

4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. -Т.: Адолат, 1995. 299 б.

5. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. -Т.: Адолат, 1999. 249 б.

6. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. -Т.: Адолат, 2003.

#### **Б) Қонунлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни (1996 й. 26 апрель) //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1996 йил, 5-6-сон. 59-м.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги қонуни (1996 й. 27 декабрь) //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997. 2-сон, 54-м.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси” тўғрисида”ги қонуни (1998 й. 29 август) //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998. 9-сон, 170-м.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташиқлотлари тўғрисида”ги қонуни (1999 й. 14 апрель) //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999. 5-сон, 115-м.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонуни. (1991 йил 15 февраль) //Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1991. 4-сон, 76-м.

6. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни (Янги тахрирда). (1995 й. 21 декабрь) //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1995. 12-сон, 257-м.

7. Ўзбекистон Республикасининг “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги қонуни. (1997 й. 25 апрель) //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. 4-5-сон, 120-м.

8. Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги қонуни. (1997 й. 30 август) //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. 9-сон, 239-м.

9. Ўзбекистон Республикасининг “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги қонуни. (1993 й. 28 декабрь) //Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1994. 2-сон, 50-м.

10. Ўзбекистон Республикасининг “Метрология тўғрисида”ги қонуни. (1993 й. 28 декабрь) //Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1994. 2-сон, 48-м.

11. Ўзбекистон Республикасининг “Товар бозорларида монополиялик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги қонуни. (1996 й. 27 декабрь) //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. 2-сон, 54-м.

12. Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида”ги қонуни. (1993 й. 28 декабрь) //Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1994. 2-сон, 46-м.

13. Ўзбекистон Республикасининг “Табиий монополиялар тўғрисида”ги қонуни (Янги тахрирда). (1997 й. 24 апрель) //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. 4-5-сон, 106-м.

14. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни. (2000 й. 25 май) //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2000. 5-6-сон, 140-м.

15. Ўзбекистон Республикасининг “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги қонуни. (2000 й. 25 май) //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2000. 5-6-сон, 142-м.

16. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги қонуни. (1995 й. 30 август) //Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1995. 9-сон, 183-м.

### **В) Қонуности ҳужжатлари:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.07.2005 йилги “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 36-19 сонли Фармони//Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. №25-26. 2005. 167-модда.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.07.2005 йилги “Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида”ги ПФ 36-22 сонли Фараони//Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. №25-26. 2005 йил 178-модда.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 февралдаги “Савдони эркинлаштириш ва истеъмол бозорини товарлар билан тўлдиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги 98-сон қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 июндаги “Бозорлар фаолиятини такомиллаштириш ва маҳсулотлар сотиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 239-сон қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 14 августдаги “Ижтимоий муҳим озиқ-овқат товарларини импорт қилиш ва сотишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 317-сон қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 ноябрдаги “Вино-ароқ маҳсулотларини улгуржи ва чакана сотишни тартибга солиш тўғрисида”ги 452-сон қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 октябрдаги “Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган истеъмол товарлари

билан савдо қилишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 433-сон қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 октябрдаги “Стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 342-сон қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикасида умумий оқатланиш маҳсулотларини (хизмат)ларини ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2003 йил 13 феврал 75-сонли қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июлдаги “Ноозиқ-оқат истеъмол товарлари билан савдо қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 330-сон қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сонли қарори билан тасдиқланган “Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси чакана савдо Қоидалари.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 ноябрдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган “Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисида”ги Низом.

14. Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк бошқарувининг 12.07.2004 йилдаги РА-01-8-31, 95, 2004-49, 256-В-сон қарори билан тасдиқланган “Айрим турдаги акцизли товарларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг ҳисоби тизими тўғрисида”ги вақтинчалик Низом.

15. Этил спиртининг давлат Стандарти (этил спирти таркибида мавжуд бўлган кимёвий моддалар таркиби) собиқ Иттифоқнинг Стандартлаштириш ва метрология комитети томонидан 07.01.1967 йил тасдиқланган.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 6 августдаги “Республикада дори-дармонлар ва тиббий буюмлар билан таъминлашни ва уларни тақсимлашни яхшилашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги 404-сон қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Автотранспорт воситаларини харид қилиш-сотиш, алмаштириш ва

хадя этиш битимларини расмийлаштириш тартиби тўғрисида 1991 йил 16 сентябрдаги 233-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги 491-сон қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14 январдаги “Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари сотишни тартибга солиш тўғрисида”ги 19-сон қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 23 сентябрдаги “Спирт, алкоғолли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотишни давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 444-сон қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 июндаги “Бозорлар фаолиятини такомиллаштириш ва маҳсулотлар сотиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 239-сон қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 июндаги “Импорт истеъмол товарлари олиб келиш ва сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сон қарори.

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги “Ички бозорни дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 307-сон қарори.

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 ноябрдаги “Вино-ароқ маҳсулотларини улгуржи ва чакана сотишни тартибга солиш тўғрисида”ги 452-сон қарори.

24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 октябрдаги “Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган истеъмол товарлари билан савдо қилишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 433-сон қарори.

25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги “Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келишни тартибга солиш тўғрисида”ги №154-сон қарори.

26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 июндаги “Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланишни тартибга солиш тўғрисида”ги 197-сон қарори.

27. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 20 августдаги “Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида

сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 295-сон қарори.

28. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 октябрдаги “Стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 342-сон қарори.

29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги “Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 407-сон қарори.

30. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 414-сон қарори.

31. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб келишни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида”ги 427-сон қарори.

32. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги “2003-2006йилларда чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоқларини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.

33. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 75-сон қарори.

34. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июлдаги “Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари билан савдо қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 330-сон қарори.

### **III. Махсус адабиётлар:**

#### **1. Монгорафиялар, дарслик, ўқув қўлланмалари.**

1. Матвеев Г.К. Основания гражданско-правовой ответственности. - М.: Юридическая литература, 1970. -312 с.

2. Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Ч.1. -М.: Статут, 1999. - 840 с.



3. Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право. Ч.2. -М.: Статут, 2002. -800 с.
4. Гражданский кодекс Российской Федерации. Часть II –8-е изд. –М.: Ось-89, 2003. 356 с.
5. Гражданское право. Т. 1. Отв.ред. М.К.Сулейменов, Ю.Г.Басин. –Алматы.: КазГЮА, 2000. –372 с.
6. Гражданское право: Учеб.: В 3 т. Т.1.-6-е изд., перераб. и доп./Н.Д.Егоров, И.В.Елесеев и др.; Отв.ред. А.П.Сергеев. Ю.К.Толстой. -М.: Проспект. 2003. -776 с.
7. Гражданское право Учебник.Т.2./Под.ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого.-М.:Проспект, 1998.-782 с.
8. Гражданское право. Том II. Полутом 1. 2-е издание./ Отв.ред.Е.А.Суханов.-М.:БЕК.2000.-228 с.
9. Грибанов В.П. Гражданское право. Т.2. – М.: Юрид лит., 1980. –20 б.
10. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик -Т.: Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси 2000. -273 б.
11. Дўстов У.Н. Туризм хизматининг ҳуқуқий тартибга солиниши. –Т.: ТДЮИ. 2005. –79 б.
12. Законодательные акты зарубежных стран. –М.: Юрист. 1998. –62 б.
13. Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи.-Т.:Адолат.1996.-296 б.
14. Ибратов Б. Тадбиркорлик ҳуқуқи. –Т.: Молия. 2001. -72 б.
15. Иоффе О.С. Обязательственное право. -М.: Юрлит. 1975. -97 б.
16. Исламов З. Общество. Государство. Право. (Вопросы теории). –Т.: 2001. –684 б.
17. Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации части первой (постатейный). Изд 2. –М.: Инфра – М. 2003. –С.95.
18. Кузнецова Л.Г. Шевченко Я.Н. Гражданско-правовое положения несовершеннолетних. –М.: Юр.лит. 1968. –29 б.
19. Лунц Л.А. Денежное обязательство в гражданском и коллизионном праве капиталистических стран. –М.: Юриздит. 1948.-63 б.
20. Матвеев Г.К. Основания гражданско-правовой ответственности.-М.: Юрид.лит.1970. Б.19-36.
21. Новицкий И.Б., Лунц Л.А. Общее учение об обязательствах. -М.: Госюриздат. 1950. Б.307-319.,

22. Патсаев В. Кто такое потребитель. – Саратов.: 1995. –17 б./ Саид-Газиева. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш. –Т.: ТДЮИ. 2005. Б.10-11.
23. Пугинский Б.И. Гражданско-правовые средства хозяйственной деятельности.-М.: -137 б.
24. Раҳмонкулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи. -Т.: ТДЮИ. 2005. -336 б.
25. Раҳмонкулов Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. –Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1997. Б.436-441,
26. Раҳмонкулов Ҳ. Олди-сотди шартномаси. –Т.: Адолат. 2000. – 176 б.
27. Раҳмонкулов Ҳ. ва бошқалар. Хусусий мулк объектларининг ҳуқуқий мақоми.-Т.:2006.-140 б
28. Ровный В.В. Проблемы единства российского частного права. –Иркутск.: 1999. –233 с.
29. Г.Крыловой, П.Гаврилова. Российское гражданское право. - М.: ЮрИнформ, 1999.-416 с.
30. Рўзиназаров Ш. Юридик фанларнинг ривожланиши ва долзарб муаммолари.-Т.:2007.-392 б.
31. Саид-Газиева Н. Аҳолига савдо хизмати кўрсатиш соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш. –Т.: ТДЮИ. 2005.-Б.132.
32. Бурханходжаева Х.В. Аҳолига савдо хизмати кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик. Рисола. -Т.: ТДЮИ. 2006. –94 б.
33. Бурханходжаева Х.В. Аҳолига савдо хизмати кўрсатиш соҳасида фуқаролик қонунчилигини такомиллаштиришнинг айрим масалалари. //ФК такомиллаштириш муаммолари: Илмий-амалий конференция материаллари. -Т.: ТДЮИ. 2007. – Б. 260-263.
34. Бобоев Ж.И. Аҳолининг истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқларини экологик жиҳатдан ҳимоя қилиниши. Рисола. – Фалсафа ва ҳуқуқ инст. 2008. –55 б.
35. Бобоев Ж.И. Ўзбекистон Республикаси истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ўрганиш. Ўқув қўлланма. – Т.ТДЮИ. 2005. –64 б.
36. Саидов А., Таджиханов У., Одилқориев Х. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Дарслик. –Т.: Шарқ. 2002. –188 б.
37. Синдаров К. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги шартномалар. -Т.: Янги аср авлоди.2003.-137-б.
38. Смирнов В.Т. Регрессные иски в обязательствах из причинения вреда. -М.: Юрид.лит. 1960.-135 с.

39. Спирт этиловый питьевой 95%-ный. Технические условия – М.: Изд. Стандартов. 1990. –10 б.
40. Уголовное право. Общая часть. Учебник. –М.: Новый юрист. 1997. -211 б.
41. Усманов О. Договор розничной купли продажи и охрана прав покупателей – Душанбе: 1962. – 60 б.
42. Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида” ги Қонунига шарҳ://Муаллифлар таркиби: И.Б.Зокиров, М.Х.Рустамбоев, О.Оқюлов ва бошқ.-Тошкент: Ўзбекистон, 2005.-288 б.
43. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. II-қисм. – Т.: Адолат. 1999. –559 б.
44. Юлдашев Ж.И. Акциядорлик жамиятлари – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида. –Т.: ТДЮИ. 2004.
45. Яковлев В.Ф. Гражданско-правовой метод правового регулирования общественных отношений. –Свердловск.: 1972. –116 б.
46. Borrie G. The development of consumer law and policy: Bold spirits and timorous souls.-L.: Stevens, 1984.-XII, 11-б.

Кириш .....	3-5
<b>I-боб. Чакана олди-сотди шартномасининг тушунчаси, ўзига хос хусусиятлари ва мазмуни</b>	
1.1. Чакана олди-сотди шартномасининг тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари.....	6-28
1.2. Чакана олди-сотди шартномасининг ўзига хос хусусиятлари ва мажбуриятлар тизимида тутган ўрни.....	28-36
1.3. Чакана олди-сотди шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	36-54
<b>II-боб. Чакана олди-сотди шартномаси шартларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик хусусиятлари, асоси ва шартлари.</b>	
2.1. Чакана олди-сотди шартномаси шартларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятлари .....	55-62
2.2. Ҳуқуққа хилофлик – чакана олди-сотди шартномаси шартларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асоси сифатида.....	63-73
2.3. Зарар ва сабабий боғланиш - чакана олди-сотди шартномасини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шarti сифатида.....	73-84
2.4. Айб - чакана олди-сотди шартномасини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шarti сифатида.....	85-97
<b>III-боб. Чакана олди-сотди шартномасида тарафларнинг мажбуриятлар бажарилмаганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шакллари</b>	
3.1. Чакана олди-сотди шартномасида мажбуриятларнинг бажарилмаслиги учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шакллари тушунчаси ва тавсифи .....	98-104
3.2. Чакана олди-сотди шартномасида мажбуриятларнинг бажарилмаслиги натижасида етказилган зарарни ундириш ва неустойкани тўлаш муаммолари.....	104-112
3.3. Чакана савдо соҳасида истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш бўйича суд амалиёти .....	113-117
.....	118-120
Хулоса .....	121-130
Фойдаланилган адабиётлар.....	

**Ш.Б. Мустафаев**

**ЧАКАНА ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ  
ШАРТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН  
ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК  
МУАММОЛАРИ**

Мухаррир: *Н.Имомов.*

Техник муҳаррир: *А.Боймаматов.*

Компьютерда саҳифаловчи: *Ф.Нурлибаев.*

Босишга рухсат этилди 02.02.2009 й. Ҳажми: 8,256.т.

Адади 100. Буюртма № 023.

ТАҚИ кичик босмахонасида босилди.

Тошкент шаҳри, Навоий, 13

